



Собир ҲАНА



# ЯНА БИР ДОВОН

Дарвоқе, мустақилликни мустаҳкамлаш йўли машаққатли экан, унинг ҳар бир йилини довонга қиёсла- сак айб эмас. Демак, биз ўн биринчи довондан ошибмиз. Токи фаровон, гуллаб-яшнаган бир ўлкага айланар эканмиз, шунда ҳам 1 сентябр биз учун энг шуқухли кун сифатида қалбларимизда ёлқинланиб турса керак. Сабаби...

Келинг, шу жўн туюлган қайтариқларни такрорла- май қўяқолайлик-да, гапнинг қолганини юрак шивири билан ҳангомалашингизга қолдирайлик.

Ҳангомангизда кўп нарсалар бор: ўтган, ўтаётган кунларнинг сурури ҳам, баъзан ташвишли, баъзан аламли, шахсий ҳаётингиздаги кўнгилсиз чоғлар ҳам. Ҳали олтмишга етмадим-ку, деб ўзининг бобойлигига шак келтириб турган инсон, қарабсизки, бугун Етмиш- бой бўлибди; ўн бир йил олдин туғилган гўдак кейинги йил мучал тўйига тайёргарлик кўраётир. Демак, ўн бир йил дегани ҳам кам муҳлат эмас экан-да. Тўғрими?

Орта қараб, ўйлаб туриб гоҳо қилган, қилаётган ишларингдан, очиги, кўнглинг тўлмайдди. Гоҳо муста- қиллик иншоотлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзга- ришларни кўриб кўнглинг юксалиб кетади. Бола-чақанг, юртинг тинч-омонлигига қараб хурсанд бўласан. Мусаф- фо осмон, одамлар ўртасида ёвқараш, зиддиятлар, тўс- тўполонлар йўқлигини дилдан ҳис этиб, туйқус жабру жафолар дийдасини қотириб ташлаган афгонларга, Че- ченистон, Фаластин, Исроилдаги хунрезликларга тақ- қослаб Худога минг шукр, дейсан. Юрт раҳбарининг тад-

биркорлигига, донолигига тасаннолар айтасан.

Республикамиз дунёга қиёслаганда, аҳолиси ёшига нисбатан энг ёш давлатлар сирасига кираркан. Яъни мам- лакатимиз аҳолисининг 70 фоизини 30 ёшгача бўлган- лар, унинг ҳам қирқ фоизини 16 ёшгача бўлганлар таш- кил этаркан. Фарб давлатларининг баъзиларида “қари- лик” ҳукм сураётгани баробарида ҳатто ўлим суръати туғилиш суръатидан 2-3 фоиз кўпроқни ташкил қилар- кан. Бизда туғилиш суръати ҳам юқори. Баъзи “интизом- ли” чет эл фўқаролари сингари бизда оилани бир, нари борса икки фарзанд билан чеклаш тартиби йўқ. Давлат ҳам бунга аралашмайди. Аксинча давлат соғлом авлод, соғлом она қамоли учун шароит яратяпти, дастурлар ишлаб чиқилиб жорий этилаётир.

Азбаройи Ватан камолоти, келажак истиқболи учун тadbиқ этилаётган ишлар булар. Зотан келажак ёшлар- никидир. Президент таъкидлагани янглиг улар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиш- лари шарт.

Бу йил Республикамызда ҳар йилгидан кўп галла ҳосили етиштирилди. Мазкур мақола ёзилаётган пайтда ҳали-ҳануз далаларда ҳосил мўл, деҳқонлар уларни йи- гиштириш ва янада юксакроқ хирмон чўққиларини кўзлаш билан банд эдилар. Шу боис аниқ рақамлар кел- тиришни лозим топмадик. Гапнинг қисқаси, деҳқоннинг бу йил кўнгли каби қорни ҳам тўқ, усти бут, омбори тўла, у бундан ҳам яхшироқ яшашга ҳаракат қилаётир. Бу ҳақда албатта тўлқинланиб ёзсанг арзийди. Шароит

тақозоси туфайли ҳам бугун деҳқон табдиркор. Боз устига йил яхши келди. Худо берди! Чорва билан дондуннинг бир гали келди. Деҳқоннинг пахта ҳосилидан ҳам умиди катта. Сув мўл. Ҳаво яхши. Меҳнат ва ақл керак, ҳолос.

Мамлакатимизда 120 та шаҳар бор. Мустақиллик йилларида, оғизни тўлдириб айтиш жоизки, янгиша шаҳар-созлик йўналиши пайдо бўлди. Бунинг бош меъмори ҳам Президентимизнинг ўзидир. Пойтахт мислсиз қиёфага кирди. Қай бирини айтасиз: йўллар, қўприклар, мухташам иншоотлар, ёдгорликлар, метро, хиёбонлар, саройлар, мажмуалар, ўқув юртлари...

Буларнинг ҳаммаси, айлантриб келганингизда мустақиллик шарофати туфайли юзага келди. Ислохотларнинг энг қийини, Президентимиз таъкидлаганидек, одамлар онгида кечадиган ислохотлардир. Бугун кўриб турибмизки, оддий одамлар ҳам давлатнинг соғин сизир эмаслигини яхши англаб етдилар. Айни чоғда ижтимоий муҳофаза масаласида ҳам давлат, айниқса қарияларни зориқтириб қўяётгани йўқ. Ногирон ва етимларни ҳам.

Аммо, сир эмас, кўриниши, гап-сўзи дуппа-дуруст одамлар ҳам келиб-келиб шўро даври шарт-шароитларини гўёки коммунизм экан, энди бари барбод бўлди, фалон нарсанинг нархи бунча эди, ойлик маошининг мунча қисмига фалон-писмадон нарсаларни харид қилар эдинг, энди-чи, а?... - дея сизни лабдурустан мот қилишга уринишади.

Мен бир нарсани баъзан кўп ўйлайман: шу тарзда сўз юритаётганлар - аслида масъулиятсиз одамлар. Сабаби мустақиллик ҳақида сўз юритишнинг ҳам ўз юки бор. Шу юкни елгага олиш масъулиятини сира буйинларига олгиси келмайди. Шундай бўлгач, улар учун гапдан арзони борми?..

Унингча маош ҳисобига фалон-писмадон нарсаларни сотиб олиш мумкин эди. Балки ун, қурилиш моллари, хўжалик ускуналари арзон эди. Аммо ўша пайтдаги сизир билан ҳозирги сизир, ўша пайтдаги “Жигули” билан ҳозирги “Нексия”нинг нархини таққослаб кўрсин-чи. Ўша пайтда 300 рублга яхши сизир сотиб олган бўлса, бугун у 300 минг сўмга ўшандай сизир сотиб олади. Аммо ўшандаги 300 сўмни топишдан кўра ҳозирги 300 минг сўмни осонроқ топмайдими? У вақтда чўпон ҳам, ўқитувчи ҳам маошга кўз тикарди. Бугунгидек иқтисодий эркинлик йўқ эди. Машинани раис, бригадир, савдо ходими минарди. Бугун эса... фермернинг талаба ўғлиям “Тико” гижинглатиб юганини кўриб ҳайрон бўлмайсиз. Барчаси ҳаракатга, ўқувга, ақлга боғлиқ эканини одамлар англаб бўлишди. Ҳаракатга тушишди. Ҳаракат қилмаганга биров тўкинчилик, фаровонлик ваъда бермаган. Эртага бойиб кетасан, ҳашаматли уй қурасан, деб ҳам ҳеч ким қафолат бераётгани йўқ. Ҳолбуки аввал ҳам шундоқ эди.

Хомтаъма, масъулиятсиз, ялқов одамларнинг ўйлаб топаётган эртаги бу. Замон шиддат билан одимляпти. Унинг чиғириғи шафқатсиз. Шу чиғириқдан эсон-омон ўтиб ўзим учун ҳам, бола-чақа, ота-она ва она Ватан учун ҳам нафим тегсин деган инсон бугун кўл қовуштириб тургани йўқ. Давр билан ҳамнафас қадам ташлашга интиляпти.

Халқнинг онгида, ақлида кескин ўзгаришлар юз беришида журналист, қаламкашларнинг зиммасида залворли юк туради. Давлат раҳбари бу масалада қалам аҳлига бот-бот мурожаат этиб турибди. Табрик, фармон, қарор ва мукофотларнинг замирида улар меҳнатига эътибор, қониқмаслик ва... ишонч бор.

Биргина замонавий қаҳрамон образини яратишда ёзувчилар дўндириб бир иш қилишмади. Биз ҳалиям совет замонасида юрибмиз. Ҳалиям ўша одамларга маҳлиёемиз. Тўғри, катта насрга матбуотга қўйган талабни қўйиш қийин. Аммо наҳотки ўн йиллардан буён онги, феъл-атвори ўзгарган одамларнинг ёрқин қиёфаларини яратиш шу даражада мураккаб бўлса.

Шукур Холмирзаев, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Омон Мухтор, Кўчқор Норқобил, Абдуқаюм Йўлдошев, Фаффор Ҳотамов, Султонмурод Олимов, Хуршид Дўстмуҳаммад... Матбуотда ҳам, бадий ижодда ҳам меҳнатини, куч-ғайратини, истеъдодини аямаётган ижодкорларнинг рўйхатини яна узундан-узоқ давом эттиришимиз қийин.

Рўйхатни, боринги, тагин ўн-ўн беш фамилия билан тўлдириш мумкин. Қаватиға тагин детектив китоблар чиқараётган тўрт-беш муаллифларни ҳам қўшайлик. Кўпми шу?

Бутун бошли 25 милёнлик ўзбек халқи учун шу кўпми? Кўп эмас-да.

Президентнинг, халқнинг қониқмаслигида ҳам гап бор. Матбуот, телевидение, радио чиқишларининг рангбаранглиги, замонавийлигини ошириш керак. Булар барининг тагида меҳнат, ижодкорлик, кашфиёт, илҳом ётибди. Шундай мураккаб жараённинг ёрқин мевалари, афсуски, тезроқ етилмаяпти.

Эҳтимол шу туфайлидир, ёш ижодкорлар, санъаткорлар меҳнатига эътибор катта, улар ўз вақтида назарга тушиб, мукофот, унвонлар билан сийланыпти, довруғ таратяпти.

Ёшлар бунга жавобан астойдил ишлашга мажбур. Бусиз Ватан равнақи йўлидаги қарзимиз тобора ошиб бораверади. Зеро эртанги кун оддий кун эмас. У бизнинг, фарзандларимизнинг, жигарбандларимиз, юрт қорақўзларининг ишонч ва умидлар ила кутаётган муқаддас кунларидир. Саъй-ҳаракатимиз, қалбимиз, онгу шууримиз, заҳматимиз ила уни қаршилаш бурчимиз, мажбуриятимиз. Буни ёддан чиқариш - кечирилмас гуноҳ! Шундай эмасми, азиз дўстим?!



# ҚУЁШ

## БОТМАЙДИ

### МУНОЖОТ

Кимга вафо қипти бу улкан қабр?!  
Милтиллаб-милтиллаб сўнди шамчирик  
Ой-куни яқинми, наҳот армоннинг.....

Ағанаб тушди-ку елкамга Зуҳал,  
Мўжиза рўй берди... ўқ еган шамол...  
Сувни қитиқлади сув парилари.

От суриб келмоқда тим қора қисмат,  
Форларда изғиди омонат очун,  
Эҳтимол, лўли қиз ўзича ҳақдир.

Юзимга тарсаки тортди сумбула,  
Хандон отиб кулди ҳолимга кузак.  
Бўғиблар ташлагим келди кузакни.

Тиззамга ёнбошлаб тин олди Машриқ,  
Хур қизлар куринди сомон йўлида.  
Сесканиб кетди сўнг тунги япроқлар.

### ҚУЗ БЎЛИБ САРҒАЙДИМ....

Куз бўлиб сарғайдим....

Куз бўлиб

Бир садо йўрғақлар ноламни  
Ў, шубҳа - бўрининг оғзи қон,  
Ў, ҳоли забунми оламнинг?!

Ў, сукут сақлайди Момо ер,  
Фанони зимдан-да кузатиб.  
Туйғулар донг қотиб ухлайди,  
Оёғин қиблага узатиб.

Дарёлар... дунёлар... гўёлар...  
Ичарлар кўзимнинг ашқини,  
Во дариг, назарга илмовдим,  
Топталган хазонлар рашқини.

Оқ кафан кийган бу оқ осмон...  
Ў, мунглиғ куй чалар дарахтлар.  
Тирамоҳ пичирлаб ичида,



Сўнг умрим дафтарин варақлар  
Куз бўлиб сарғайдим.....

### ОЙГА ТЕРМУЛАМАН

Ойга термуламан—

Ойдаин жимсан.

Ойдай термуласан заркокил санам,  
Айт, яна кимсан?!

Хазонлар шитирлар қовжирар юрак,  
Дарахтлар, дарахтлар тўқар япроғин  
Хазонлар, Япроқлар менинг дардларим

Кўксимдан ўйиблар ташлайман кўкни,  
Оқ ойга термулиб сураман хаёл,  
Қаро тун оқариб кетар осмонда,  
Сочларинг қаро тун,  
Сен эса ҳилол,  
Ойга термулишни яхши кўраман.

Ойга термуламан

Алёр айтасан

Кўзларим ёшларин сепаман кўкка,  
Муҳаббат изтироб, муҳаббат тилсим,  
Чўкиб кетай дейман ўзимга-ўзим  
Хаёл огушида ойга термулиб,  
Ойга термулишни яхши кураман.

### ЧАРХПАЛАК

Чархпалак....

Чархпалак....

Чархпалак айланаверади,

Оёқ кўлларимни янчиб.

Аммо,

Оғримайди бу ширин жоним.

Чархпалакнинг сувлари ширин,

Сувлари зилол,

Йиғлоқи қизларнинг ашқи мисоли...

Ичким келаверади қониб ва қониб.

Вужуд эса

Олов бўлиб кетмоқда ёниб.

Чархпалак....



Чархпалак...  
 Чархпалак айланиб келаверади.  
 Одамлар ҳайрон  
 Одамлар ҳалак,  
 Даҳридун ҳеч нима  
 Дунё - Чархпалак!

### МУҲАММАД ҲОСИҚОВА

Тун мени ўғирлаб кетар, дод,  
 Кўрқаман, юраксиз қолишдан.  
 Размлар солурман қайғумга,  
 Бошим тушиб кетар болишдан.  
 Тун мени ўғирлаб кетар, дод.

О, мунча кир-чир бу саволлар,  
 Кўмилиб кетурман ўзимга.  
 Энг тахир, энг аччиқ заволлар,  
 Ёмғирлар томчилар кўзимда.  
 Кўмилиб кетурман ўзимга.

Еламан, субҳидам, субҳидам,  
 Сабога айланиб кетаман.  
 Во ажаб, оқ, оппоқ тонглари,  
 Бир қултум сув каби ютаман.  
 Соғинчни қафтимда тутаман

Тун мени ўғирлаб кетар, дод!  
 Тушимни сувларга айтаман.  
 Юрагим, мени е, мени ич,  
 Эҳ, қачон ўзимга қайтаман.  
 Тун мени ўғирлаб кетар, дод-дд!

### СИЗГА ЭРМАК БЎЛДИМ

Сизга эртак бўлдим,  
 Янглишдим. Асло!  
 Сизга эрмак бўлдим.  
 Кўм-кўк майсаларнинг кўм-кўк бағридан,  
 Сизни термак бўлдим,  
 Сизни термак бўлдим,

Қуёш ботгани йўқ,  
 Тонг отгани йўқ,  
 Қалбим бўстонида унган чечаклар  
 Сизни ҳеч ким мендай юпатгани йўқ.

Оҳ, бу қошлар камон,  
 Қароқлар гўзал.  
 Ёмғирлар ўпган бу бармоқлар гўзал,

Ўшал бармоқларга бармоғим босиб  
 Ўрим сочингизга ўзимни осиб—  
 Ўлсам...  
 Ахийри бу—  
 Ҳузури жон-ку!

Кучдим, маҳкам кучдим, янаям қаттиқ,  
 Бу бадан - гулбадан,  
 Эҳтирос; эҳ, бу рост...  
 Ва сўнгра сиз юм-юм йиғладиз аччиқ,  
 Аччиқ ашкингизга дўндиму  
 Кейин  
 Мовий кўзингиздан тўкилиб кетдим.  
 Алам - о...  
 Алам - о...  
 Алам - о...  
 Сизни ўйлайвериб сиқилиб кетдим!

\* \* \*

Кулар эдим...  
 Кулар эдим кўзим йиғласа.  
 Баҳору ёз, кўзим йиғласа.  
 Кулар эдим йиғлашни билмай,  
 Яхши кўрган қизим йиғласа.

Қониб, қониб, қониб кетардим,  
 Мен ўзимдан тониб кетардим,  
 Яхши кўрган қизим йиғласа-  
 Олов бўлиб ёниб кетардим

Шамол бўлиб увиллар юрак,  
 Вужудимдан қувилар юрак.  
 Чақмоқ бўлиб тушардим дилга...  
 Тўрт фаслдан хувиллар юрак.

Осий қалбим тиглаб қолибман,  
 Сўнг дилга ғам михлаб қолибман.  
 Мен суйган шу шаддоқ қизчанинг  
 Бирам сўлим -  
 Йиғисига ҳавасим келиб,  
 Қулиб-қулиб ухлаб қолибман...

Кулар эдим...  
 Кулар эдим кўзим йиғласа.  
 Баҳору ёз, кўзим йиғласа.  
 Кулар эдим йиғлашни билмай,  
 Яхши кўрган қизим йиғласа.

*Бобоқанд МИРЗО 1980 йил Хайирги туманидаги Қангли қишлоғида туғилган.  
 Ҳавоий Давлат Педагогика Институтини Ўзбек филологияси факультетини тугатган.  
 Ҳозирда Ҳавоий вилоят телерадиокорпорациясида хизмат қилади.*

Муҳаммад УЗОҚОВ

# Бобур

## СОҒИНЧИ

Ҳикоя

Ҳижрий 909, милодий 1504 йил. Фарғона давлатига қарашли Исфара вилоятининг Сўх кўхпояси. Кўхпоянинг шимолида кун чиқардан кун ботарга қараб чўзилган адирлар ястанган бўлиб, унинг жануби адирларга монанд тоғлардан иборат. Кун чиқардан кун ботарга қараб пасайиб кетган энсиз текислик тоғ ва адирларни бири-биридан ажратиб туради. Энсиз текисликнинг адирга яқин қисмида қирғоқларида онда-сонда чангал, ёввойи жийдалар ўсган эгри-бугри ариқ кўринади. Чўққисидан қор аримайдиган тоғ бағридан оқиб чикувчи ирмоқ ва кўп сонли булоқ сувларидан ҳосил бўлганлиги боис, куз ва қишда камайсада, ариқ суви бутунлай қуриб қолмайди. Ариқ суви тоғ, энсиз текислик ва адирни тик кесиб ўтган Сўх сойига қуйилади. Ариқ ва сой кесишишидан иккита тўғри бурчак ҳосил бўлиб, чапдагисидаги баландликда Сўх қишлоғининг бир қисми ва атрофи тош девор билан ўралган тўрт минорали қалъача-қўрғон, ўнг тўғри бурчакдаги текисликда эса қишлоқнинг кўпчилик аҳолиси истиқомат қиладирган маҳаллалар жойлашган.

Ёзининг бошланганига ҳам йигирма кунча бўлиб қолди. Ўн-ўн беш кундирки, суви кўпайган сойнинг шовқини қалъачадан ўтиб узоқ-узоқларга тарқалади. Бир ҳафтадирки, ганимлари туфайли бобо мерос ота юртидан, мол-мулкидан, суймасада марҳум тўнғичининг онаси бўлмиш ёридан жудо бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг Сўх ва Хушёр кўхпояларига тарқатилган кам сонли, аммо садоқатли бек ва навкарлари қурол-яроғ, баъзилари от, энгил кўч-кўрон, аҳли-аёли билан Сўх кентига йиғиладилар.

Чошгоҳда машваратга таклиф этилганлар кириб ўтиришгач, дарчалари очик, кенг хонанинг тўридаги кўрпачада ўтирган Бобур Мирзо оҳиста гап бошлади.

— Ўткан йилнинг ёзида Хуросон азимати ила Андижондан чиқиб эдик. Бизнинг чиқишимиз баробаринда авж олган воқеалар якунини билмоқ мақсадида бу ерда кўп тўхтаб қолдик<sup>1</sup>. Оқибатда ўтишимиз лозим бўлган тоғ йўлини қор босиб, шу ерда қишлашга мажбур бўлдик. Бу кун қорлар эриб, йўл очилиб, Хисравшоҳ ва унинг иниси Боқи Чағонийнинг хизматидаги бек ва навкарларимиздан умидбахш хабарлар олдик<sup>2</sup>. Мутасадди бекларимиз навкарлар аҳолидан хабар берсалар, от-улов, отлик, сафар анжомларининг қай аҳволдалигини билдирсалар, шунга қараб сафар мuddатини белгиласак.

Мирзо нигоҳини ўнг томонидаги инилари Жаҳонгир ва Носир Мирзоларга, улардан кейин мавқеларига қараб жой олган бекларга тикди. Мирзо нигоҳини сўл томонидаги мулла Бобои Пашоғарий, Султон Аҳмад қоровул, Ширимбек тағойи ва оқсоқолларга тикди.

Оғасига келиб қўшилгач, Ахсидаги жангда ўзини кўрсатиб бек ва навкарлар ҳурматида сазовор бўлган йигирма ёшли Жаҳонгир Мирзо “Сўзлангиз” маъноси-

да Хўжа Калонбекка боқди.

Ёз бошланиб, тоғлардаги қорлар эриб Сўх сойи сувининг кўпая бошлаши билан Фарғонадан кетиш муддатининг яқинлигини ҳис қилиб қайфияти бузила бошлаган Хўжа Калонбек гапни калта қилди.

— Кент ва ойилларга тарқатилган бек ва навкарларнинг сафарга борадиганлари Сўхга йиғилиб бўлдилар. Навкарлар ҳарб-зарб, камондан отиш бўйича меёрда машқ қилдилар. Эгнилари эскирган бўлсада, бут. Қилич-қалқонсизлар ўткир учли найзалар билан таъминланган.

Ўзи кунда бўлмасада, кун ора машқларда иштирок этиб турадирган Бобур Мирзо баҳорнинг “илик узилди” кунларида<sup>3</sup> бек ва навкарларнинг эҳтиётдан олган кийим-кечак, от, ҳатто айримлари қурол-яроғларини сотишга мажбур бўлганидан хабардорлиги боис, озиқ-овқат бўйича мутасадди Ширимбек тағойини саволга тутди.

— Ошлик Хисоргача етадирми?

Эсон Давлатбегим<sup>4</sup> мўғуллар сағричи туманининг улуғ беги бўлмиш Шер Ҳожибекнинг қизи бўлганлиги боис ўзини Бобур Мирзонинг тоғаси ҳисоблагувчи мўғул сағричи туман беги Ширимбек энгагидаги сийрак соқолини силаганча сўз бошлади.

— Йиғилган ошлиқ сафар давомида қўлимизга қарайдирган уч юзга яқин томоққа камлик қилади. Теварақ-атрофдаги кам сонли сийрак аҳолидан нажот йўқ. Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхоннинг, Муҳаммад Шайбонийхон билан Султон Аҳмад Танбалларнинг бирлашган қўшинлари Сайхуннинг ўнг ва сўл соҳилидаги кент ва ўрчинлар орқали қайта-қайта ўтганлиги боис, у томонларда ҳам ошлиқ топилишига ишонч йўқ. Шу боис, жилла қурса об-ҳавоси салқин Сўхнинг дондунни пишгунча сабр қилинса...

Кўтарилган энгил говур туфайли Ширимбек тағойининг гапи бўлинди. Кеч куздан буён ёзининг келишини, қорлар эриб тоғ йўлининг очилишини интизорлик билан кутаётган беклар Ширимбекка норози назар билан қарадилар.

Ақлини таниганидан буён ажодлари каби темурийларга садоқат билан хизмат қилиб келган қоратегинлик Султон Аҳмад қоровул Хисорда сўнгги темурийзода - Бойсункур Мирзо Хисравшоҳ томонидан ўлдирилгач,<sup>1</sup>

1. Бобур Мирзо Андижондан чиққанда Тошканд ва Шоҳрухияни қамал қилган Муҳаммад Шайбонийхон қўшин билан Андижондаги Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхонлар устига юрган эди.

2. Бобур Мирзонинг тайин макони ва имкони йўқлигидан унинг айрим бек ва навкарлари Хисор вилоятидаги Хисравшоҳ, Термиз, Шаҳрисафо, Чағонийн хукмида бўлган Боқи Чағонийнинг хизматида кетиб эдилар.

3. “Илик узилди” кунлари - баҳорнинг наврўздан кейинги кунлари. Бу кунларда ғамланган озиқ-овқат захиралари тугаб, кўплар ошлиқдан қийналганлар.

4. Эсон Давлатбегим - Бобур мирзонинг онаси Кўтлук Нигорхонимнинг онаси, Муўғулстон хони Юнусхоннинг хотини.

жамоати билан Бобур Мирзони қора тортиб келиб эди. Келганларидан буён ўзини жангу жадалларда яхши томондан кўрсатган ўғилларининг каттаси Кучбек бу кун Мирзонинг ўнг томонидан жой олган беклар қаторида.

Илгари ҳам Сўх - Қоратегин йўлидан юрган, Хисор, Чағониён, Бадахшон томонларни яхши билгувчи Султон Аҳмад қоровул:

-Андижонликлар: «Бош омон бўлса дўппи топилади» дейдилар. Оч қолсак оз бўлсада, отларимиз бор. Эсон-омон тоғ ошиб Хисорга етсак удовни бир гап қиларимиз. Хисорга етганимиз биланоқ мурудимиз ҳосил бўлмайди. Бу ерда қиладирган ишимиз йўқ. Ёз ва кузнинг илиқ-иссиқ кунларини ғанимат билайлик. Фурсатни бой бермай йўлга чиқайлик, - деди.

Бобур Мирзо мулла Бобои Пашоғарийга қаради. Ўткан йили Ахсидаги жангда мағлуб бўлиб чекинган Мирзо бек ва навкарларсиз адашиб Карион кентига бориб қолди. Султон Аҳмад Танбал ишининг равнақидан манфаат излаган Банда Али, Бобо Сайромий, Юсуф доруғалар Бобур Мирзо қасдига тушдилар. Ўлимни бўйнига олган Мирзо жонига Кутлуқ Муҳаммад барлос билан мулла Бобои Пашоғарий оро кириб эди.

Барлос билан мулла Бобои Пашоғарий оро кириб эди.

Мирзонинг ишораси билан Сўхда унинг ҳамсуҳбат беги мақомида бўлган мулла Бобои Пашоғарий эрта-лабки нонушта пайтида Мирзо ва беклар томонидан айтилган мулоҳозаларга тартиб бериб, уларга Султон Аҳмадбек айтишга жазм этмаган гапларни кўшиб баён этди.

-Тилларида Мирзоимизга ёрдам бермоқ, дилларида эса унинг юртига эга чиқмоқ бўлган Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхонлар феъл-хўйларига яраша жазоларини олдилар<sup>1</sup>. Орзу қилганлари Фарғонага етдим деганда йиқилдилар. Бу кун идиқларида на Фарғона, на Тошканд бор. Мирзоимиз риоят қилиб улуғ беклари қаторига ўтказган Султон Аҳмад Танбал кўрнамаклик қилди. Хоинлигининг ибтидоида ҳукмдорликка интилишини ёш, тажрибасиз Жаҳонгир Мирзо номи билан ниқоблади. Нияти ошқор бўлиб Жаҳонгир Мирзо ақли-хушини йиғиб олгач, Шайбонийхон ноибига айланди. Ҳақиқат қарор топади. Аҳмад Танбал хоинликка мойил феъли туфайли бу кун бўлмаса эртага жазосини олади. Хожаси жонига оро кирган Танбал бу кун галаба нашидасини сураётгандек бўлсада, раият қўлламагани боис ҳали-ҳамон ўзини ўнглаб ололмайдир. Бизнинг бу ерда эканимиздан хабардор бўлсада, кўшин тортиб келишга журъати етмаётир. Аммо бу "Танбал бизни тинч қўяди" дегани эмас. Танбалнинг етиб келишини кутиб ўтирмай сафарга отланмоғимиз лозим, - деган мулла безовталаниб қимирлаган Сўх оқсоқолига қаради.

-Рушдон, Сўхнинг кўйи оқимидаги Сарикўрғон кентларидан келганларнинг айтишларига қараганда Султон Аҳмад Танбал чиқарган тавочилар навкар йиғадирлар, - деди оқсоқол ҳаяжонланиб.

-Хабаримиз бор, - деб сўзида давом этди мулла Бобои Пашоғарий. - Бу зудлик билан сафарга отланмоғимиз лозимлиги боисларидан бири бўлсада, асосийси эмас. Асосийси олдимизга қўйган улуғ мақсадимиздан келиб чиқади. Андижондан Хуросонга деб чиққан бўлсакда, мақсадимиз юзимизни сидирганча бир вақтлар Мирзоимиз сўровини оқибатсиз қолдирган Ҳирий подшоҳи Султон Хусайн Мирзо ҳузурига шўппайиб кириб бориш эмас<sup>2</sup>. Мақсадимиз Чин, Самарқанд, Хуросон, Эрон, Ҳинд диёрлари оралиғидаги элларнинг бошини бириктириб Мирзоимизнинг насл-насабига муносиб давлат барпо этиш. У ерда етарлича куч-қудратга эга бўлганимиздан сўнг юртимизни озод этиб, Моварауннахрни

қайта барпо этиш. Бу эса ҳозиргина Султон Аҳмадбек айтган ёз ва кузнинг илиқ-иссиқ бир кунинида зое кеткизмай ҳаракат қилмоқ лозимлигини тақозо этади. Бу кунгача тортган каллошлиқларимиз, хор-зорликларимиз олдида тоғ йўлининг қийинчилиги-ю, чекадирган бир неча кунлик очлик азоби не бўпти?..

Сафарга чиқадирганларнинг оғирини енгил қила олмайдирган кент ва ойил оқсоқоллари бошларини эгдилар. Сўх ва Хушёрда ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида фикри-зикри сафар ташвиши, режаси билан банд бўлган Бобур Мирзо қадларини ростлаган бекларга қаради. Уларнинг кўзларида жанг олдида ўтказилган машваратда ёғийни бераҳм чопишга азму қарор қилганларнинг кўзларидагина йилтирайдиган совуқ йилтирашни кўриб фикрларини англади.

Кўнгли кўтарилган бўлсада, айтадирган гапининг оғирлигидан бир муддат тин олган Мирзо, ниҳоят деди: - Тонгда йўлга чиқамиз.

Дастлабки лаҳзаларда машваратдошларнинг аксарияти енгил нафас олган бўлсалар, бироз муддатдан сўнг Мирзога оғирлик қилган қилган сўзлар залворини ҳис этдилар.

Юртдан, киндик қони тўкилган диёрдан кетиш...

Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзо ва беклар Бобур Мирзо дилида қайта-қайта тортилиб, ўлчаниб, ниҳоят тилига кўчган сўзларнинг залворини ҳис этдилар.

Юртга, киндик қони тўкилган диёрга қайтиш насиб этармикан?..

Бобур Мирзо бекларга вазифаларни тақсим этди. Султон Аҳмад қоровул карвонга сарбон этиб тайинланди. Ошлиқ Ширимбек тағойи тасарруфига берилди. Сафар давомида ҳар бир бек ўз навкарлари билан белгиланган тартибда йўл босади...

Пешинда машваратдан чиқишиб оёқларининг уюшганини ёзаётган бекларнинг айримлари ўзлари томонга келаётган сўфига кўзлари тушгач, таҳорат олиш учун шошилдилар.

Ёши етмишдан ўтган бўлсада, кўпчилик тоғлиқлар каби қотма гавдаси хиёл эгик, ҳаракатлари чаққон сўфи Мирзога мурожаат қилди.

- Имомимиз тоғ ичидаги қирғиз ойилига жанозага кетиб эди, кечикяптилар. Жамоат кўп. Қим имомликка ўтсин?

Атрофидагиларга боқиб, бундай ишларнинг билимдони саналмиш мулла Бобои Пашоғарийга кўзи тушмаган Мирзо сўради:

- Маҳалла имомларидан кимлар бор?

- Мулла Аслиддин, Марғинонда таҳсил олиб келган мулла Сиддиқ, Мулла Абдуолим...

- Қайси бирининг ёши улуғ? - қуёшга қараб сўфининг сўзини бўлди Мирзо.

- Мулла Абдуқодирнинг ёши улуғ, бироқ бир-икки йилдирки, у киши маҳалласидан ташқарида имомликка ўтмайдир.

- Сабаб?

- Қариллик нуқси уриб қироати бироз бузилган.


- Маҳалласида ёш муллавааччалардан йўқми?

- Кўп, бироқ маҳалла аҳли "табаррук зот" деб у ки-

1. Бойсункур Мирзо - Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг ўғли. Ҳижрий 882 йили туғилиб, 905 йил муҳаррам ойининг ўнида Хисравшоҳ томонидан Балхда қатл эттирилган.

2. Тоғалари Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхонлар Бобур Мирзонинг саяё-ҳаракати натижасида қўлга киритилган Сайхуннинг сўл қирғоғидаги қасабаларни Султон Аҳмадхонга қарор қилишиб, Султон Аҳмад Танбал эгаллаб турган ўнг қирғоғидаги қасабаларни Бобур Мирзога тайин қилдилар. Орадан кўп ўтмай кўшин тортган Шайбонийхон Ахси яқинида хонларни енгиб, Фарғона ва Тошкандни ҳам ўз тасарруфига олган.

3. Самарқандда Шайбонийхон кўшини қамалида қолган Бобур Мирзо ёрдам сўраб Султон Хусайн Бойқарога мактуб юборган. Мактуб етиб борган бўлсада, Хусайн Мирзо на ёрдам юборган, на жавоб ёзган.



шига иқтидо қиладир.

- Эл табаррук тутган зот биз учунда мўътабар. Абдуқодир ота имомликка ўтсин, зеро мусулмончилик удумимиз шуни тақозо этади. Бу борада чаҳорёрлар воқеасидан ибрат олмоғимиз лозим. Мавқеи тенгларнинг ёши улуғи - улуғ.

Шуурларига Мирзо сўзларининг маъноси етиб борган беклар бирин-кетин нигоҳларини бу кун иккинчи марта пешонасига дона-дона тер чиққан Жаҳонгир Мирзога тикдилар.

Инисининг ҳолатини анлаган Мирзо томоқ қириб атрофидагиларнинг диққатини ўзига жалб этгач:

- Бу кунга атаб боқтирилаётган жонлиқлар бор. Бизда ажодларимиз руҳларига атаб қурбонлик қиламиз. Бек ва навкарларнингда бу борада ният қилганлари бор чиқар. Намоздан кейин маслаҳатини қилармиз, - деди.

- Маъқул, мирзам, - деб масжид томон бурилган сўфини Султон Аҳмад қоровул тўхтатди.

- Вақт бўлиб қолди. Сиз минорага чиқаверинг, тақсирларга мен ўзим еткурамен.

Бобур Мирзо бошлиқ беклар масжид томон юрдилар.

\* \* \*

Барча тоғ орасидаги қишлоқлар каби Сўҳда ҳам қуёш ботгач қоронғилик тез тушади.

Шом намозидан сўнг сафар анжомлари, от-улов етарли бўлмасада, ўзини хотиржам тутган Мирзо безовта бекларга:

- Тоғ йўлида уловнинг камлиги унча билинмайди. Карвондагиларнинг аксарияти навқирон йигитлар бўлганидан, воҳага етганимизда ортиқча юк бўладирган чодирларнинг бўлмагани ҳам яхши, - деб далда бергач, руҳсат берди.

Қалъачани айланиб қайтган Мирзо хуфтан намозини мулла Бобой Пашоғарий билан бирга ўқигач, узоқ вақт жойнамоздан турмади. Сафар муваффақиятини тилаб яратган парвардигорга, унинг расулига, чаҳорёрларга илтижо қилди. Аждодлари Умаршайх Мирзони, Абусаид Мирзони, Султон Муҳаммад Мирзони, Мироншоҳ Мирзони, соҳибқирон Амир Темур Кўрагонни, Амир Тўрғай баҳодирни, Барқал баҳодирни ёд этди. Уларнинг руҳларидан мадад тилади...

Сафар олди ҳаяжонини энгиб дам олишнинг муҳимлигини яхши билган, Мирзо ётди. Хотиржам Мирзоларидан ибрат олган бек ва навкарлар ҳам сафар жабдуғини яна бир бор кўздан кечиришгач ўринларига чўзилдилар. Қалъача тепаликлариданда баланд тепаликлардан сой шовқини бағрини тилиб тарқалаётган чигирткаларнинг чириллашларига қулоқ тутганча уйқуга кетдилар.

Кўзларини юмиб ўзини ухлаётгандек тутиб ётган Бобур Мирзонинг югурик ақли эрта тонгда тупроғидан чиқиб кетадирган юртида амалга оширмақчи бўлган, аммо юрагида қат-қат армон бўлиб қолган орзулари таҳлили билан банд.

Ота юртида улуғ аждоди соҳибқирон Амир Темурнинг Оқ сарою Кўк саройларидек маҳобатли иморатлар барпо этиш...

Хаёлий орзуларининг ҳаётий ошиёнларга айлантириш учун даркор бўлган маблағ дардида Самарқандга қилган юришлари...

Самарқанддаги юз кунлик ҳукмдорлиги...

Самарқандни ташлаб чиқиб аро йўлда Андижоннингда қўлдан кетгани хабарини эшитиш...

Сарсон-саргардонлигига парвардигорнинг раҳми келибми, тўла бўлмасада, Фарғонанинг қайта-қўлга киритилиши...

Самарқандни қайта фатҳ этиши...

Бу кун юрагида сўнмаган ўша Самарқанддаги темурийлар шон-шўхратини тиклаш борасидаги орзу-хаваслари...

Эслаганда юраги зирқирайдирган Сарипулдаги Шайбонийхон билан бўлган маъшум масоф уруши...

Таълимини олмаган эсада, томида оқ уй тикиб ўтирганида мадраса хожаси Улуғбек Мирзонинг руҳи мададкор бўлибми, кўрган-кечирганлари, бошидан ўтқарганларини ақл тарозисида тортиб чиқарган хулосалари, олган сабоқлари...

Мирзо юзини ёстиққа босди. Барибир бўлмади. Юрагини биродарзодасининг набирасига ёрдам қўлини чўзмаган Ҳирот ҳукмдори Султон Ҳусайн Мирзонинг, тоғаси Тошканд хони Султон Маҳмудхоннинг оқибатсизлиги эзди. Юмуқ кўз қорачиғида Самарқанддаги қамал азоблари, эгик бош билан эгачисини ёғий қўлида қолдириб қамалдан чиққандаги ҳолати жонланди. Қайғу, дард-алам кенг-мўл қалбдан тошди. Қайғу, дард-алам кўра-кўра қотган дийда бўшашди. Мирзонинг елкалари силкинди...

Бошини кўтарган Мирзо теварак-атрофга боқди. Ўзидан унча узоқ бўлмаган ерда отлари эгарларини бошларига қўйганча Кучбекнинг инилари ухлашмоқда. Улардан нарироқда супада Жаҳонгир Мирзо. Мирзо ўтган йиллар мобайнида ўзига қўп ташвиш ортирган инисининг булутлар қўйнидан чиққан ой ёритган чиройли чехрасига нигоҳ ташлаб онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг Жаҳонгир Мирзога оид гапларини эслади.

"- Биз қариндошларимиздан ёруғлик кўрмадик. Уларда йўқ эмас эди. Ота аждодларингиз Хуросонни сўрасалар, манинг иниларим Тошканд, Жете хонлари эдилар. Мана энди аждодлар ва авлодлар олдида юзлари шувит. Сиз иниларингизга меҳрибон бўлинг. Ҳаргиз эл айбла-гудек иш қилмангиз. Қариндош-уруғларга зулм ўтказганларнинг ҳолини кўрдингиз-ку. Амакингиз Султон Маҳмуд Мирзо, ўғиллари Султон Масъуд Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Султон Али Мирзо фожеалари оға-инилар ноаҳиллигидан эмасми?"

"- Ман ундай ишлардан сақлангум".

"- Ишонамен. Сихатим яхши. Шундай бўлсада, биргапдан сизни хабардор қилиб қўймоқчимен. Худо кўрсатмасин, иссиқ жонмен. Тирик бўлсам-ку, ўзим адо этамен, мабодо..."

"- Сафар олдида ундай гап қилмангиз. Ҳали ман уйланамен, сиз улуғ она бўлурсиз. Улуғ онам каби кўнимсиз набирангиз сафарга отланганида фотиҳа ҳам берурсиз..."

"- Гапирмангиз, мирзам. Ҳеч бир улуғ она бўлиш бахтига муяясар бўлган аёл манинг онам бошига тушган кўргиликларни кўрмасин. Тақдир сийлаб Жете маликаси қилсаю, худо берганларининг учови ҳам қиз бўлса-я? Каттасини не-не умидлар билан Самарқанд ҳукмдорига узатса-ю, қизи фарзандлик бўлмаса-я? Мани Фарғона ҳукмдорига узатганидан бошлаб бир оёғи Ахси-ю Андижонда бўлди. Орзиқиб кутган набираси опангиз Хонзодабегим бўлди. "Қиз берган худойим ўғил ҳам беради" деб беш йил кутдилар. Сиз дунёга келганингизда онам хурсандчилигининг чеки бўлмади. Азалий орзуси ушалган улуғ онангиз Тошканддан Андижонга кўчиб келиб Кўштегирмон боғини обод қилдилар. У ерда сизни тарбиялаб ўстирдилар. Тақдир экан, суягингиз қотмай туриб елкангизга ҳукмдорлик юки тушди. Айни устозларингиздан илм, жангу жадал сирларини ўрганадиган вақтингизда ўзингиз Фарғона халқига йўлбошчи бўлиб қолдингиз. Бунинг касри тақдирингизга таъсир этмай қолмади, - деган Қутлуғ Нигор хоним чуқур "уф" тортиди. - Жаҳонгир Мирзо билан, хузурингизга келган ўзбек

султонлари билан муомалада сизга тadbиркорлик, удабуронлик етишмади. Ман, улуғ онангиз аёллик қилдик. Барчамиз ишонган пири-муршидингиз Хожа Абдулла эса сизнинг манфаатингизни ҳимоя қилиб Андижон дарвозаси Аркига осилди. Кулфатлардан эндигина бошимиз чиқиб Самарқандда қаддимизни тиклаб эдик, Сарипул жангида мағлуб бўлдингиз. Қиз набирасини ёғий қўлига топширгани етмагандай ўша дамларда кенжа қизи вафоти хабарини эшитса-я? “Кулфат ёлғиз эмас қўш келадир, кимнинг ёқасига ёпишай деб икки қўли бўш келадир” деганлари шу бўлса керак-да. Э худоийм, тоғдай улкан, қоядай мустаҳкам онам бу кулфатларга бардош бера олмай бетоб бўлиб қолдилар-ку, шу жуссам, саломатлигим билан манинг бу кунларга етганимнинг ўзи яратганининг инояти”.

Беихтиёр онасининг кўнгли дардини қўзғаб қўйган Мирзо:

“- Қандайдир гапдан мани воқиф қилмоқчи эдингиз?”-деди.

Бир муддат сукут сақлаб фикру хаёлини жамлаган хоним гап бошлади.

“- Қўштегирмондалигимизда Огабегим<sup>1</sup> келдилар. Жаҳонгир Мирзо юрагига бевақт ҳукмдорлик ҳавасини ёқиб Фарғонанинг қўлдан кетишига, барчамизнинг сарсон-саргардон бўлишимизга сабабчи бўлганидан астойдил ўкинди. Пешонасига уриб-уриб йиғлади”.

Дилдан: “Тақдирнинг хости шу эса ул бечора не қила олсин” деган фикр ўтган бўлсада, Мирзо сўз демеди.

Кўз ўнгида сўнгги йилларда касаллик туфайли вазни ортиб, нафаси қисадирган бўлиб қолган кундоши жонланиб, унга чин дилдан ачинган хоним:

“- Огабегимда сизга ман қатори она. Онангизнинг тилагини сизга еткураман,”-деди.

“- Сиз билан бир мақомдаги аёл ман учун муқаддас”, -деган Мирзо сўради: “Онамиз инимдан ташвишланмоқдамилар?”

“- Шундай, аммо бошқа сабаби ҳам йўқ эмас. Огабегим барча оналар қатори эр етган ўғлини уйлантириб унинг ували-жували бўлишини кўра олмаслигига қуюниб йиғлади”.

“- Эсон бўлсак барчамиз уйланармиз, бола-чақали ҳам бўлармиз”.

“- Фаришталар сўзларингизга “омин” десинлар, - деган хоним бир муддат сукут сақлагач, сўзида давом этди. - Амакингиз Султон Маҳмуд Мирзо Мир Бузург Термизийнинг набираси Хонзодабегимдан тугилган қизи Ойбегимни Жаҳонгир Мирзога атаб эди. Марҳум падарингиз ҳам буни маъқуллаб эдилар. Огабегим: Мирзолар ўтиб кетдилар. Иложсизликдан ман сўзларини шу вақтга қадар ерда қолдириб келдим. Энди уч Мирзогада Ўзингиз оналик қиласиз. Марҳум Умид оғача<sup>2</sup> каби манга-да келин тушириш насиб етмайдирган кўринади. Иложим сиз қўша-қўша келин тушингиз, тўйлар кўрингиз. Бобур Мирзо қатори жаҳонгиримнинг бошини ҳам Мирзолар руҳи шодланадирган қилиб икки қилингиз, - деб илтижо қилди. Ман ваъда бердим”.

“- Хонзодабегим қизлари билан Термиз кетган деб эшитиб эдим. Агар Хисравшоҳдан устун келсак, албатта онамизнинг тилагини бажо келтирамиз”.

Қутлуғ Нигор хоним ўғлига қаттиқ тикилди.

“- Гап марҳумларнинг тилаклари хусусида кетганида “агар” сўзини ишлатмайдилар”.

Онасининг кескин гапи Мирзога қаттиқ таъсир қилди. Чап қўли билан қиличи сопини маҳкам қисган Мирзо ўрнидан туриб:

“- Соғ-саломат юрсам тириклар ва марҳумлар олдидаги бурчимни адо этамен. Биздан умидвор бўлиб ойлаб

эмас йиллаб чўлу биёбон, тоғу тошларда сарсон кезганларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарамен”, - деди.

Қасамдай янграган сўзлардан қатъият, кўзлардаги сокинлик, хотиржамлик она дилига қувонч бахш этди. Хоним қаршисидаги ҳали юзига устара тегмаган йигирма-икки ёшли ўғли қиёфасида бу кун қиладирган ишини яхши биладирган, тажрибали, ўз кучига ишонадирган бақувват ҳукмдорни кўрмоқда эди. Сўзлардаги қатъият ўғли иродасининг тўфонли йилларда эгилиб-букилсада, синмаганига ишонч ҳосил эттирди.

Юзи ёришган хоним:

“- Кеч ҳам кириб қолди. Мен дам оламен. Сафар таррадудлари ниҳоясига етган бўлса сиз ҳам дам олинг”, - деди.

Онасининг майин нигоҳи аллаган каби Мирзо уйкуга кетди.

\*\*\*

Ётган Мирзо атрофида ўтирган турли ёшлардаги етти кишига ажабланиб боқди. Тақир қирилган бошига оқ тақя кийган қария Мирзонинг ўнг қўлидан ушлаб тортар экан:

- Тур, бўтам! Отаётган бахт-иқбол тонгингни қаршила,- деди.

Туриб ўтирганча навкарларники каби дағал юзли кишиларга кўз югуртган Мирзо улардан бирини таниди: отаси Умаршайх Мирзо.

- Ота!!! - деб қичқирган Мирзо уйғониб кетди...

\*\*\*

Мирзо қичқирғидан уйғонган бек ва навкарларнинг ҳаракати қалъачадагиларнинг ҳаммасини тургизди. Кўп ўтмай тайёргарлик ишлари тугаб карвон сой бўйидаги йўлга тартиб билан тизилди. Шу ерда бомдод намози ўқилди.

Сафар учун Мирзо меҳмон бўлишни суюдирган Қорабуюқ ойилидан мол ҳайдаб келган қирғиз бийи яланг тўшига эгар урилган, бўғуз танқислигидан ҳийла етдан тушган аргумоқ жиловидан тутган мирзони тўхтатди.

Қамчисини олиб, табулғу сопли илон тилли қамчини тутиб<sup>3</sup>, жун олача ёпинчиқли отини Мирзога рўпара қилиб:

-Яхши боқиб совитилган зотли тулпор. Қувсангиз еткизади, қочсангиз қутқаради. Ёпинчиғи ёгин-сочинли иссиқ-совуқ тоғ ҳавосида иш беради. Мирзам, биз чорвадорларнинг фарзандлари учун яратишга киришганингиз, ўрганилиши ўнғай - янги ёзувни тезроқ яқунлаб бизга-да юборишни унутманг<sup>4</sup>, - деди.

Ўта зиқна, тоат-ибодат ва билимга вақт сарфлашни ноўрин ҳисоблагувчи, аммо кўнглига ёққан кишига оғзидаги чайнаганини-да илингувчи чорвадорнинг билимга рўйхўш берганидан кўнгли кўтарилган Мирзо:

- Чорва ортидан тоғу тошда юравермай пастга ҳам тушинидаг. Йил ҳар доим бирдай калавермайди. Исфара яқинидаги булоқли яйловга дон-дун экишни ўрганинглар. Кент барпо этиб масжид, мадраса қурилинглар. Яхши ният ила қурган манзилингизни Ободкент атангизлар<sup>1</sup>, - деди.

Бир йилга яқин уй-жой, нон-тузини бахам кўрган

1. Огабегим - Фотима Султон оға - Жаҳонгир Мирзонинг онаси, мўғул бекаридан бирининг қизи, Умаршайх Мирзонинг улуғ хотини.

2. Умид оғача - Носир Мирзонинг онаси, Умаршайх Мирзо вафотидан олдинроқ қафо қилган.

3. Табулғу - дарахт номи, Қирғизистоннинг Боткен вилояти тоғларида ўсади. “Бобурнома”да айтилгандек шоҳидан ясалган ҳасса, қамчи сопи ўта қадри. Табулғу сопли, илон тилли қамчи - урилганда отнинг суяк-суягига етадирган қамчи.

4. Янги ёзув - “Хатти Бобурий” деб ном олган ўрганилиши ўнғайроқ ёзув. Бобур Мирзонинг кашфиёти.





Сўх аҳли Мирзолар, беклар, навкарлар билан “қайта дийдор кўришиш насиб этсин” деб тилак тилашиб хайр-хўшлашдилар.

Сўх, Хушёр, Қорабулоқ кентларининг ғайрати ичига сиғмаган ёшларидан бир қанчасида карвонга қўшилдилар.

Карвон йўлга тушди.

\* \* \*

От йўрттириб карвондан илгарилаб кетган Бобур Мирзо йўл ёқасидаги баланд чўққи олдида отидан тушди. Жиловни хос навқарига тутқазганча чўққи сари интилди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик юриб катта-кичик тошларга тирмашиб, ниҳоят чўққига чиқди. Тепаликка ўрлаётган карвонни инлари томон емиш ташиётган чумолиларга ўхшатди.

Ўшатиш ноўринлигини пайқаган Мирзо хатосини тузатишга шошилди.

- Йўқ. Булар қиш ғаминигина ейдирган чумолилар каби эмас. Булар ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган ҳукмдорлари тимсолида гурурлари топталган ориятли одамлар. Булар қорни учунгина эмас, қадри учун ҳам қайғурадирган, лозим бўлса, қурашадирган одамлар.

Мирзо нигоҳини ортида Самарқанд шаҳри бўлган кун ботардаги баланд тоғларга тикди. Кўз ўнгида Гўри Мир, тақир бошига оқ тақа кийган қария жонланди. Кўз ўнгида Хожа Кафший маҳалла мазоридидаги устига лавҳа ўрна-тилган қабр жонланди<sup>2</sup>...

Мирзо нигоҳини шимолга, Сайхун тарафга, ортида Тошқанд шаҳри бўлган тоғларга тикди. Кўз ўнгида Шайхонтахур қабристонидидаги мақбара, хон бобоси жонланди. Келадирган омаднинг умри охиригача кетмаслигини башорат қилган ҳазрати Хожаю Хожа жонланди<sup>3</sup>...

Мирзо нигоҳини тоғлар орасидаги энсиз текислик оша адирларга туташ уфқдан кўринган куёш нурларига тикди. Кўз ўнгида марҳум улуг онаси Шоҳ Султон бегим, отаси Умаршайх Мирзо, пири Хожа Абдулла жонланди...

Мирзонинг кўзига тонги куёш нурлари чароғон этган тонги Андижон кўрғони, кўрғон сиртидаги маҳаллалар, Қўштегирмон боғи, боғ дарвозасидан чиққан қадди эгик улуг онаси Эсон Давлатбегим кўринди...

- Андижон,- деди Мирзо. - Андижондан чиққан куёш оламни ёритадир...

Тик тушган куёш нурлариданми, ёшланган нигоҳини гоҳ карвонга, гоҳ куёшга тиккан Мирзонинг лабла-

ри нималарнидир шивирлади...

Кўп ўтмай юзи сокин тус олган ёш ҳукмдор карвон ўртаридаги мулла Бобой Пашоғарий яқинидан жой олди. Соё ёқасидаги тоғ сўқсоғининг кўп сонли бурилишларининг дастлабкисидан ўтибоқ карвон кўринмай кетди.

Чуқур хўрсинишган одамлар тарқалдилар.

\* \* \*

Бу кун мен бир вақтлар Бобур Мирзо излари тушган тошларга тикиламан. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик юриб Мирзо чиққан ўша чўққига чиқаман.

Шу ерда Мирзо дилидан ўтиб, сўлим Қобул боғларининг бирида қоғозга тушган сатрларни ўқийман:

*Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,  
Олам ичра оёғим етганича етгаймен.*

Кўнглим буюрган ишни қиламан. Тош, тупроқ аро қанотларини кўз ёшлари хўллаганидан кўп ҳам узоққа уча олмаган Мирзо шивирларини излайман.

“Сендан ҳаракат, мендан баракат” ҳикматининг бежиз айтилмаганига ишонч ҳосил қиламан.

Топганларимни ўша ердаёқ қоғозга тушираман.

*Тупроғиндан яраландир жисму жоним,  
Бобо мерос, ота юртим - Андижоним.  
Узилдими бу кун ризқим, тандан жоним,  
Таним жонсиз, санда жоним қолгай манинг.*

*Самарқанд деб тупроғингни четлаб эдим,  
Ёшлик қилиб қадрингга ман етмаб эдим.  
Кўнгиб узиб чинлаб сандан кетмаб эдим,  
Қалбим ҳиссиз, санда меҳрим қолгай манинг.*

*Тупроғингда падаримнинг хоки қолган,  
Осмонингда модаримнинг оҳи қолган,  
Кўрғонингда муршидимнинг доғи қолган,  
Қалбим ҳиссиз, санда меҳрим қолгай манинг.*

*Тупроғиндан яраландир жисму жоним,  
Хуш қол энди, ота юртим - Андижоним.  
Узилгандай бу кун ризқим, тандан жоним,  
Таним жонсиз, санда жоним қолгай манинг.*

1. Ободкент - Қирғизистондаги вилоят маркази, ҳозирги Боткен шаҳри.

2. Хожа Кафший маҳалласидаги қабр - Хожа Аҳрор қабри. 1404 йили Тошқандда туғилиб, 1490 йили Самарқандда вафот этган. Хожа Абдулланнинг устози. Бобур Мирзонинг бобоси Абуасид Мирзо эътиқод кўйиб Тошқанддан Самарқандга кўчириб келган. Отаси, амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг пири.

3. Хожаю Хожа - Хожа Абдуллоҳ ёки Хожаи Калон. Хожа Аҳрорнинг катта ўғли. Бобур Мирзо Самарқандни иккинчи бор фатҳ этишидан олдинроқ Тошқандга кўчиб келиб Фархатдаги мулкида илм билан шуғулланган.



ОЙДИННИСО

# МЕН ЮРАКМАН



\* \* \*

Айтиб бўладими,  
 Мўлтираб термулаётган манов мусича  
 юзингга чанг солса тўсатдан.  
 Хўрланиб ўрганган шу япроқ  
 гуллаб юборса кузнинг райига қарамай.  
 Сен қанотларини синдириб қўйган  
 Идрок  
 отилиб чиқса энг чуқур қаватдан.  
 Айтиб бўладими,  
 айтиб бўладими сен ҳам бир куни  
 тўғри йўлинг ҳаққи бўлсанг пушаймон.

Ҳозирча буларни айтиб бўлмайди.

\* \* \*

Қараб туриб қандай чидайсан  
 ахир,  
 юракман бошдан-оёқ,  
 Осонми ёки  
 юрак уришини сезмай яшамоқ.

\* \* \*

Мен асли  
 сен ўйлагандек  
 куз эмас, баҳорман,  
 Сарғайган юзларим  
 шунчаки... соябон.  
 Кунда қиздираман,  
 тунда суғораман  
 ўсади юрак,  
 Ҳали бир кун  
 гуллаб бермоғи керак.

О, йў-ўқ,  
 сен ўйлагандек баҳормас,  
 ўзгача баҳорман.  
 Қайтсам,  
 қишнинг ортидан эмас,  
 ўзимга эргашиб қайтарман.  
 На куз бор,  
 на баҳор,  
 фаслсиз қолади юрагинг.  
 Муродга ҳам етмай,  
 дунёдан ҳам кетмай,  
 асло тугамайди эртагинг.



\* \* \*

Кўзларинг тингудек оқдир бу йўллар -  
 бошинг айлангудек эгри.  
 Ойдин кеча эмас,  
 оппоқ қор эмас,  
 Оғриқди хотира оқ қилган уни.

Юзига оёқ қўйиш анчайин қийин,  
 изингни қонатар оғир хўрсиниқ.  
 Аммо оёгингни олиб қочганинг сайин  
 кетаверасан ўксиниб.



\* \* \*

Мен — осмонсиз яралган булут,  
 Шамолнинг сеvimли эрмаги.  
 Ҳар ерга тўкилиб-тўкилиб,  
 Бугун ёмғирим ҳам тугади.

Мен осмонсиз... шамол эрмаги,  
 Умрим бўйи осмон изладим.  
 Қўлмақларда аксин кўргали,  
 Дунёни чўктириб бўзладим.

Мен - осмонсиз яралган булут.

\* \* \*

Сен ҳажрдан халос бўласан.  
 Қуёшни силкит,  
 териб олгин ундан тўкилган ўтни.  
 Куйдир,  
 кўзёшлар бугланиб кетсин.  
 Аёвсиз куйдир,  
 ечиб ташласин эгнидан  
 Вужудни.  
 Сен ҳажрдан халос бўласан.





\* \* \*

Тоғдек хасратимни кучоқлаб  
Орқалаб зил изтиробимни  
Охири ўзимни ўзим ардоқлаб  
Олганча ўзимнинг ёнимни  
Ҳаммангизни ташлаб кетмоқчи эдим  
Топилмади ҳеч ким.

\* \* \*

Ёмғирсиз, булутсиз, осмонсиз,  
Ўз-ўзидан чаққандек чақин.  
Юрагимда ивирсиган куз,  
Қара, қандай гуллаяпман мен.

Тикансизман, япроғим майин,  
Солалмайман нурга қўланка.  
Ҳатто тортинмасдан тутишим мумкин  
Ўзимни энг нозик одамга.

### ДЎСТИМГА ҲАМ

Сени жудаям кўргим келаяпти.  
Кўргим келмаяпти ҳам.  
Кулма, дўстим!  
Бундан ортигига етмайди қучим.  
Агар сўзинг етса  
сиймосини чизиб бер ўзинг -  
исмини айт менга  
бу ҲИСнинг.

\* \* \*

Тонг эртароқ отдими, дейман,  
Осмон куёш излаб оввора.



Ой қаерга беркинишни билмай  
таажжубда.  
Туни бўйи бедор кезган  
сукунат  
чўзилиб ётибди уйқуни кутиб.  
Қайсидир бурчакда ором олаяпти  
туни билан юмуқ кўзларга  
қуни билан очиқ кўзларга  
хизмат қилиб чарчаган уйқу.

\* \* \*

Япроқлар видолашмай кетди.  
Тонглар ойни симириб қўйди  
ой ҳам тугаб битди бирор сўз демай.  
Жим кетди  
ҳаттоки онамнинг сочи.  
Нега...  
нега энди мендан ранжийсан,  
дўстим,  
Ахир сенга видео айтгани келдим.

\* \* \*

Оҳ, бу шамол  
гулларни эмас,  
хазонларни эмас,  
қумларни эмас,  
биргина юракни тебратиб эсди.



## 2002 ЙИЛ – ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ



# УСТОЗ

*Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи  
Саломатхон Раҳмонова 80 ёшда*

Яхши инсондан боғ  
қолади.

Саломатхон ая Раҳмонова ўз меҳнат фаолиятини, куч-қудратини, илму-зеҳ-

нини таълим-тарбия ишига сарфлаб, ўзидан яхши ном қолдиришга эришди.

У оддий тарбиячиликдан бошлаб то мактаб директорлигигача 40 йиллик меҳнат фаолиятини таълим-тарбия, маъориф ишларига бағишлади. 28 йил мактаб директорлиги лавозимида ишлади. Ҳар доим туман, шаҳар маорифчилари ва жамоатчилиги ўртасида катта обрўга эга бўлган Саломатхон Раҳмонова

ва Республика халқ маориф алочиси нишони билан тақдирланган, “Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвонини олган.

Минглаб ёшлар Саломат аянинг тарбиясини олиб, бугунги кунда турли соҳаларда фаолият олиб бормоқда. Қаерда бўлмасин шоғирдлари ҳурматида сазовор бўлган ая бугунги кунда саксон ёшни қоралаб, ўғил-қизлари, неварачеваралари кучоғида маориф фахрийлиги гаштини сурмоқда.

“Яратганга минг шукр, ҳали тарбиямда бўлган шоғирдлардан ноқобилини кўрмадим” – дейди Саломат ая фахр билан.

**Баҳриддин МИНГБОЕВ.**

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

# ОВУЛ ОРАЛАГАН БЎРИ

Қисса

Арлони бўри Чўнгкалла тунда ёғиб ўтган қор юзидан қолган изга эргашиб, Беватепа этагига, қон тўкилган ён бағирликка етиб келганида қиш офтоби ёйилган, оппоқ, бийдек дашт кўзни олар даражада ялтирарди. Тунги совуқ хийла тоб ташлаган бўлса-да, тоғ томондан эсаётган изгирин этни аёвсиз чимчилар, бироздан сўнг бу изгирин кунботишдан кўзголадиган илиқ ҳаво билан алмашиб, эрувчанлик бошланар ва дашт файзсиз, олачалпоқ тус оларди. Кечга бориб ҳаво айнимаса, эртаси далада қордан ному нишон қолмайди. Қиш чилласида қорсиз дашт кўзга жуда хунук кўринади. Айниқса, ёввойи жониворлар ёмон кўради бунақа об-ҳавони. Ахир даштда санқиганингда, оёғинг остида қорнинг ғирчиллашига нима етсин. Қорга чўмилишларни-ку асти қўяверасиз. Ҳозир айна қорга чўмиладиган ҳаво эди. Бироқ бу нарса Чўнгкалланинг юрагига сиғмас, негаки, қутилмаганда у ургочи бўри Оқёлнинг изини йўқотиб, қонли халқобга дуч келиб турарди-да. Қон Оқёлники, аммо жасади кўринмасди. Айна шу нарса Чўнгкалланинг ортиқча безовталанишига изн бермасди. Нега деганда, жониворлар то шеригининг жонсиз жасадига дуч келмагунча жудоликка ишонишмайди. Бу каби қон тўкилишлар эса ҳар бир йиртқич ҳаётида учраб турадиган одатдаги ҳодисадир.

Чўнгкаллани ҳавотирга солган нарса бошқа томонда, яъники хидларнинг қоришиқлигида эди. Муздек ҳавода Оқёлнинг таниш ва қадрдон хиди билан бир қаторда турли нотаниш ислар, энг даҳшатлиси, инсон иси қалқиб турарди. Табиийки бу ҳол ҳеч қачон яхшиликдан дарак бермайди. Бошқа вақт Чўнгкалла бу хил хидлардан етти чақирим наридан юрган бўларди. Аммо ҳозир бунинг иложи йўқ, нотаниш хидлар уни қанчалик хуркитса, ўз навбатида, Оқёлнинг иси шунчалик ўзига чорларди.

Чўнгкалла жуфтини сахардан бери қидиради. Яйдоқ даштда унинг изига рўбарў келганида, тонг ёришганди. Одатда бу вақтда улар бирор унгирга кириб олишарди-да, туни билан юриб ҳориган оёқларига ором берардилар. Бироқ Чўнгкалла ҳозир буни ўйламасди, тобора ёришаётган далада из бўйлаб йўртишда давом этаркан, бироздан сўнг жуфтининг ёқимли бўйи темир хидига қориша бошлаганини пайқаб, бирдан сергақ тортиди. Тўхтаб, тумшугини чўзганча ҳавони хидлади. Йўқ, димоғи алдамаган, энди темир хидига одам иси ҳам аралашганди. Одам иси сезилмас даражада бўлса-да, Чўнгкалла буни тез илгада ва йўлида қопқон мавжудлигини фаҳмлади. Ёмони, Оқёлнинг изи қопқон томонга чўзилиб кетганди.

Чўнгкалла қадамини тезлатаркан, кўп ўтмай қори топталган майдончага дуч келди. Қопқон юлғун тагига қўйил-

ган бўлиб, темир ва одамнинг бадбўй хиди гупуриб турарди. У пишқириб хидлар орасидан жуфтининг хидини қидираркан, кўзи қори топталган майдончадан наридаги изга тушди. Оқёл қопқонни судраганча яна йўлда давом этган, унинг иси ўша издан келарди. Чўнгкалла одатига кўра, кўзига хатарли кўринган майдончадан чаққон сакраб ўтди-да, из бўйлаб кетди. Икки чақиримлардан сўнг бу изга ён томондан яна бир из - эшак изи келиб қўшилганди. Эшак изи Оқёлни Беватепа ёнбағригача таъқиб этиб келиб, сўнг ҳосил бўлган қонли майдонча яқинида бир муддат тик қотган, кейин кирза этик ҳамроҳлигида яна йўлда давом этганди.

Чўнгкалла қизиқиш ва ҳавотир билан майдончани синчков кўздан кечираркан, милтиқ дори хидини туйди. Димоғи қичишиб, қаттиқ пишқирди. Майдончанинг қай бир бурчида, қор тагида ётган бўш гилза ундаги ҳавотирни кучайтирган бўлса-да, ортига қайтишни ҳаёлига келтирмади. Қайтамга жағларини ярим очиб, аста ириллади. Ириллашида ғазабдан кўра таажжуб оҳанги кучлироқ эди. Шўрлик арлони бўри шубҳали хидлар ва чалқаш излар қаршисида танг аҳволда қолганди. У қанчалик ақлли ва зийрак бўлмасин, Оқёлнинг ялангликда қопқонга тушгани-ю, қопқонга маҳкамланган занжир учидидаги ғулани Беватепагача судраб келиб, оқибат, Салом мерганнинг ўқига дучор бўлганини, турган гап, тўла идрок этмоқдан ожиз эди. Қор бетидидаги қон, ҳаводаги турли хидлар ноҳуш ҳолатни англатса-да, аммо бу ҳали ўлим дегани эмасди. Оқёл қай тарзда аразлаб кетган бўлса, шу созда даланнинг бирор буржидан тўсатдан кўриниш беришидан ҳануз умидвор эди.

Мана, неча кундирки, Оқёл унинг гуноҳини кечиролмай келарди. Қўшни тўдадаги қанжиққа илакишиб, ўзини бебурт қилиб қўйган Чўнгкаллани яқинига йўлатмай қўйганди. Чўнгкалла унга соядай эргашиб келди. Кечирини сўраб, ер бўлиб ялинди. Оқёл пинак бузмади, дашту қирда ўз билганича дайиди. Шунгача у Чўнгкалланинг чизган чизигидан чикмасди. Чўнгкалла, илиқиш пайтларини ҳисобга олмаганда, доим олдинда, Оқёл эса ортда юрарди. Бу хил тартибнинг сабаби шунда эдики, арлони бўри ҳар қандай хавф-хатарни тез илгарди. Масалан, овчилар томонидан қўйилган қопқонларни гоҳо ярим чақиримдан ҳам сезарди. Қопқон қанчалик усталик билан жойлаштирилмасин, темир хиди барибир ер юзига силқиб туради. Чўнгкалла мана шу хидниям илғашга қодир эди. У қопқон гумон қилинган ерга сира яқин йўламасди. Оқёл эса, енгилтаклиги боис, бу хил хавфга ортиқча эътибор бермасди. Иккинчидан, қаватида темирни ғажиб ташлашга



қодир жуфти ҳалоли турганда йўқ-бор нарсдан ҳадик-сираш не даркор.

Бир сўз билан айтганда, Оқёл хийлагина тантиқ эди. Айни шу феъли етди унинг бошига. Кеча тунда у яна ўз бошига дайдиб кетади. Чўнгаллага иддао қилиб, дайди-моқни одат қилиб олганди. Чўнгалла Яғирқиргача унга эргашиб келди-да, бирдан арази тутиб қолди: "Қачонгача изингдан ялиниб юраман!" Тантиқ бўри унга эътибор бермай пастга энади. Чўнгалла қир тепасида қолади.

Кўшни тўдадаги урғочи бўри - Узунтумшукқа илакишганидан Оқёлнинг олдида ўзини айбдор санамасди у. Шунчаки тўдабоши Чиноқдан ўчини олганди. Нимага деганда, кўнгидаги адовати ҳали эскириб улгурмаган, яъники икки йил бурун тўдадан шармандаларча қувилганидан ҳали-ҳануз қахру газабда келарди.

Ушанда Узунтумшукнинг Чиноққа дахлдорлигини билса-да, урғочи бўрининг ғамзали "кўз сузиш"ларидан ўзини тийиб туролмаганди. Қанжикқа суйқалиб, висол онларини сурмоққа улгуради ва натижада Чиноқнинг аёвсиз таловлари остида тўдани тарк этмоққа мажбур бўлади. У пайтда Чўнгалла тўла кунга кирмаган, тўдабошининг қахрига бардош беролмайди.

Хафта бурун тоғ томондан тушиб келган ўша собиқ тўдага кўзи тушган, Чўнгалланинг эски алами кўзғолади, атай Узунтумшукқа илакишади. Чиноқнинг аламини келтириб, урғочи бўри атрофида айланиб-улгуради. Кейин рашк ва газабдан кутуриб ўзига ташлаган тўдабошининг бошлаб адабини беради-да, ўзга қанжикнинг ҳидини буруқтириб Оқёлнинг ёнига қайтади. Бироқ Оқёл уни кечирмади. Аввалига бир майдон юмма талади. Сўнг юз ўғирди. Чўнгалла адоват майлига бўйсиниб, бу ишга қўл урганни англатишга беҳуда уринди. Оқёл тушунмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Ортидан ялинтириб юраверди. Кеча тунда Чўнгалланинг ялиниши аразга айланганига парво ҳам қилмади. Билади, арлони бўрининг бу хил тумшайишлари узокқа бормайди. Ҳализамон ортидан соядай етиб келади. Аммо бу сафар Чўнгалланинг иззат-нафси тузуккина лат еган эканми, тунда Яғирқирдан нарига ўтмади. Тундалик санқига хоҳиш сезмай, Унгирада ғужанак бўлиб ётди. Аммо саҳарга яқин юраги хавотир сезиб, аста ташқарилади. Оқёлнинг изини олиб, уни қидириб топмоқни истади. Бироқ тунда ёққан қор Оқёлнинг гўё ер юзидан супуриб ташлагандай - на изи, на ҳиди бор эди.

У таваккал қидирмоққа тушди. Аввалига қир этагидаги кўра теварагини бир айланиб чиқди. Биладик, Оқёл кўйларни эрмакка бўғизлаб туришни хуш кўради. Ёлғиз унинг бу ишга журъат етмаслигини ичдан сезиб турса-да, гумонга эргашган кўйи, Оқёлни қидиришда давом этди. У кўрадаги итларнинг юрагига қутқу солиб, қирдан даштга энаркан, яйдоқ кенгликда нима қиларини билмай, бир мудард тик қотди. Бунга сари юрагидаги хавотир кучая борди. Даштда Оқёлни қидириб топмоқ, ғарамдан игнани қидиришдек бир гап эди. Боз устига, ўлгудек ёнгилтак Оқёлнинг хаёлига нимлар келмайди дейсиз. Аҳмоқона истакка бўйсиниб, ёлғиз ўзи қишлоққа энган бўлишим мумкин. Қонга ташна қилиб юборадиган қилиқлари се-роб унинг. Хай-хайлаб турмасанг, ҳаволаниб кетиб, бирор балога йўлиқиши ҳеч гап эмас. Шу пайтгача Чўнгалла уни ҳар неки бало-қазодан асраб келарди. Энди у ёлғиз, қаерларда санқиб юрган экан? Ишқилиб, Қишлоққа элмаган бўлсинда, у ерда итлардан ташқари, кўлига яроқ тутган одамлар бор. Улар қўлидаги нарсаси билан узокдан туриб-оқ тишлаб олаверадилар. Шу боис, қишлоққа энган бўрилар итлар овози орасидан инсон товушини илғамоққа уринади. Одам овози чиққан ердан тезроқ кетмоққа интилишади.

Чўнгалла узокдаги қишлоққа диққат билан боқаркан, тонг ёришганига қарамай, ички бир истак етовида ўша томонга йўл тортиди. У гоҳ исқаланиб, гоҳ тумшугини олдинга чўзганча олға интиларкан, дала ярмида Оқёлнинг кўндаланг тушган изларига рўбару келди. Чамаси, Оқёл куйидаги дарё ўзанидан Кичик қирни қоралаб юрганди. Кичик қир йўналиши хавфли бўлиб, негадир қопқонлар кўпроқ ўша томонга кўйиларди. Чўнгалла уни бу хавфдан кўп бор огоҳ этган. Буни қарангки, худди аччиқ қилгандай, Оқёл ўша томонга йўл тортибди. Изидан ички ланжлиги, бемақсад тентиётганлиги яққол сезилиб турарди. Унинг бу ҳолати қопқонга тушгунга қадар давом этиб,

ундан у ёнига у гулани судраганча жон талвасасида ҳаракатланганди. Қон сачраган ерда Оқёлнинг изи бутунлай ўчган бўлса-да, аммо ҳиди қишлоқ томон ўзилган инсон ва эшак изига эргашиб кетганди.

Чўнгалла ёввойи жониворларга хос синчковлик билан топталган қор юзини, тўкилган қонни обдан хидларкан, кутилмаганда елка жунлари тикрайганча, эшак ва инсон изидан жадал йўлга тушди.

У салдан сўнг номаълум шаклдаги яна бир изга дуч келди. Бунинг нималигига фаҳми етмаган бўлса-да, аммо Оқёлнинг иси ўша изларда маҳкам муҳрланиб қолганини пайқайди. Бу эшакка кўндаланг ортилган Оқёлнинг қорда судралган думидан қолган излар эди.

Чўнгалла қишлоқ яқинидаги чоғроқ тепаликка етгач, ортиқ издан юрмади. Вазиятни ўрганмоқ ниятида бамисоли соядай сирғалиб, тепаликка ўрлади. Энди унинг димоғини қишлоқ ҳиди — тутун, тезак, пичан ва яна қандайдир ёт хидлар қитиқларди. Ёввойи йиртқич учун дунёда бундан бадбўй хид йўқ... Бахтига аччиқ изғирин қаршидан эсар ва шу сабаб қишлоқ итлари ҳозирча жим эди. У улкан бошини бақувват оёқлари устига жойлаштириб, қишлоқни жиддий кузатаркан, кулбет эшак устида кўндаланг чўзилиб ётган Оқёлни тез илғайди. Ундан аттиги ўн беш-ийгирма дақиқа бурун қишлоққа етиб, ўзи билмаган ҳолда даҳшатли ўлим чангалидан омон қолган Салом мерган этақдаги майдончада керилганча, одамларнинг ҳадясини қабул қиларди. Иримкаш одамлар атаганларини унга беришаркан, сал шошқалок, сал ҳадикли ҳаракат билан бўрининг тирноқларини кесиб олишар, баъзилар тишини қоқиб олиш тарадусида эди. Бўрининг қўлга туширилиши қишлоқда фавқуллодда ҳодисалардан бири саналарди. Шу боис, унинг атрофига одамлар йиғилганди.

Турган гап бу манзара Чўнгалла учун тушуниқсиз эди. Эшак устида қимир этмай ётган Оқёлнинг ҳолатидан таажубда эди, холос. Бироқ кўмакка бормоқнинг ҳеч қандай имкони йўқ. Чўнгалла қанчалик ёвқур бўлмасин, барча жонзодлар каби одам боласидан қаттиқ ҳайиқарди.

Салом мерган қишлоқдошларини хушид қабул қилишда давом этаркан, шу тобда ўзига ажал тимсоли кўз тикиб турганини хаёлига келтирмасди. У мақтовлардан маст, ҳадялардан бахтиёр эди. Даштдаги тулки-ю қуёнларга қирон келтирувчи бу кимса бўрини илк бор қўлга тушириши эди. Агар Оқёл қопқонга тушиб қолмаганида, бу иш икки дунёда ҳам унинг қўлидан келмаслиги мумкин эди. Ҳозир у қопқонни хуржун кўзига ташлаб қўйиб, жондорни отиб олдим, дея оғиз кўпиртирарди. Аммо кишиларга бўрининг қай тарзда қўлга тушганлигининг ҳеч аҳамияти йўқ, уларни йиртқичнинг тирноқлари ва тишлари қизиқтирарди. Кимдир бўри тирноғини боласининг бешигига осад, биров эса ундан тумор ўрнида фойдаланади. Эмишки, бўри тирноғи ҳар хил инс-жинслардан асрармиш ва кишига омад келтирармиш.

Умрида бўри отмаган Салом мерган ҳар қиш чилласида бисотидаги бир неча бўри қопқонни даштга қўяди. Бироқ не умидлар билан қўйилган бу қопқонларга бўри ўрнига тулки тушиб туради. Қопқонга нима тушиши унинг учун фарқсиз, муҳими нимадир тушиб турса бас. Салом мерганга ўлжадан ҳам кўра, қопқонлардан хабар олиш олдида юрагида уйғонадиган ҳаяжон кўпроқ қадрли. Худди қимор ўйнаётган кишидек бунақа пайтда у қаттиқ энтикади, қалтирайди, титрайди. Қопқонга яқинлашган эса, хоҳ ўлжа тушган, хоҳ тушмаган бўлсин, ундаги ҳаяжон ўчади, алланечук хотиржам тортади у.

Энг қизиғи, бугун тонгда қопқонлардан хабар олиш хаёлида ҳам йўқ эди. Қўтондаги оғайнисини кўриш ниятида йўлга чиққанди. Тушида оғайнисини бўри билан олиши юрганмиш. Хавотирда йўлга чиқиб, қор устидаги ғалати изни кўраркан, бу сафар қопқонга йирик жонивор тушганини сезд. Синчков боқиб, ғула мололаган қорда бўри изларини кўраркан, қийқирган. Шу қийқиришда оғайнисини ҳам эсдан чиқариб, бўри изидан юрганди...

Бу орада Салом мерган таомилга биноан қишлоқни бир айланиб чиқди-да, сўнг ҳовлисига ўтди. Чўнгалла қишлоқ четидаги бу хонадонни яхшилаб эслаб қолди. Салом мерган, чўнтағига пул тушган эмасми, жўраларини сийлагани гузарга жўнади.

\* \* \*

Чўнгалла қишлоққа энишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Одатда, йиртқич зоти қанчалик ёвқур бўлмасин, кундузлари қишлоқ ораламоққа журъат этавермайди. Бунинг учун у ё қутурган, ё боласидан жудо бўлмоғи керак. Ҳатто боласидан ажраган бўриям кундузи таваккал қилишдан кўра, тунни кутмоқни маъқул кўради. Тун жониворларнинг яқин дўсти, жонажон ўртоғи. Тунда жониворлар чин маънода яшайди. Тумшуғи кўмагида теварагини қуршаган ҳидлар воситаси ила дунёни тасаввур этади, шунга қараб ҳаракатланади. Намчил тумшуғи жонивор учун кўздан зиёда аъзо ҳисобланади. Кўз фақат кўради. Димок эса илғайди. Қайда ғаниму, қайда хўрак - буни фақат тумшуқина аниқлайди. Масалан, Чўнгалла бугун жуфти ҳалолани тумшуғи кўмагида топди. Из ҳамиша чалғитади, ҳид эса ҳеч қачон алдамайди. Мана энди у тепалиқда четдаги ҳовлига кўз тикканча ербағирлаб ётибди. Ҳовли юзидан аёллар ғимирсиб юрарди. Ғўзапоё ғарами бикинида каттақон малла ит чўзилиб ётибди. Бу итнинг унга мушқчаллик аҳамияти йўқ. Бу хил итларнинг суробини бир пасда тўғрилаб кўйди. Аммо одам боласи ит эмас, у билан жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Бу юртда қордан кейин албатта илиқ куёш юз кўрсатади. Тунда ёққан қор кўпинча пешинга бориб эрий бошлайди. Ердан ҳовур кўтарилиб, ҳавони намхуш ҳид тутади. Кечга бориб тоғ томондан изгирин кўзголиб, аёз қисади-да, ер тарашадек музлайди. Бўри зоти аёзли тунни хуш кўради. Эрувчанлик уларга унчалик ўтиришмайди.

Чўнгалла бетайин ел йўналишини ўзгартириб, ортидан эсмағунча тепалиқда ерга бағрини бериб ётаверди. Бўри исини олган қишлоқ итларига жон кирди. Чўнгалла кетмоқ лозимлигини англади. Сал ҳаялласа кишилар серкак тортишини ички бир сезги билан англаб, изига бурилди-да, эрий бошлаган қорни бир-бир босиб, аста кета бошлади. Улкан боши эгилган, кўзларига лоқайд бир ифода қўнган кўйи, йўртишдан тийилиб, йўлда давом этаркан, олисдаги хашак ғарамини қора тортиди. Ғарамини ёнлаб ўтиб, кирга ўрламоқни кўзлади. Уни итларга ошқор этган бекарор ел энди ўнг ёнидан эсмоқда эди. Елнинг бетайинлиги жониворлар учун гоҳо ғанимдан хавфлироқдир. Бунақа жониворларнинг учинчи кўзи-тумшуғи ожиз қолади. Йиртқич кўз ва қулоғига таяниб иш кўра бошлайди.

У ғарам ортидан чиқиб келаётган Норкул чолни қадам сасиданоқ илғайди. Бир қарорга келгунча бўлмай, у эшак минган қоровулга рўпару бўлди. Оралиқ эллик-олтмиш одим. Бўри учун бир заплик масофа бу. Чолнинг бахтига, Чўнгаллада ҳамлага мойиллик йўқ эди. Ўз навбатида Норкул чол ҳам ўзини йўқотмади. Чап қўлини, кўзи ўзига тикилиб турган бўрида, хуржун кўзига юбориб, темир қозикни олдида, ўнг қўлидаги пичоқ сиртини унга урди. Темир саси бўри зотиға ҳеч қачон ёқмайди. Ёқимсиз бу товуш замирида ҳамиша бир хавф яширин бўлади.

У ҳозир ҳам темир товушидан хуркиб, йўлни ўннга солди. Ўзи истамаган ҳолда қон халқоби томон юрди. Оқёлнинг ҳиди қон доғларидоғина қолган, издаги исларни ел олиб кетганди. Яйдоқ даштда ҳиднинг сақланиши қийин. Шунга қарамай, Чўнгалла айрим ҳидларни фарқлай билди. Аммо бундан кўнгли оройиш топмади. Ёлғизлиги қор қилиб, ички бир дард билан ғинғишиб юборди. Бу нидода жудолик алами эмас, ёлғизлик мавжуд эди. Оқёлдан жудо бўлганини у ҳануз ҳаёлига келтирмасди. Оқёл шунчаки банди, бандини эса кутқармоқ керак. Ҳамма гап шундаки, бу юмуш фақат тундагина адо этилади. Негаки, тун-дўст, кундуз эса, ёв... Халос этмоқ тадбирида Чўнгалла бир сафар қатнашган. Тўдабоши Чиноқ бошчилигида тўдадаги она бўрилардан бирининг болаларини кутқармоқ ишида иштирок этганди. Ушанда Чиноқ уни кексароқ бир бўри билан пистирмада қолдириб, ўзи уч бўри билан қоронги тун қаширга ғойиб бўлиб, салдан сўнг бўриваччаларни эргаштириб қайтганди. Чўнгалла у пайтда тўдабоши билан яши эди.

Ушанда Чиноқ бўриваччаларни ертўласимон камардан ҳийла билан олиб чиққанидан беҳабар бўлса-да, одам боласи томонидан банди қилинган жонивор ўлмаслигини хотирасига маҳкам муҳраб олганди. Унинг ҳозирги хотиржамлиги шундан эди.

Чўнгалла мунг тўла кўзларини тевараққа тикаркан,

юраги ёлғизликдан ўртанаётганини сезди. У Оқёлнинг эркаланишларини кўмсамоқда эди. Оқёл суйкалишларнинг жонини киритарди. Баъзида ўзи ҳам эркалаб қоларди. Узун ва иссиқ тилини эшиб, шунанганги ялаб-юлқардики, бу лаззатдан шўрлик Чўнгалланинг эси оғиб қолай дерди. Бу хил ҳолат кам бўлса-да, ҳар ҳолда бўлиб турарди. Шу тобда у Оқёлнинг биргина лаб-лунжини ялаш учун жонидан кечिशга ҳам тайёр эди. Афсус у қаватида эмас, одамлар орасида. Одамлар орасида у нима қилаяпти, буни Чўнгалла ҳеч тасаввурига сиғдирилмасди. Назарида, у бахузур чўзилиб ётгандек эди.

Оқёл азалдан ётоқлагич эди. Кундузлари Кўштепа биқинидаги ўнгирдан чиққиси келмасди. Оқёл ичкарида, гоҳо эса ин оғзидаги соз тупроқ устида чўзилиб ётарди. Чўнгалланинг жойи ҳамиша бир ерда - индан сал наридаги қизғиш харсанг ости бўларди. Бу ердан чор-атроф кафтдагидек кўзга ташланиб турар, ғир-ғир шабада эса теварақдаги ҳаракатдан тинимсиз боҳабар ётиб турарди. Чўнгалла узокдаги подадан, даштни кесиб ўтаётган отликдан, ўлаксахўр қушлар хомталаш қилаётган жардаги сигир жасадидан, даланинг қайси бир буржидан патиллаб ўтиб бораётган трактордан, чўнтагида уч-тўрт ўқ билан каптар овига чиққан ношуд ўсмир овчининг қаерда ҳаракатланаётганидан ел орқали хабар топарди. Унинг намчил тумшуғи ором нима, билмасди. Маза-маза, Оқёлга маза эди. Кундузлари уйқудан бош кўтармасди. Аммо тунлари оч арвоҳдай изғирди. Гоҳо эса кундузлариям жин теккандай қутуриб қоларди. Бу энди йил фаслига-ю, Оқёлнинг кайфиятига боғлиқ эди. Оқёл худди шамолдек беқарор эди. Қорни тўқлигиға қарамай, тақирдан юмронқозик тутгандек, жар ичи қолиб, яйдоқдан йўртиб қоладими-ий. Гоҳо эса ажал билан очикдан очик ўйнашарди. Бу энди унинг довурақлигидан эмас, инжиқлиги туфайли эди. Қаватида қоядай мустаҳкам ҳимоячиси бор айрим жониворлар кўп ҳолларда ўзларини аҳмоқона тутадилар. Қисқаси, Оқёлнинг курақда турмайдиған қилиқлари сероб эди. Гарданидаги бир тутам оппоқ туки - ёли ҳам ўша бетизгин қилиқларидан бирининг самараси эди. Ҳеч бир эҳтиёжсиз сурув оралаб, улкан итнинг чангалига тушганида, у ўрғина бир жонивор эди. Тўдадаги бўрилар торғина ўзанда салқинлини ётишганида, у олисдаги сурувни қора тортади. Мақсад ноаниқ, тикрайган қорага алаҳсиб, сурувга жуда яқин борганини сезмай қолади. Йилнинг бу фаслида бўри зотининг сурув билан умуман иши бўлмасди. Шунинг учун чўпон хотиржам, итлар эса ярим пинақда эди. У панадан туриб қўйларни кузатаркан, унда қон тўкиш истаги бош кўтарарди ва теварақни ўрганмай туриб хужумга ўтади. Оқибат, ўлжаға етмай, улкан итнинг чангалига тушади. Ушанда у тасодифан омон қоларкан, гарданидан жуда қаттиқ яраланганди. Кейинчалик ўша яраланган еридан оппоқ тук ўсиб чиқади. Шунинг учун маҳалли чўпонлар уни "Оқёл" деб атайдилар.

Чўнгалла унинг барча қилиқлари-ю, инжиқлиқларига тоқат билан чидайди. У уйқуда кезлари яқинига йўламайди. Эркалагиси келса, бошдан-оёқ ялаб-юлқиб чиқади. Чарслиги тўтса, тошлар орасидан паноҳ топади. Аразласа, пойи-патак бўлмоққа тиришади. Билсаки, ўша дамлар энг бахтли дақиқалар экан. Эндиликда эса ёлғизлик яғридан босиб, ерга қапиштириб ташламоқда.

У ич-ичидан инграмоққа тушди. Бу сас юрагининг туб-тубидан силқиб, бўғзи томон қўрғошин янглиғ ғалати бир залвор ва оғриқ билан силжиётган дард эди. Бу хил дард ҳамиша жониворнинг хоҳиш-иродасидан устивор келади. Бунақа пайтда жонивор умидга таяниб, илинжға суюнмоқ истайди. Бироқ юракка суқилиб кирган дард ўта шафқатсиз, тирик вужуднинг бағрини ўпириб, суюгини қақшатишда давом этади. Оқибат, умид ва илинж парда ортидан қрилиб, уларнинг тарҳигина кўзга чалинади. Ушбу тарҳ халоскор - акс ҳолда дард қаршисида ёлғиз қолган жоннинг ҳаловатга юз тутуши ҳеч гап эмас.

Чўнгалла тевараққа ғамгин кўз соларкан, бағрини ўртаётган дарднинг танишлигини туйди. Ушанда Узунтумшунинг атрофида ўралишаркан, унинг учун барча азобларга тайёрдек эди. Шу боис Чиноққа мардона бет бўлганди.

Кун булутли эди. Ҳаводан қор ҳиди анқир, аччиқ шамолда тебранаётган юлғунзордан чиққан бўрилар ғаласи чоғроққина тақир яланглиқда тўхтайдди. Тўдадан ажраган



икки бўри яланглик ўртасида юзлашади. Чиноқ тишларини даҳшатли иржайтириб, чамаси шундай дейди: “Эсингни йиғ, бола, чатоқ қиламан!” Чўнгалланинг кулоғига гап кирмайди, ўрликда давом этади: “Шуни деганман, шуни дея ўлама!” Чиноқ яна оғирлик қилади. Бироқ Чўнгалла барибир гапга юрмайди. Шундан сўнг олатасир олишув бошланади. Чиноқ кучли эди. Чўнгалла ҳам ундан қолишмасликка тиришади. Аммо унинг қаршилиги узоққа бормайди. Жанг давомида тасодифан кўзи гала орасида турган Узунтумшукқа тушиб қолади. “Маҳбуба”си ўта лоқайд эди. Чўнгалла ўладими, қоладими гўё иши йўқдек эди. Аслида ёввойи табиатнинг қонуни шу - жон талашаётганлар то жанг бир ёқлик бўлмагунча улиқликдан йироқ тутилади. Сўнг бор эътибор голибга қаратилиб, мағлуб бутунлай назардан қолади. Аммо Чўнгалла бу қонунга зид ўларок, Узунтумшукдан ҳайрихоҳлик кутарди, меҳр кутарди. Бунинг аксини кўргач, бирдан унинг ғайрати сўниб, Чиноқнинг аёвсиз таловлари остида тўдан шармандаларча тарк этади. Тўдадан ҳайдалгач, у Кизилқояда уч кун ғам чеки қолади. Оёққа қалқиб, секин-аста ўзига келаркан, ажодлари таомилига бўйсиниб, дўнгда чўнқаяди. Хазин, ниҳоятда хазин оҳангда ув тортади. Ув тортаркан, негадир кулоғини динг қилади. Ерга, кўкка ва яна ерга тикилади. Аммо у билан на кўкнинг иши бор эди, на ернинг. Аччиқ изғирин ўз майлида эсар, қорамтир булутлар осмон бўйлаб оғир силжир, оёқлари остидаги замин ўша-ўша сокин ва бепарво эди-ки, дард деганлари теварагини қуршаган оламда эмас, юракда яшашлигини у гўё фавкулудда англаб етгандай бўлади. Бунга сари у нидога зўр беради. Бироқ ув тортмоқ учун ҳам куч даркор, мадор даркор. Бу нарсага эса фақат нафс орқали эришилади. У заруриятга бўйсинган ҳолда емишга оғиз уради. Нафс уни ўлимдан асраб қолади.

Чўнгалла тўдабошига кек сақлаган ҳолда ёлғиз яшаб бошлади. Тўда илик-иссиқ кунлар бошланиши билан тоққа кетиб, бу томонга қиш олди энарди. Чўнгалла эса қишин-ёзин даштда яшарди, қирда дайдириди. Тўда куйига энган кезлари майдони торайиб, ўз худудида сизиндига ўхшаб қоларди. Бу эса тўдабошига нисбатан адоватини янада кучайтирарди.

У ҳар сафар даштга энган тўдадан узоқлашар экан, жисмига қулоқ тутарди. Ҳали кучга тўлмаганини сезган эса, тўқнашувни кейинга сурарди.

Чўнгалла Оқёлни учратмагунча мана шу тарзда ёлғиз яшади. Энди у йўқ. Ёлғизлик ўзини кўз-кўз қилиб, бор бўйича қаршида турарди. Бироқ, у буни пайқамас, уни ғам қўланкаси сифатида қабул этиб, тезроқ тун чўкишини илҳақ кутарди. Тун унинг ягона илинжи, фақат угина Оқёлни қайтариб бера олиши мумкин.

У қишлоқ тарафдан келаётган трактор овозини шушламай, ўнгир томон юрди. Учакишгандай қиш офтоби кўкда бемалол сайр этар, унинг тафтидан қорлар эриб, даштни енгил ҳовур қоплаганди.

\*\*\*

Қиш осмони юлдузларга тўлган чоғда Чўнгалла қирдаги ўнгирда эди. Табиатан у жуда ҳаракатчан эди. Қорни тўйган кезлари оёқ узатмаса, қолган вақт тентигани тентиганди. Қаватида Оқёл, уларнинг бу хил тентишлари ҳаммиша бирор мақсадга йўналтирилган бўларди. Худди инсонлардек, жониворлар ҳам бу дунё икки-чикирларига кўмилган ҳолда умрғуззорлик қилишади. Одамлардек қўшнилари, яъни қўшни тўда бўрилари билан “сан-ман”га бориб туришади. Қиш олди бошқа бўрилар тўдага бирлашганда, улар ёлғизликни абзал биларди. Бунга, биринчидан, Чўнгалланинг ўз қудратига ишончи сабаб бўлса, иккинчидан, у ўлғудек рашкчи эди. Оқёлни тиккайган хасдан ҳам қизганарди. Қиш чилласида бир қанжиққа ўнлаб бўрилар илақишганда, Оқёл ёлғиз унга дахлдорлигича қоларди. Аммо бу осон кечмасди. Оқёлнинг ҳидини олган ўзга бўрилар кўноққа келарди. Чўнгалла уларни дўнгда қаршиларди. Бунинг эгаси бор, деган йўсинда гўддайиб турарди. Бундайроқ бўрилар иссиғи борида жуфтакни ростлаб қоларди. Дадилроқлари эса

дўнгда ириллаб турган Чўнгалладан кўз қирини узмаган кўйи офтобрўяда чўзилиб ётган Оқёл томонга интилишда давом этарди. Унга етмоққа бир неча одим қолганда, дўнгда кўнган “куюн” келгинди бўрининг нақ тумшуги тағида пайдо бўларди. Итдан фарқли ўларок, бўри зоти жиззакиланмайди. Човут солмоқдан аввал яна бир қарра мурасага ундаб кўради. Сурбет жонивор шунда ҳам инсофга келмаса, ана унда кўринг талатўпни... Энг қизиғи, Оқёл бу қиргинбаротга лоқайд қарайди. Қўлингдан келса, бошимни кўриқла, дегандай Чўнгаллага кўпда илтифот кўрсатавермайди. Сирасини айтганда, қаҳри жуда қаттиқ унинг. Омонсиз олишувларда жароҳат топан жуфтини кўпда сийлавермасди. Негаки, Чўнгалланинг барча ҳаракатлари ҳам унга ёқавермасди. У хушомад истарди. Ўзга бўриларнинг юрагига ўт ёқмоқ учун турли қилиқлар қилмоқни хоҳларди. Изидан ўнлаб бўриларнинг соядай эргашишларини хуш кўрарди. Бироқ Чўнгалла унинг хоҳишларига йўл қўймасди. Бирор бўрига қийшанглангани сезса, яғрин жунлари тикрайиб, тириклайин еб қўйиш даражасига етарди. Шу боис, Оқёл ундан жуда ҳайиқар, ўз навбатида, телба кўнгли истакларига йўл бермаганлиги учун гоҳо жуда ёмон кўриб кетарди, илтифотидан йироқ тутарди уни.

Шунга қарамай, Чўнгалланинг айрим одатларини жуда яхши кўрарди. Масалан, Чўнгалла айрим жинсдошларидек жангда кўтармалик қилмас, ҳар неки балони бағоят чаптастлиги хотиржамлик билан бартараф этарди. Бунақа пайтда у жуда кўркам тус оларди. Ҳар бир тукидан виқор ва жиддият акс этиб турарди. Шунда Оқёлнинг бирдан меҳри жўшиб қоларди-да, Чўнгаллани ялаб-юлқимокқа тушарди. Харсангдай чўнг турган арлони бўри ипақдай майин тортгани сайин Оқёл ўз кучини ҳис этар ва бундан зимдан ҳаволанарди. Аммо унинг бу кучи жуфтини ўзига огдиришга ярарди, холос. Ташқи хавфда унинг маккорлиги эмас, Чўнгалланинг кучи ва совуқ ақли асқатарди. Оқёл буни балодай туншунарди. Чўнгалла жонига аро кирган кезлари, лаби-лўнжини ялаб, обдон суярди, суйкаларди.

Бу яхши лаҳзалар эди.

Чўнгалла бу хил дамларни узоқ, жуда узоқ бўлишини истарди.

Мана энди ўнгурда ётаркан, бағри ёлғизликдан хувуллар, яқкалик азоби бутун томирлари бўйлаб изғирди, вужудини тўнглади, юрагини ўртарди. У тезроқ Оқёлнинг васлига етмоқни ўйларди. Бироқ унга етмоқ учун ўзи жуда ёмон кўрадиган қишлоққа энмоғи лозим эди.

Чўнгалла ўнгурдан чиққанда, ой тоғ бошига қўнган, аёз эса чирсилларди. У музлаган қорни босиб, бир текисда йўртиб кетди.

Йўл Тошлибурун орқали ўтарди. Тошлибурунга яқинлашгач, у хиёл тайсаллаб турди-да, сўнг йўлни чапга солди. Улкан бурунга ўхшаш қояни айланиб ўта бошлади. Ўша бир текисда йўртишда давом этаркан, Тошлибурунга лоақал қараб қўймади. Ёмон хотиралардан у ҳаммиша қочиб яшарди.

Тошлибурунда катта бир фожеа юз берганди. Қоя этагидаги уяларда уларнинг тўрт боласи нобуд бўлганди. Улар чўпонлар томонидан тутунга димиқтириб ўлдирилганди. Чўпонлар улар инини қандай топишган, бу ёлғиз худога аён. Аммо овдан қайтишганда, тўрттала боласи ҳам тарашадай қотиб ётарди. Шундан бери у тутун ҳидини жинидадан баттар ёмон кўради.

Ўшанда Оқёл роса бўзлаганди. Бир ҳафта болаларини ялаб-юлқаб оёққа турғизмоққа уринганди. Барча ҳаракатлари бесамар эканлигини англаган эса ойга қараб увлаганди. Чўнгалла ички бир истакка итоат этиб, қатор ётқирилган болалари устига тупроқ сочган, Оқёл унга қаршилик кўрсатмаган. Кейин тупроқ уюмини хидлаб-хидлаб, боши оққан томонга улоғиб кетган. Ўшанда у бемақсад дайидиган, йўлида учраган жонлиқни тилка-пора қилиб ташлаган. Унинг бу юриши сел урган жарликкача давом этган. Оқёл жар тубидаги соз тупроқда тўрт кун кучала тушиб ётган. Чўнгаллага содиқ ёр сифатида жар тубида унинг тинчини кўриган, тунлари овга қиқиб, ўлжа билан қайтган. Бироқ Оқёл хўракка оғиз урмаган.

Оқёл базур ўзига келиб, ташқарилаганда, ундан куруқ устихон қолганди. Бу фожеа уларни янада жипслаштирди. Шундан буён жониворлар Тошлибурунга яқинлашмайдилар.

Чўнгалла қояни четлаб ўтиб, яйдоқ даштга тушаркан, қадамни бироз тезлатди. Туннинг ойдинлиги таъбиға унча ўтиришмай турарди. Бошқа пайт бу нарса сира ғашига тегмасди-ю, лекин ҳозир жуда кўнгли безовта эди.

У қишлоқ этагидаги тутзорга етаркан, тарадуланиб тўхтади. Чўнқайиб ҳавони ҳидлади. Қишлоқ томондан жирканч ислар келар, бу ислар орасидан Оқёлнинг қадрдон хидини илғаш қийин эди. У кундузи Салом мерганнинг ҳовлисини яхшилаб эслаб қолган эмасми, бир оздан сўнг ўша тарафга соядай сирғалиб жўнади.

У жуда ошиқаётганини бирдан сезиб қолиб, қадами ни секинлатди. Теваракни сергак кузатиб, Салом мерганнинг ҳовлисига пушиб яқинлаша бошлади. Турли ҳидлар орасидан Оқёлнинг исини базўр илғаркан, қувончдан қалтираб кетди. Аммо у жуда эрта қувонганди. Негаки унинг йўлида шундай бир тўсиқ мавжуд эди-ки, Оқёлга етишаман деб ҳар лаҳзада жонидан айрилиб қолиши мумкин эди.

Иссиққина уйда уни Салом мерган кутарди. Атай кутмаётган бўлса-да, ҳар ҳолда милтиғини шай қилиб қўйганди. Уринга етмай, шундоққина печканинг биқинига чўзила қолганди. Итнинг овозини эшитиши билан ўқдай отилиб чиқиши учун ҳатто этигини ҳам ечмаганди.

Аслида Чўнгалланинг йўлига кўз тикмоқ унинг хаёлида ҳам йўқ эди. Барига Норкул қоровулнинг гап-сўзи сабаб бўлганди. Чолнинг галига қараганда, Чўнгалла ўта баттол жондор эмиш, айна шу йиртқич унинг изидан тушганмиш, вақтида олдини олмаса бўғизлаб кетармиш. Унинг касири бошқаларга ҳам уриши мумкин эмиш. Бўри сабаб, улар орасида қаттиққина гап-сўз бўлиб ўтганди.

Норкул қоровул қишлоққа келиб воқеадан хабар топган, тўғри унинг уйига борди. Уйдан топмай, дўқондан дарақлайди. Эшақдан тушмай, унга дейди:

— Сен, йигит, кўп бетамиз иш қилсан-ку, а. Йўлда сен отган жондорнинг шеригини кўрдим. Кўзи қонга тўлган, тинч қўймайди у бизни.

Олқишга кўмилиб ўтирган Салом мерган бу замзамадан ҳайрон бўлади. Ахир чоли тушмагур бошқалардек макташ ўрнига, тўсатдан янмоқда эди-да. Индамаса, ҳаливери чакаги тинадиган эмас, лўйга қориб ташлайдиган чоги бор.

— Ташвишингиз бекор, бобой, - У жилмайишга тиришаркан, кейин бармогини тўппонча янглиғ ўқталиб дейди: - Унинг жазоси битта ўқ-да. Пақ! Тамом- вассалом.

— Отгунингча бутун қишлоқни куйдирмаса деб кўрқаман, - чол жиндек ҳовуридан тушади. - Ҳалиям бўлса отган жондорингни қишлоқдан йўқот. Изиям, исиям қолмасин.

— Ваҳимангиз ўринсиз.

— Жондорга ишинг тушмаганда, ишинг тушганда бунчалар катта гапирмасдинг, - Чолнинг овозига ташвиш нарсади. - Фарамга қандай бораман энди. Турки хунук нарса экан, йўл-пўлда еб қўймаса деб кўрқаман.

— Кўрқсангиз, қаватингизга ит олинг.

— Бизди итлар тезакликкаям арзимамайди, - Чол гудраниб сўкинади. - Бўйиба ўтирмай, ҳадаха даштга чиқ, улгурасан ҳалиям... Қирга кетди. Тошлисойдан борсанг, олдидан кесиб чиқасан. Аммо эҳтиёт бўл, жуда яғриндор нарса экан. Бошиям беўхшов. Жондор эмас, алланимага ўхшаган бир махлуқки, турқидан жонинг товонингга тушиб кетади. Лекин кетиши суст, отингни қамчиласанг, бемалол етасан. Эмасам, тунда тинчлик бермайди у.

Салом мерган у айтган маҳобатли бўрини кўз олдига келтиришга беҳуда тиришаркан, ўртадаги тубида озгина ичимлиги қолган шишага тикилади, кайфдан кўзлари сузилиб ўтирган жўраларига бир-бир разм солади. Оғайнилари лоқайд эди. Уларни на даштдаги бўри қизиқтирарди, на чолнинг жиғибийрон бўлишлари. Қадаҳ сўзи озгида қолган йигитнинг, айниқса, хуноби ошганди. Негаки, чиройли нутқ ирод этиб, Салом мерганни яна бир шишага ийдирай деб турганида, чоли тушмагур халақит берганди-да. Салом мерган туриб кетса, зиёфат чала қолишини билган йигитлардан бири секин тўнғиллади: "Итни жондор тусмоллаб юрган чиқар бу..."

— Кўрганингиз чинданам жондормиди? - деди Салом мерган шеригининг гапини оғзидан илиб. - Ё итни жондор тусмоллаб юрибсизми?

— Шу ёшимда жондорни итдан фарқласам керак?

— Кундузи жондор қишлоққа доримайди-да, шунинг учун...

— Аввал доримасаям энди дорийди.

— Доритмаймиз, бово.

— Сендан сўраб ўтирмайди у.

— Тунда пойлайман.

— Нима, ҳозир борсанг чурранг тушадими.

— Ичганман, қўлим қалтираши мумкин, - Салом мерган ўзи топган баҳонадан қувониб кетди. - Қалтироқ қўл билан жондорнинг изидан тушиб бўлмайди-да.

— Шу қўлинг аввалроқ қалтираса тузук бўларди, - Норкул қоровул тагин газабга минди. - Билиб қўй, жондор молимга зиён етказса, ётиб қолгунимча олишаман сен билан. Отанг раҳматли ошнам эди деб турмайман, қозилашаман. Фарамга ўғри тушсаям сени айбдор қиламан. Сени деб даштда жондорга ем бўлишга тоқатим йўқ, жавоб берасан барига ҳали.

У қоровул чолнинг гапларига кўпда эътибор бермаган бўлса-да, барибир кечга томон юрагига ташвиш оралаган ва ҳар эҳтимолга қарши милтиғини шай қилиб қўйганди.

Чўнгалла ҳовли этагига етиб-етмай, ит уни дарров сезди. Важоҳатли вовуллаши гингшига айланиб, кетини эшикка берди. Сўнг жон талвасасида эшик тирнади. Эгаси ҳовлида пайдо бўлган эса қайтадан ботирланди. Ўзича бир неча одим олға интилган бўлди. Томорқаси адоғида ажал шамшириқ бўлиб турган Чўнгаллани Салом мерган тез илғади. Илғашиб баробар кетма-кет ўқ узди. Аммо тегизолмади.

Ўша тун Салом мерган уйқу юзини кўрмади. Унинг ҳовлисига яқинлашмоқни эвини қилолмаган Чўнгалла сахарга яқин икки уй наридаги кампирнинг қўиларини бўғизлаб кетди.

\*\*\*

Эрталаб қишлоқдан Салом мерган бошлиқ уч отлик чиққанда, Чўнгалла Яғирқояда мунгли бир алфозда чўзилиб ётарди. Тундаги барча ҳаракатлари зое кетганидан жуда аламзада эди у.


Отликлар бошда унинг изидан келишди. Қирга яқин қолганда изни йўқотишди. Тунда музлаган олачалпоқ қор устида бўри изини илғаш мушкул эди.

Чўнгалла қирни тарк этмоқни ёки шу атрофдаги бирор пана-пасткамга яширинмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Сабаби отликларнинг ҳардамхаёл ҳаракатларидан улардаги қатъятсизликни илғаб улгурганди. Бундан ташқари, бўрилар кўринган қорадан қочавермайди. Етган ёки бекинган жойи қулайлигига кўзи етса, яқинлаётган ёхуд ўтиб бораётган қорани кузатмоқни ва сўнг унинг ҳатти-ҳаракатига қараб бирор қарорга келмоқни маъқул кўрадилар.

Чўнгалла дастлаб пинак бузмаган бўлса-да, яроқ хидини туйғач, бирдан хушёр тортиб, теваракка секин кўз кирини ташлаб қўйди. Яғирқоядан бошланадиган чуқур жарлик уни ҳар неки балодан халос эта олади. Жарга энса бўлди, одамзод тугил худосиям топа олмайди. Аммо ҳозирча бунга ҳожат йўқ. Қиргача судралиб келган отликлар тақир ерда янада сусталдилар. Ҳатто минган отларида ҳам бирон бир жўшқин ҳаракатга мойиллик йўқ эди. Одатда, от зоти устидаги чавандозининг руҳиятини тез пайқайди. Шу боис, шўрлик отлар эгаларининг мақсадларини англаёлмай зўр-базўр сургалишарди.

Ҳақиқатда отликлар кишиларнинг қистови билангина даштга ўрлашганди. Тунда қишлоқ оралаган йиртқични учрата олишларини ўйларига ҳам келтиришмасди. Ахир жондор зоти тўнка эмаски, бир жойда кўнқайиб турса. Қордаги алқаш-чалқаш излардан бир нарсани аниқлаш жуда қийин эди. Ўзини уста овчи деб биладиган Салом мерган ҳам бу борада ўта оми эди. Аммо ҳозир у гоят жиддий эди. Юзидаги ҳар бир мўйидан билагонликка даъвогарлик нуқси акс этиб турарди. У ўзи кутмаган ҳолда тўдабошига айланиб қолган боладек, атрофга виқорли назар солиб келаркан, ортидан келаётган шерикларига нималардир дер, гоҳ от бошини тортиб, қир ўнгириларига синчков тикилиб қоларди. У қайси томонга тикилса, шериклари ҳам ўша томонга алангарди. Шу тобда улар кўриланган қорани бўри таҳмин қилишга тайёр эдилар. Қани энди, лаънати йиртқич лоп этиб олдиларидан чиқса-ю, қийқиришиб устга от солишди, етса-етишмаса дашт





бўйлаб бир майдон қувлашса-да, сўнг улфатларига мақтанишса, яъни бирга ўрни қўшиб роса оғиз кўпиртиришса.

Қишлоқ ахли уларни тўзук йигитлар деб билишади ва шу важдан отлантиришганди. Кишилар назарида, улар ўлжа билан қайтмоқлари аниқ эди. Аммо одамлар ишонган бу отликлар бир-бирига мингашиб кетган қирлар қаршисида ожиз қолишганди. Лаънати жондорни қирнинг қайси буржидан қидирмоқ керак? Топишган тақдирдаям тутқич берармикан у? Бироқ қишлоқдан катта оғиз билан чиқишган, қуруқ бормоқ уятдек эди. Энг қизиғи, қишлоқда ҳаммаси жуда осондек эди. Ташқарилаб, мана энди бу юмушнинг гоят душворлигини фахрлаб туришибди. Бу орада Салом мерган шундай бир гап қилдики, оқибат, кўнгилдаги тугун юмшаб, лоқайдлаша бошлаган идрок тийраклашди, эринчоқ нигоҳлар жонланди. Қиртишланмаган яқлар мамнун қашланиб, изгириндан ёрилган лаблар тамшанди. Совуқ кунда қовурдоқ деганлари зап кетишини ичдан ҳис қилишгани сайин, лаблар бот-бот яланди. Ҳолбуки, Салом мерган қовурдоқ ҳақида гапирмади, деди: “Дашт кесиб, Кўхна қишлоққача борамиз-да, бирров Зафарникига кўниб ўтамиз.” Бор гап шу. Аммо шуни яхши билишадими, Зафар деганлари шунчаки кўндирибгина кўя қолмай, яхшилаб меҳмон қилади. Валдираб-шалдираб дунёнинг гурунгини беради.

Салом мерганнинг гапидан сўнг йигитлар мақсадни бутунлай унутишди. Шовқинлаб гаплашмоққа тушдилар. Буни қаранги, бирини Зафарда иши бор экан, яна биридан Зафар жуда хафа эмиш, нега ҳеч келмайсан, деб. Салом мерганнинг гапи эса ҳамманикидан ошиб тушди, юртинг ташвиши деб, буйтиблар совуқда сарсон юрибмиз, истаган хонадонга бош суқиб, бир тишламгина нон емоққа жудаям ҳақимиз бор. Қолган иккаласи бу гапни қизгин маъқулладилар. Лекин тевараққа ҳушёр тикилмоқни бирортаси ўйламади. Чўнгалла эса уларни бамайлихотир кузатиб ётарди.

Отликлар ҳаракатида қатъят зухурланганда, Чўнгалла, табиий, тошлар орасидан пойламоқни йигиштириб, шитобла жарга энган бўларди. Аммо ўзоқлаб кетмасди. Негаки, қишлоқда юраги қолган. Қани энди, шамол бўлса-ю қишлоқ томон елса, Оқёлни қидириб топса, лаб-лунжидан тўйиб-тўйиб яласа, сўнг бирга-бирга дашт бўйлаб изғишса, елса, югуришса... Афсус бу истак йўлидаги тўсиқлар шу қадар серобки, унинг ҳар бирида жонидан айрилиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Чўнгалла олисда қорайиб турган қишлоқ сари шодон жўнашган отликларни кузатиб қоларкан, бирдан жар ичида ҳаракат сезиб, ўша томонга ўғирилди ва кўзи Узунтумшукқа тушди. Унга учта арлоний бўри эргашган, негадир улар орасида тўдабоши Чиноқ кўринмасди. Демак, ўша кунги олишувдан сўнг ҳамон ўзига келолмаган, ё нобуд бўлган. Чўнгалла кўнглига ўтиришгани учун Узунтумшук ўни қидириб келганди. Ўша кунги жангда у, одатдагидек, ўзини бепарво тутган бўлса-да, жанг якунида голибга майлли ибзор этиб, ербағирлаб керишади, қулоқ қоқиб, кўз сузади. Бироқ аллақачон ўз мақсадига эришиб бўлган Чўнгалла унинг “ғамза”ларини жавобсиз қолдириб, Оқёлнинг қаватида қайтади. Ўша кундан буён улар қайтиб учрашмаганди. Мана энди яна юзма-юз туришибди. Аммо дарди дунёси қоп-қоронғи Чўнгалла унинг ташрифини мутлақо ёқтирмади. У Узунтумшукдан кўз узиб, тобора ўзоқлашиб бораётган отликлар томон боқаркан, кет, деган маънода оҳиста ириллаб қўйди. Бироқ Узунтумшук кетмоқни ҳаёлига ҳам келтирмади. Ортидан эргашган бўриларнинг алами ва ғазабини келтириб, қий-шанглаб яқинлашишда давом этди. Орада олисдаги отликларга шунчаки бир қараб қўйди. Одатда, улиқши пайтларида бўрилар ҳушёрликни унутишиб, хийла безбетлашади. Унча-мунча қорадан хайиқишавермайди. Бошқа вақт азалий ва абадийганими ҳисобланмиш одамзодга ҳадик-ла боқадиган жонивор эндиликда анчайин кўз ташлаш билан чекланмоқда эди. Ҳозир унинг бутун ҳаёли Чўнгаллада эди. Арлоний бўрининг рўйхушлик бермаётгани гашига тегаётган бўлса-да, кўнгили майлига бўйсиниб, унинг лаб-лунжини ютоқиб яламоққа тушди.

Чўнгалла бир зумда унинг асирга айланди. Кўзлари ҳузурдан юмилиб, уни Оқёл дея тасаввур қилди. Бироқ ўртадаги тафовут кучли эди. Оқёлнинг суйишу суйкалишларида ноз бўларди. Буниқиди эса очофат бир иштоҳа

мавжуд эди. Айни шу фарқ уни Оқёлни ўрнида тасаввур этмоққа изн бермади. Лаб-лунжи бўйлаб майин эшилаётган қайноқ тилдан тортиб, нафас олишигача бегона эди. Бу бегоналик юрагини ўртаётган ёлғизликдан ҳам даҳшатлироқ эди. Бу даҳшат олдида қир паст, дашт кўримсиз туюлиб, у ўзини беихтиёр четга тортди. Бу ҳол Узунтумшукнинг нафсониятига тегиб, норози гингшиди. Кейин ўзига илҳақ термулиб турган наридаги арлоний бўрилар ўнига қайтди. Чўнгалланинг рашиқини кўзгаш ниятида улардан бирига бориб суйкалди.

Чўнгалла унинг бу қилиғига эътибор ҳам бермади. Дашт томонга ўғирилиб, Оқёлни бағрига яширган қишлоққа ғамгин термулиб қолди. Термулган сари ич-ичини нимадир таталаб, уни қишлоқ сари ундарди. Бироқ Чўнгалланинг айни дамдаги душмани - қўёш еру кўкни нурга тўлдириб фалақда сайр этар, унинг уфққа ёнбошлашига ҳали жуда эрта эди. Соғинчдан ичи гупуриб кетаётган жонивор билан офтобнинг неча пуллик иши бор. Чўнгалла кўкка тумшук чўзиб, ночорлигини нидода ифода этмоқ, яъни юрагини бўшатмоқ истади-ю, бироқ кўзи ургочи бўрининг оч нигоҳига тушгач, бу аҳдидан қайтди. Узунтумшук “ғамза”ли қараш билан, мени ол, деб турарди. Бир неча кун бурун Чўнгалла уни олганди. Бузуқ нафсига ва шунингдек, Чиноққа нисбатан адалсиз адоватига бўйсиниб, Узунтумшукқа яқинлашганди. Унда у кўзига бошқача кўринганди. Негаки, қаватида Оқёл, ҳаётдан кўнгли тўқ эди. Тўқлик уни аҳмоқона ишга ундаганди. Эндиликда эса ёнида Оқёл йўқ, хувиллаган кўнглини Узунтумшук нари турсин, тирикликнинг ўзи ҳам ёритолмасди.

У беихтиёр увлаб юборди. Юрагидаги дардини яшириб ўтирмади. Сўнг эса, худди жин чалгандай, ошиғич бир ҳолатда қишлоқ томон йўртиб қолди. Турган гап, йирткичлар унга эргашмади. Минг доворак бўлма, куппа-кундузи тақир даштда лўқиллаш эси пастликдан ўзга нарса эмаслигини улар яхши билишади. Фақат бир нарсани - Чўнгаллани бу ҳаракатга ундаган сабабнинг моҳияти ҳусусида ҳеч балони билишмасди, аниқроғи, ҳис этишмасди. Айни дамда, унинг бу кетиши арлоний бўрилар учун жуда соз бўлди. Бироқ бу ҳолат Узунтумшукқа ёмон таъсир қилди. Иззат-нафис лат еган ургочи бўрининг юрагида унга нисбатан тушуниқсиз нимадир уйғонганди. Буни нафрат деб бўлмасди. Ҳазабга ҳам яқин йўлмасди. Нафрат аралаш муҳаббатга ўхшаш нимадир эди у. Бу нарса уни Чўнгалла сари ундарди. Шунга қарамай, ҳадик ва эҳтиёткорлик кўнгили майлларидан барибир устун келди. Даштга интилган жойида қайта чўқди. Чўнгалладан кўз узмай тураркан, ўзига суйкалган “хуштор”ларидан бирига қаҳр ила ташланди...

\*\*\*

Оқпанжани далага эргаштириб чиқиб, сўнг уни мавҳ этиш Чўнгалланинг ўйида йўқ эди. Бу ўй тўсатдан миёсига келди.

У Узунтумшукнинг қийшаланглашларини рад этиб, ўша ички гупуришга бўйсуниб, қишлоққа энаркан, қишлоқ этагидаги чоғроққина тутзорда ўзига келади. Бир вақтлар кенг жой, кенг майдонни эгаллаган катта тутзордан шугина қолган бўлиб, у Салом мерганнинг томорқасига анча яқин эди. Бу ердан томорқа-ю ҳовли юзаси яққол кўзга ташланиб турарди. Чўнгалла офтофрўяда чўзилиб ётган итни тез илғади. Оқпанжа деб аталмиш бу жонивор тез орада йўқлик сари йўл олишини билмаган ҳолда баҳузур уйқуни урарди.

Оқёл бор жойда унинг бу тахлит бамайлихотир ётишидан Чўнгалла ажаблангандай бўлди. Ҳар ҳолда йирткичининг фаҳми шунга етди. Бироқ у бундан ўлимни, жудолликни эмас, ночорликка ўхшаш бир мавҳум ҳолатни кўрди. Оқёл ночор аҳволда қолган. Бўри ожиз қолган ерда ит зоти бепарволашади. Аммо итни бу даражада бепарволикка солган ҳолат не экан? Чўнгалланинг бу ҳақдаги бош қотириши ўтган йилги воқеани эслаш билан ниҳояланди, холос. Ўшанда Оқёл Каттажардаги чуқурга тушиб кетганди. Чўнгалла уни қидириб топганда, юқорига сакравериб обдон ҳолдан тойган Оқёл чуқур тубида беҳол, бемажол чўзилиб ётган, каттакон дашт тулкиси уни юқоридан томоша қилиб турган экан. Даштда уларни кўриши билан қорасини ўчирадиган бу айёр жонивор-

нинг ҳатти-ҳаракатида мазахли ифода мавжуд бўлиб, у Оқёлнинг чиранишларини менсимай кузатарди. Чўнгалла тулкини қулаб юбориб, чуқур лабига келаркан, Оқёлнинг сичқондан хароб ҳолдалигини кўрди. Жуфтнинг тепасига ўлим соя солиб турарди. Чуқурга тушиб нобуд бўлган жониворларни у ҳаётида кўп кўргани боис, дастлаб нима қиларини билмай довдираб қолди. Сўнг фингшиганча чуқур лабини айлана бошлади. Оқёлни юқорига ундаб ириллади. Унинг амрига бўйсинган Оқёлнинг навбатдаги сакраши одатдагидек қулаб тушиб билан якунланди. Чўнгалла ночор теваракка кўз солди. Дашт гамгин, қирлар хўмрайган, кўкда ўлаксахўр куш пайдо бўлган, адирликда бояги тулки пилдираб кетиб борар, нишоблиқдан унга қарши яна бир тулки тушиб келар... қисқаси, тириклик чуқурда қолган Оқёлни унутган ҳолда ўз майлида давом этар, Оқёл эса тирикликнинг кенг қаноти-га илашмоқ ниятида тепага ирғишлар, аммо барча ҳаракатлари бесамар кетмоқда эди.

Чўнгалла қора қидириб, чуқур лабида ўралашаркан, нажотнинг ўзи бўй кўрсатгандай бўлди. Оёғи остидаги тупроқ кўчиб, чуқур лаби ўпирилиб тушди. Чўнгалла идрокли жонивор, нажот йўлини тез фаҳмлади ва ўткир тирноқларини юмшоқ ерга ботириб, чуқурга тупроқ соча бошлади. Ҳар ирғишлаганда чуқур қирғоғига етиб-етмай гурсиллаб қулаб тушаётган Оқёл ишнинг бу ёғини осонгина эплади. У енгил бир сакраш билан чуқурдан қутулиб чиқди.

Чўнгалла унинг ҳозирги ҳолатини ҳам шунга яқинроқ бир ҳол деб биларди. Оқёлнинг жонсизлигини хаёлига келтирмаган қўйи Салом мерганнинг ҳовлисига умидвор тикиларкан, бир сас эшитиш умидида қулогини динг қилди. Бу орада беқарор ел унинг ҳидини итнинг димоғига олиб борди. Бўри исини сезган Оқпанжа ўрнидан сапчиб турганча, жон-жаҳди билан хурмоққа тушди. Унга қўшни итлар жўр бўлди. Итлар овозидан дашта олган Оқпанжа хиёл олға силжиди. Қаватида улкан малла ит пайдо бўлгач, унинг дадиллиги янада ошди. Бироқ бу ҳали хужумга ўтади дегани эмасди. Хужумга ўтмоқ учун итлар жамланмоғи ва улар орасидан дадилроғи бошлаб бермоғи лозим эди.

Чўнгалланинг чекинмоқдан ўзга иложи қолмаганди. У итлардан кўз узмаган қўйи, ергағирлаб изига буриларкан, бирдан Оқпанжа тимсолида қаршисида улкан тўсиқ мавжудлигини англаб етгандай бўлди. Оқпанжа тирик экан, у ҳеч қачон Оқёлга етолмайди. Негаки, итнинг эгаси бор, эгасининг эса узокдан аямай қачиб оладиган яроғи бор. Яроққа дуч келмаслиги учун у биринчи галда итнинг овозини ўчирмоғи керак. У тутзорга киришга улгурмай, жамланган итлар ура от қўйдилар. Чўнгалла тутзордан отилиб чиқиб, кенг даштада ўқдек учиб бораркан, кўз қирида ортига кўз солди ва изидан саккиз чоғли ит тушганини кўрди. Оқпанжа энг олдинда, орқароқда малла келарди. Шунда Чўнгалланинг кўнглига шумлик оралади. Думини чотиға қисиб, ўзини кўрққанга солди. Бу эса итларни янада илҳомлантириб юборди. Чўнгалла, кўзи ортда, югуришда давом этаркан, энг бошда шитобла елиб келаётган Оқпанжанинг ҳар бир ҳаракатини синчков кузатиб борди. Кўнглидаги режасини амалга оширмоққа ҳали сал эрта эди. Итларни янада қутиртирмоқ учун у орада бир-икки мункиб ҳам олди. Бунга сари итлар баттар жазавога минар, ҳатто қаттиқроқ шамол турса, қўрқувдан эгасининг қўйнига кириб кетадиган "Кўнғироқ" лақабли шумшук ит ҳам унинг жонини олмоқ умидида югуриб келарди.

Чўнгалла бўриларча қулди ва ҳаракатини сал секинлатди. Оқпанжанинг қувиб етишига имкон ярата бошлади. Ана у оппоқ панжалари остидан нам тупроқ сочиб тобора яқинлашиб келмоқда. Унинг ҳадиги малла итдан эди. Агар итлар тенглашса, ўйлаган режасини амалга ошириш мушкул кечарди. Бахтига Оқпанжа янада тезлашиб, итлардан анча илгарилаб кетди ва бир муддатдан сўнг Чўнгалланинг нақ яғриниға оғиз солди. Бироқ тиши рақибининг яғриниға етмай, ўзининг бўйни бўрининг даҳшатли жағлари орасига тушиб қолди.

Бу иш шу қадар тез содир бўлдики, не синоат юз берганини на Оқпанжа, на бошқа итлар англай олди.

Чўнгалла шўрлик Оқпанжанинг жасадини даштада қолдириб, илгарилашда давом этаркан, порақанда бўлиб қолган итларга қиё ҳам боқмади. Даштни ўқдек кесиб ўтиб,

қирлар бағрида кўздан ғойиб бўлди.

\*\*\*

Тунда Чўнгалла томорқа этагида пайдо бўлганида, Салом мерган мўла панасида совуқдан дийдираб ўтирарди. У бу кеча қандай бўлмасин Чўнгаллани отиб ўлдириш ниятида ёнарди. Нега деганда, унинг бошига қутилмаганда жуда катта мукофот қўйилганди. Бу мукофотни қўйларидан ажраб қолган кампирнинг ўғли таклиф этганди. Бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул тушиб, ҳар ким ўзича нимадир атаган ва йиғилажак бу маблағга бутун бошли болали сигир сотиб олиш мумкин эди. Билмаган одам бу қадар яқдилликдан қойил қолмоғи тайин. Аслида эса воқеа ўзга йўсинда юз берганди.

Даштдан қуруқ қайтган уч отлик гузарда тўпланишган кишилар қошида хижолатомуз гувраниб туришаркан, кечки изгиринли ҳавода таъна-ю кесатиклар қанот қоқа бошлаганди. Оғзига кучи етган, етмаган уларни нордон сўзлар билан сийламоққа уринаётган бир пайтда, кампирнинг ўғли ғалати гап қилиб, барчанинг диққатини ўзига тортади. Даставвал унинг гапини ҳазил деб билишади. Кейин бундай қарашсаки, у сира ҳазил қилаётгани йўқ. Туман марказида ўртача лавозимда ишловчи бу банд ҳазилхузилдан анча йироқ эди. Буни тасдиқлагандай, у қайта таъкидлади: "Гап шу, ўша жондорни қўлга туширган одам мукофотнинг каттасини мендан олади". Ойда бир-икки қорасини кўрсатадиган бу кимсанинг гапи йиғилганларнинг иззат-нафсига теккандай бўлди. Ким ўзи бу, намунача каттазанглик қилади, нима унда бор пул бизда йўқми?! Шунда кимдир деди: "Мендан битта қўй!". Уни бошқа биров қувватлади. Кейин яна кимдир... Хуллас, мукофот тайин этилгач, кишилар Салом мерганга юзланишди. Қишлоқнинг кўзга суртган бирдан-бир овчиси шу бўлгач, яна кимдан умид қилишсин. Аммо Салом мерган ҳовлиқмади. У ҳануз мукофотга ишонмай турар ва шу боис, таранг қилган киши бўлди. Бироқ кампирнинг ўғли, ҳамир учидан патир, дея қўлига пул тутқазгач, юзи ошган ҳамирдай ёйилиб, дарров рози бўла қолди.

Тунда пойламоққа итининг ўлими ҳам сабаб бўлганди. Итининг ўлимидан ҳам кўра кеча тунда ҳовлисиға танда қўйган бўрининг кундузи ҳам ҳеч нарсадан ҳайикмай келиши уни ташвишга солиб қўйганди. Аёлининг гапига қараганда, боши сўпоқдек, жуда хунук жондор эмиш. Демак, тундаги бўрилиги аниқ. Шунга қарамай, агар мукофотнинг дарағи бўлмаганида, бу ташвишлар тунда уни ташқарига чиқишига мажбур этолмасди. Кўриши лозим бўлган ягона чораси, яроғини ҳозирлаб қўйиш билан чекланарди, холос. "Салом мерган" деган номи бўлгани билан тулкилардан бошқасига ақли етавермасди. Шу боис, Чўнгалланинг бу қадар тиришқоклигидан жуда таажжубда эди. Ҳаётида жониворларни кам отмаган, аммо бирорта жонивор жуфтини қидириб келганини эслаёлмади. Тўғри, боласи ўғирланган бўрилар жуда тажовузкор келармиш. Боласини қидириб, қишлоқнинг энка-тинкасини чиқариб юборармиш. Аммо жуфтини қидириб келиш... Йўқ, бу жондор эмас, нақ алвастининг ўзи. Кўнгли сезиб турибди, бугун ҳам у албатта келади.

У оёғи остидаги шишадан озгина ароқ хўпларкан, ичимлик деганлари бошдан оларкану, лекин баданини сира иситмаслигини сезгандай бўлди. Ароқни тунда ҳамроҳ бўлади деган умидда дўкондан сотиб олган ва аёлига, итимнинг хунини олмасдан қўймайман, деган эса-да, аслида дарди пул эди. Мукофотнинг салмоғи унга тинчлик бермай қўйганди. Бунинг устига, обрўйни айтмайсиз. Иримкаш одамлар уни қуруқ қўйишмайди, жондорнинг тирноқларини таллашиб, унинг чўнтагини қоппайтиришди, худди кечагидай. Бу эса мукофот устига мукофот дегани.

Оёғидан совуқ ўтиб, бир хаёли уйига кириб исиниб чиқмоқчи ҳам бўлди. Бироқ бу қилиғи овнинг таомилига тўғри келмаслиги учун бир амаллаб ўзини тийди. Негаки, ўлжаси яқиндир, узокдир, кимирлашини тез пайқайди. Кейин яқин йўлаб бўпти у.

У ичимлик хўпламоқдан наф йўқлигини сезгач, яримланган шишани ерга қўйди. Ва сўнг бирдан пистирмага нега мўлагаи танлаганига ҳайрон бўлди. Ахир молхона биқинидаги фарам орасига кириб олмоқ ҳам мумкин-ку. У гоҳ Оқёлнинг тулупи сақланаётган омбортомга, гоҳ фарам

томонга боқаркан, ўзининг соддалигидан қулди. Кейин қўлидаги милтиқни елкасига осиб, оёғи остидаги шишага қўл узатди. Фарамгача бўлган масофа бир неча одим бўлса-да, гўё кенг даштда кетаётгандек, эгилиб одимлади. Фарам орасига бамисоли шарпадек сирғалиб кираркан, муздек шиша кафтига ёқмаётгандек, негадир уни кўзига яқинлаштирди ва уят бўлса-да, аниқ бир ҳақиқатни идрок этди. Салом мерган чўчиётганди. Шисхани йўлдош тутишдан мақсад шу эди. Ахир у яхшигина иримчи, овда деярли ичмайди. Аммо ҳозир шиша қўлидан тушмай қолганди. Баҳонасиям зўр, баданни иситади. Баданни ароқ эмас, ҳаракат иситади. Бироқ ҳозир ҳаракат қилмоқнинг мутлақо имкони йўқ. У ички бир сезги билан Чўнгалланинг истаган пайтда келиб қолишини аниқ ҳис этиб турарди. Қўлида яроғи бўлса-да, нечундир у чўчиётган эди. Чўнгалла шунчаки бўри эмас, балки алвастига ошнадек эди. Алвастига ошна бўлмаганида, тун қолиб куппа-кундузи кўрасига қадам ранжида қилишга ботинмасди. Итини осонгина ўлдириб кетолмасди. Боз устига, қанжигининг тулупи унинг омбортомида сақланаётганини билишини қаранг. Жондор эмас, алвасти у.

Ваҳимали ўйлар исканжасида қолган Салом мерган беихтиёр шисхани оғзига олиб борди. Ўзининг журъатсизлигидан ўкингандай чуқур хўрсиниб, ўткир суюқликни лўқиллатиб ютди. Иссиқ уйда, юмшоқ тўшақда маза қилиб уйқуни ураётган одамларга ҳаваси келди. Кейин, тентак бўлсам керак-да, буйтиб ўтирибман, деган хаёлга борди. Совуқ ва кутиш азоби шу қадар забтига олмоқда эди-ки, у мукофотни ҳам унута бошлаганди. Бугун кундузи унинг изидан тузукроқ тушмаганидан ўкинмоқда эди. Изига тушгани билан бўри зотини қўлга киритиш осон эмаслигини билиб турса-да, яқнаш жон койитишмаганидан ҳаҳланмоқда эди.

Бугун кундузи улар Зафарнинг уйи томон йўл олишаркан, ҳар бири йўл бўйи тевараққа аланглаб борган, ўзларича бурини қидиришган. Аслида эса бир-бирини алдашган ва буни ўзлари ҳам сезиб туришган. Зафарнинг иссиққина меҳмонхонасига жойлашишгач, буриниям, кишилар олдидаги ваъдасиниям унутишган. Зафар уларга эски қадрдон, борини аямайди. У келса, булар ҳам борини тўкиб солишади. Қўй чалмаси билан қиздирилган печкага оёқ узатган Салом мерган, манглайи терлаб, гурунгни уйини куйдирган. Тотли гурунг мазали қовурдоққа қоришиб, бугун улар жуда хузур қилишганди...

Энди эса ёлғиз ўзи бўри пойламоқда. Анову иккиси эса хотинларининг кучоғида маза қилиб уйқуни уришмоқда. Мукофотни эшитиб ҳам қилт этишмади. Билишадикки, бу юмуш қўлларидан келмайди.

Салом мерган томорқа адоғига синчков тикилиб қолди. Назарида, нимадир лип этгандай бўлди. Бироқ шунча тикилса-да, бирон жонни илғаши қийин кўчди. Бу сафар жуда ҳушёр бўлмоқ лозим. Бўри хуркитилса, яна қишлоқ оралаши ва кимларнидир қўйини бўғизлаб кетиши мумкин. У сергак тортиб, шишадан ароқ хўплади.

Чўнгалла яроқ ва одам ҳидини узоқданоқ пайқаган ва оқибат, томорқа адоғида олға босмоқни звини тополмай турарди. Уни ҳайикди деб бўлмасди. Жониворларга хос эҳтиёткорлик вазидан тараддулланиб қолганди. Бунинг устига, аҳмоқ эмас, қаршисида ажал пайт пойлаётганини сезиб турарди. У ажалнинг шакл-шамойилини ҳидлар воситиси ила тасавурида тиклашга минг уринса-да, унинг бу чираниши кўз ўнгидаги манзарадан нарига ўтмади. Қаршисида худди совуқдан жунжиккандай, мунгайган бир неча бино, пичан ғарами, узунчоқ кўра ва гўнгуепа турарди-ки, ажал шарпаси ушбу манзаранинг қай бир буржиги биқинганди. Аммо у ерда ажал шарпасидан таш-

қари, жуфти ҳалоли бўлмиш Оқёл бор эдиким, Чўнгалла эсини йўқотар даражада ўша томонга интилар, ажал шарпаси эса ўнинг кўксидан итарарди.

Чўнгалла, соғинч ҳисси юрагини қанчалик бурдаламасин, олға интилишдан тийилиб, чўнқайди. Чўнқайганда ҳам қордан ҳоли ерни топиб чўқди. Қорсиз ерда қорани илғаш қийин-да. У шу ҳолатда ҳовлини узоқ кузатди. Бунда кўзидан ҳам кўра, кўпроқ тумшуғи ишлади.

Бошқа вақт ҳовлидаги хавфни илғаши билан етти чақирим нари қочган бўларди. Бироқ ҳозир кетолмасди. Оқёлни тарк эттиш жуда оғир эди унга. Чўнгалланинг ядини илғаб-илғамай тураркан, бир ҳолдан ҳайрон эди. Оқёл нечун сукутда? Тутқундаги бўри ўзига кўмак келаётганини сезса, шундай бир ишоралар қиладики, ҳавонинг тебранишиданоқ ҳар икки томоннинг мақсади ойдинлашди.

Бу сукунатни у Оқёлнинг одатдаги инжиқлиги деб билди. Инжиқлиги тутса, Оқёл жуда ёмонлашарди. Дуч келган ерда чўзилиб ётиб оларди-да, Чўнгалланинг ядини ёлвориларига мутлақо парво қилмасди. Бунақа кезларда Чўнгалла деганларнинг юраги тарс ёрилиб кетай дерди. Оқёлнинг арази битгунча бошида чўнқайиб ўтирарди.

Оқёлнинг элас-элас этиб келаётган иси димоғини қитиклагани сайин Чўнгалла ҳушёрликини унута бошлади. Унинг журъати ортиб, беихтиёр олға силжимоққа тушди. Ажал шарпасини гўё писанд қилмай қўйди. Бу сиртдан шундай эди. Аслида эса ажал кутқуси билан қадамбақадам олишган кўйи олға босарди. Ажал ҳиди димоғини ёрар даражада бурқирарди. Оқёлнинг тотли ва қадрли иси бу ҳид остида кўмилиб кетмоқда эди.

У бамисоли соядай олдинга жилар экан, ташрифидан кўрадаги жониворлар оғоҳ бўлишганини тез фаҳмлади. Эшак кўркувдан хиққиллаб, сигир безовта пишқирди. Юраги чиқиб кетган қўйлар бурчакка йиғилиб, ер депсинди. Қисқаси, кўрада сассиз даҳшат кўпти.

Чўнгалла бу талотўпга эътибор бермай, Оқёлнинг исига эргашди. Оқёлнинг ҳиди ғарамдан наридаги омбортомдан келарди. Ўртадаги ғарамни айланаб ўтиши билан Оқёлга рўпара келадигандек, қадамини тезлатди ва инсон ҳамда милтиқнинг қоришиқ ўткир бўйини янада яқинроқдан сезди. Бу энди муқаррар ажал дегани эди. У буни тўла идрок этгунча бўлмай, пичан шитирилаб, қора бир қўланканинг ошиққанамо довдираш ҳолати сезилди. Фарам биқинидан ажралган қўланка ўзини диеярилай йўқотиб қўйганди. Унинг айни шу довдираши Чўнгалланинг жонига ора кирди. Ошиғич узилган ўқ жониворнинг яғрини ялаб ўтди.

Чўнгалла шаталоқ отиб, шундай бир қочиш қилдики, бир зумда даштнинг ўртасига етганини сезмай қолди. У тўхтаркан, изига қайрилиб, олисда қолиб кетган ғарам томонга адоватли тикилди. Назарида, Оқёлни тутиб турган номаълум куч айни шу ғарам ортига яширингандек эди. У чекинишни хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда ғарамга узоқ тикилиб қоларкан, чакаги очилган итларнинг акиллаши-ю, ўчиб-ёнган чирокларнинг липиллашларига лоқайд эди. Негаки, у Оқёл биқинган жойини топгандек эди. Энди қайси томонга ва қай йўсинда ҳаракат қилмоқни аниқ биларди. Уни энди на кўра, на бошқа бинолар чалғита олади. Неки гап, бари ғарам ортида эди.

Ўзига жуда сирли туюлаётган ғарамни қоралаб йўлга тушганда, қишлоқ итлари тинчиган, булутлар орасига кириб-чиқиб турган ой олачалпоқ далани хира ёритар, узоқ-яқиндан улиққан бўриларнинг овози қулоққа чалинарди...

*(Давоми келгуси сонда)*

Хусниддин ШАРИПОВ

# Фикр ришталари туташган дамда...

## Оғрик

Хом сут эмиб ўсар қайси бир банда,  
Бошқаси жон олар худди тандирдан.  
Лекин барчаси ҳам жўшиб кетганда,  
“Қурбонинг бўлай” деб юборар бирдан.  
Қурбон қилгувчилар куттирмас узоқ,  
Саҳнага айланар узоқ-яқинлар.  
Талаш бўлган сари майдонда улоқ,  
Яйрашар, ҳай-ҳайлаб томошабинлар.  
Хатто камтаргина “кишту мот” ўйин  
Бағри безовтадир бамисли вулқон.  
Бунда ҳам чиройли синалар ўйин,  
Фақат гўзал бўлса берилган қурбон.  
Асли, сўлмоқ учун туғилмайди ой,  
Гулга гулзор керак, балиққа - дарё.  
Фил шоҳнинг ёнидан излаганда жой,  
Пиёда қилади фарзинлик даъво.  
Энди, хўш, тақдирнинг тинглаб ҳукмини,  
Ҳаққидан кечсинми сипоҳ гунг ва лол:  
Куймоқ бўлсин дерми рух ўз тухмини,  
Қази бўлмоқ эса отга ҳам малол!  
Қаранг, баҳс ўтида қайнар қозонлар,  
Дил ҳам таскин излаб, турмас четроқда.  
Ёғоч доналар ва қонталаш жонлар  
Аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқда.  
Тўғри, жисм борки, қилар ҳаракат,  
Чарх урар жонзоднинг семиз-ориғи.  
Лекин қурбонларга маълумдир фақат  
Парвозда қулаган жоннинг оғриғи.  
Шунча йил ғалвирлаб дунёни, наҳот  
Ажрата олмаймиз асли ва аксин?  
Ким жавоб беради:

ўйинми, ҳаёт,

Ўйин - ҳаётми ё?

Билганлар айтсин...

## ШАҒОҚАТ

Баъзан неварамга ўйин ўргатиб,  
“Чўчима, жигарим, дадил юр” дейман.  
“Шартта қурбон бериб, қопқон ўрнатиб,  
фарзинни ур” дейман,

“Рухни ур” дейман.

Тасир-тусир қилиб доналар дарров,  
Тахтанинг чангини кўкка чиқарар.  
Ҳай-ҳай, шу тариқа қизиб турса ов,  
Кўшинни бир пасда йўққа чиқарар.  
Ногоҳ бола қўли қотар ҳавода,  
Кўзида кўраман нелар ўйлашин:  
“Опоғ, -дер, - ур-йиқит шартми дунёда,  
Кўйинг, яшайверсин, келинг, ўйнасин...”  
Эҳ, бўтам, ўлжа деб излаганда бахт,  
Ўрмонга кирилар қуролни ўқлаб.  
Кўнгилчан кишилар ҳар ерда, ҳар вақт  
Қийналиб яшашган бувангга ўхшаб.

## ҚАЛБДАТИ ТОШЛАР

Энтикар баҳсларнинг запитдан одам,  
Оёғи остида замин чайқалиб.  
Рақиб ютуғини тушда кўрса ҳам,  
Сочи тикка бўлиб уйғонар ҳариф.  
Яшар у соатнинг милига қараб  
Ва лекин сезмагай фасл ўзгарса.  
Умри ўтаверар ғалаба сўраб,  
Кўзига кўринмас бошқа ҳеч нарса.  
Ютса,

унга етар киши йўқ худди,

Кулгуси жимликни қилади чил-чил.  
Лекин ютқизса ҳам бурқимас дуди,  
Лабидан аримас кулги ва ҳазил.  
Унга маъқулроқдир

бу совуқ сирдан

Беҳабар яшаса дўсту элати.  
Шунда хаёлимга телевизордан  
Муқом қилаётган балиқ келади.  
Биласиз, балиқда бўлмагай забон,  
Мавж аро

бесадо қоқар у қанот.

Бирдан,

фонограмма қўйилган замон,  
Экранда бошланар ўзгача ҳаёт:  
Оҳиста туғилса самовий оҳанг  
Ва заррин шуълалар ёғса борлиқдан,

Балиқлар,  
муҳитда яшнаб ранго-ранг,  
Мастона куйлашар бахтиёрликдан.  
Нурда чарх уришар фариштасимон,  
Гуёки рақс тушар хурлар жаннатда!..  
Фақат жаннат эмас, ерда ҳам инсон  
Дардини ютмоққа ҳақли албатта.  
Қафасда қийналар аммо эҳтирос,  
Ништардек, жон аро тўлғона бошлар.  
Бир оз очилса-ю,  
нур тегса бир оз,  
Эриб кетармиди қалбдаги тошлар...

### ЎЗ ҲАҚИМДА

— Келинг, бир ўйнаймиз, - дейди Баҳодир.  
— Ўйнамайман, - десам, боқади ҳайрон.  
Унингча, на жасур ва на даҳодир  
Шоҳмотдан бебахра яшаган инсон.  
Боланинг гапида жон бор, албатта,  
Лекин, ўз-ўзимни айласам сўроқ,  
Шеърятдан ўзга касбу санъатда  
Менга ишқибозлик ёқади кўпроқ.  
Ҳа, ҳа, томошани кўраман афзал,  
Гарчи ўйнашга ҳам ақлим етади.  
Кишилар  
кўпинча  
ўйлаган маҳал  
Чинакам чиройли бўлиб кетади.  
Мен шу гўзалликни севаман мангу,  
Аҳдим такрорлайман, дуодек, минг бор.  
Қувончлар изидан югураман-ку,  
Дарду заҳматдан ҳам қочмайман зинҳор.  
Негаки, рақиб ҳам туғинар ўртоқ  
Фикр ришталари туташган дамда.  
Шоҳмотчи мияси қисирлаган чоғ  
Акс-садо туғилар менинг миямда.  
Ғиди-бидиларнинг калавасидан  
Чиқолмай,  
не жонлар инграр бетоқат.  
Мен эса бировлар ғалабасидан  
Қувониб яшашни қилганман олат.  
Тўлиб турган бўлса шодликнинг жоми,  
Тошириб юборгай менинг бир томчим.  
Дўстлар, қораймасин мағлубнинг шоми,  
Етсин ниятига голиб илҳомчим.  
Яна фил тебранар, сўлиқ чайнар от,  
Ҳали олдиндадир йўлнинг кўп қисми.  
Нима деб эсларкин қачондир шоҳмот,  
Шеърят нима деб эсларкин бизни...



Исмоил ШОМУРОДОВ

# ИККИ ИЗКУВАР

Қисса\*

\*\*\*

Тўракул аканинг уйида, ўзи айтгандай "майда-чуйда ишлар" билан шуғулланиб юрдим. Бу айтишгагина осон экан. Биринчидан маънан эзилиб кетасан, иккинчидан молнинг остини тозалаш, уларни боқиб келиш, қашлашдан тортиб, ҳовлини сугоришгача бўлган ишларнинг барчаси менинг зиммамга юклатиб қўйилди. Тўракул ака деганлари уйда кам бўлади, бўлганда ҳам супачада бойнинг кучугидай ётиволиб, менинг ишларимдан камчилик кидириб, тўғрилаб ўтиради. Бақириб-чақириб ётмайди-ку, бироқ юмшоқлик билан шундай гапирадикки, чимчилаб олгандай бўлади.

Ўзимга ўзимнинг раҳмим келади, куйиниб кетаман. Фақат Насибанинг борлигигина мени бу уйда ушлаб турарди. Бир кун келиб бу қиз мени қаттиқ севиб қолиши мумкинлигига ишонардим, тўғрироғи умид қилардим. Шу умид билан жимгина юраверардимки, бунинг натижасида нафақат Тўракул аканинг, балки кўни-кўшнилари билан менга нисбатан ҳурмати, агар шуни ҳурмат деб атаб бўлса, орта борди. Бўш қолган пайтларим, Тўракул ака битта-яримта кўшнисига мени овқатлантириш эвазига ишлатиш учун бериб юборадиган одат чиқарди. Буларнинг барчасига индамай чидашга мажбур эдим. Бу қишлоқдагилар мен ва Устозни текин хизматкорлар сифатида кўра бошладилар. Бизлар ўзимизнинг бу қилиқларимиз билан Колянинг бозорини касодга учратаётгандик. Қишлоқда пайдо бўлишимиз шусиз ҳам бозори юришмаётган мардикорчиликка жиддий салбий таъсир кўрсатди. Чандир қишлоғидаги бутун бошли мардикорчилик институтининг ёрқин вакили ва ягона ишчиси ҳисобланган Коляга бўлган талаб сусайиб, унинг нархи пасайиб кетди. Буни биз унинг пўнғиллашларидан англадик. Одамлар унга вино олиб бермай кўяётганди.

Вазият шу даражагача бориб етдики, одамлар бизда ҳам ҳис-туйғу, кўнгил деган нарсалар мавжуд бўлиши мумкинлигига ишонмай қўйдилар. Чунки биз улар билан берилиб, чин кўнгилдан гаплашмасдик, ахир қанча кўп гаплашсак, шунча кўп сирларимиз очилиб, бизга нисбатан шунча ишончсизлик пайдо бўлмоқда эди. Шунинг учун ўзларимизни жиддий, совуққон ва камгап кишилардай тутишдан ўзга чорамиз йўқ эди. Бу эса бизларга фақат ишчи кучи сифатида қараш кайфиятини юзага келтирганди. Капиталист расво кишилар, деб ўргатишганди, аммо имконият туғилди дегунча бунақалар ўзимизда ҳам кўпаяркан. Улар олдимизда ҳар қандай сирларини ҳам иккиланмай, ўйлаб ўтирмай гапирардилар. Назарида биз роботлар эдик – фақат ишлашимиз керагу, ҳеч қандай ўзга нарсалар билан ишимиз йўқдай. Фақат, Коля билан учрашиб қолган пайтларимиздагина берилиб, дилдан сўхбатлашиб қоламиз. Одамлар унга ҳам биздек муносабатда бўладилар чамаси, қишлоқнинг барча сирларини билади. Оқизмай-томизмай бизга ҳикоя қилиб беришни ёқтиради.

Устоз билан тез-тез учрашиб тураимиз. Мен молларни боқиш учун қирга ҳайдаб кетар эканман, атайлаб Мақсуднинг уйи ёнидан ўтаман. Устоз бўлса, бу пайтда пишиллаб ё лой қилаётган, ёки ҳовлидан пойдеворга қўйиш учун тош териб юрган бўлади. Уни, айтишига қараганда,

\*Журнал варианты (Охири. Боши ўтган сонларда)

Замира опа жуда ҳайрат билан қабул қилган, бироқ эрига сездирмаган.

Илк бор мени кўрганда, Замира опа, Устоздан эшитган, шу ерда юрганимдан хабари бўлишига қарамай, ҳайрон бўлиб қолди. Назаримда унга менинг ўзимдан кўра, коп-қора соқолим таъсир қилган бўлса керак. Кейин саломлашди, ичкарига кириб кетди. Мақсуд шу ўртада ўралашиб юрган экан.

Бўш қолдим дегунча, Устознинг олдига югурадиган одат чиқардим. У ҳам пайт пойлаб, менинг ёнимга келиб туради. Ахир бу кишлокда таниганимиз ҳам, ишонганимиз ҳам иккаламиз-да. Шундай пайтларда Устоз ўзимнинг акамдай кадрдон бўлиб кетади. Ҳатто у билан авваллари бўладигандек бахslashмай ҳам кўйдим. У нима деса мен, мен нима десам у дарров кўнади. Ҳатто қанчалар дангаса, ишёқмас бўлмайлик (буни энди тан олиш мумкин, шаҳарда унчалар сезилмас эди) бир-биримизнинг ишларимизга ёрдам бериб турадиган одат ҳам чиқаргандик. Ўтириб-ўтириб, иккаламизга ҳам алам қилиб кетади. Нима учун бизлар ҳовлиқиб мана шу ишларни қилишимиз, яна тезроқ тугасин, деган ўйда бир-биримизга ёрдамлашимиз ҳам керак?

Мақсуд мени танимагани, шунга қарамай, мен имкон қадар унга яқинлашмасликка ҳаракат қилардим. Ва умуман бу инсонни мен негандир йўқ нарсадай ҳис қилардим, уни жиддий инсон сифатида қабул ҳам қилмасдим.

Шундай қилиб секин-асталик билан кейинги ҳолатимизга ҳам кўниқиб бормоқда эдик.

Бир кун борсам Устоз тиржайиб турибди. Танноз қизлардек орқасини у ёқ-бу ёққа буриб қўяди. Олдиниға унинг бу қилиғи моҳиятини унчалар ҳам тушунавермадим.

- Қандай? - деди у кўзлари билан пастга ишора қилиб.

- Нима қандай? - саволнинг мазмунини тўғри тушунамагани сабабли бироз жаҳлим чиқди. - Менга нимани кўрсатаяпсиз?

Яхшилаб разм солсам оч жигаранг жинси шим кийиб олган.

- Раззоқ бова айтгандай, қарилка йўрғалик қилиб, нималарни кийиб олдингиз? - унинг бу кўриниши менга ёқмади. - Кийинишдан бурун ойнага қараб олсангиз яхши бўлармиди.

- Қўявер, текинга тушди. Мақсуднинг эскиси. Замира кеча олиб берди. - Устоз қўллари билан шимини сийпалаб қўйди. - Эски шимим умуман яроқсиз бўлиб қолганди. Чалпак йиртиб ташлаган жойлари бошқатдан сўтраб кетаяпти. У билан уйга қайтадиган бўлсак пәпәсининг болалари дайдилар муассасасига қамаб қўйишлари аниқ. Буниси эса ҳар ҳолда модний.

- Ҳой-ҳой шим дейсизда, бўлмаса. - Кесатдим мен. - Қуллук бўлсин ва буюрсин. Эгаси киймаганларини ҳам сиз кийинг.

Иккаламиз сўрашиб бўлганимиздан кейин, роса чарчаган эмасмизми бултур каллакланган, янги новдалари узун бўлиб қолган толнинг соясига, кўчанинг четига, ариқ лабида, моллар томонидан чимдиб кетилган ажриқлар устига, осмонга қараб, чалқанча ётиб олдик.

- Ҳўш, - дедим мен чўзиб. - Ниҳоят ниятингизга етдингиз. Қузатилиши лозим бўлган одамни топдингиз, энди бу ёғи нима бўлади? Энди қандай ҳаракат қиламиз?

Менинг саволим Устозни чўчитиб юборди, бошини кўтарганча атрофга аланг-жаланг қилиб, яна бошини жойига қўйди:

- Секинроқ гапирсанг-чи, галварс, биров эшитиб қолиши мумкин.

- Ким ўлиб турибди шу иссиқда сизнинг оғзингизни пойлайман деб. Ҳозир ҳамма ўзини бирор сояга уриб, бемалол хурракни отаяпти. Сизнинг бир пайлар жиноят-қидирувда ишлаганингиз билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, хаёлига келмайди, - дедим бамайлихотир. - Сизнинг гапингизни анави кадрдон қари сигирдан ўзга ҳеч ким тинглаётгани йўқ.

Мақсудга кимдир қари сигирини совға қилган экан, бу ҳақда Устоз ўтган куни менга мароқ билан ҳикоя қилиб берганди. У бу унча қизиқ бўлмаган, айтиш лозим, бетаинроқ ҳикояни Замира опадан эшитган бўлса керак,

шунинг учун ҳам, у жувон билан гаплашганини мақташ учун менга олдин унинг ҳикоясини айтаяпти, деган хулосага боргандим, тўғри бўлиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам унга бахтсиз сигирни қандай қилиб бу хонадонда пайдо бўлиб қолганини Замира опа айтиб берган экан. Воқеа куйидагича бўлган: Мақсуд шаҳарда юрган пайтларида узокроқ бир танишига қандайдир яхшилик қилган, у эса вақтида қайтаролмапти, шунинг эвазига сигирини совға қилибди. Мен учун Мақсуднинг бирор кишига яхшилик қилгани анча шубҳали бўлиб туюлди, афт-ангорига қараганда у бунақа нарсага қодир эмасга ўхшарди. Бундан ташқари, у қанақа яхшилик бўлдики, эвазига бирор нарса берилиши талаб қилинадиган бўлса? Демак бу сигир порага берилган. Менинг бу хулосам Устозга жуда ёқмади. "Эсинг жойидами, - деди у кулиб (у бу ерга келиб, ўлганини куниданми, кулишни одат қилиб олганди), - бу молни пора дейишга қандай тилинг борди? Суяқларини қара, қовурғасини бемалол санаса ҳам бўлади-ку". Унинг хулоса қилиш услуби мени ҳайратга солади. Фикрича сигир ориқ бўлса, порага бериб бўлмасмиш. Замондан орқада қолган одам. Ҳатто ориқлар пора ҳам олаятти-ку.

Ишқилиб, ушбу сигир масаласи каминани икки кун қийнаб юрди. Аммо нисбатан аҳволим анча енгил эди. Чунки мендан фарқли ўлароқ Устозни масала эмас, балки сигирнинг ўзи қийнарди. Бу ярамас шунчалик даражада қаригандики, бир ётса, биров кўтариб қўймаса, турмасдан икки кун ҳам ётавераркан. Устознинг асосий вазифаларидан бири кунига тўрт марта шу сигирни кўтариб турғазиб қўйишдан иборат бўлиб қолган.

Ҳозир ҳам ўша сигирга яқин жойда иккаламиз думалаб ётардик. Бизга шундан яхшироқ жой тегмасди.

- Назаримда буларнинг нимадир, биз билмайдиган сирли ишлари бор, - деди Устоз шивирлаб. - Уйга ҳар хил машиналар, одамлар келиб турибди. Кишлокнинг, бу ернинг одамларига ўхшамайди. Жуда олифталариям кўп.

- Сизни бу ерга нима учун юборишганди? - унинг гапларидан ҳайрон бўлдим. - Ҳар ҳолда анави қари сигирни боқиш учун эмас. Агар шундай деб ўйлаётган бўлсангиз, адашасиз. Шундай экан, ишингизни қилингда. Уларнинг кимлигини аниқланг.

Менинг гапим Устознинг иззат-нафсига тегди:

- Ўзингни нимага юборишган, Тўракулнинг молини боқиб, қизини пойлаш учунми?

- Мен у ёқдан сизни ҳимоя қилиб турибман, вазифам шундан иборат. Ҳар кимнинг ўз бурчи бор, аралаштириб юборманг. - Индамасам Устоз ҳамма ишни зиммамга ортиб қўядиган. Шусиз ҳам Тўракулнинг бутун рўзғори юмушлари менга юкланган. Ҳалиям Насиба инсоф қилиб турибди, бўлмаса қозон-товоқ ювиш ҳам ўзимга қолиб кетадиган. Бу ерда эса Устоз ҳам нималаргадир шаъма қилаяпти. - Сиз фoш бўлсангиз, ишга мен киришаман.

Менинг гапим Устознинг кулгусини қистадими ёки истеҳзо қилдими, тиржайди:

- Ўзингни фронт ортида, немисларнинг ичида юргандай тутасанки, эшитиб турган одамнинг териси чумоли юргандай жимирлаб кетади. Болалигимизда немислар тўғрисидаги уруш киноларда шунақа гап-сўзлар бўларди. Биз ўз ватанимизда юрганимизни унутма.

- Сиз ҳам ҳозиргина ўғрилиққа тушгандай атрофга аланг-жаланг қилаётганингизни эсдан чиқарманг... Барибир нимадир қилишимиз керак. Қишгача шу юртларда қолиб кетгудек бўлсак, бизни нариги томондагилар, нафақасиз ишдан ҳайдаб юборишади. Бу ердагилар ҳам ортиқча меҳнат кучига эҳтиёж қолмаганлиги сабабли кўчага қувишадиган. Ана унда ҳазилдан эмас, ҳақиқатан ҳам мардикорчилик билан шуғулланишга тўғри келади. Менга эса бу жудаям ёқаётгани йўқ.

- Ҳа, - деди Устоз бирдан жиддий тортиб. Менинг гапларим, ўзимни ҳайрон қолдирган бир ҳолда, унинг кўнглида аллақандай нозик ҳисларни кўзгатиб юборганди. - Ҳаракат қилишимиз керак. Бизнинг бу ётишимизда оқибати яхшилик билан тугайдиганга ўхшамайди. Мен... Устоз бирдан жим бўлиб қолди.

- Ҳа? Нима сиз?

- Айтмай кўя қолай. Ҳаммаси яхши тугайдиган бўлса, кейин биларсан.



- Раззоқ бова айтганларидай, отилмаган сопқон ҳам бошга, ҳам кетга тегади. Шунинг учун ичингиздагини айтиб қолганингиз маъқул. Эртага бирор қор-қол бўлса, мендан сўрашади, нима қилмоқчи эди, қайларга бормоқчиди, деган саволларга жавоб беришимга тўғри келади. У киши махфийлик тартибига риоя этишни яхши кўрардилар. Шунинг учун ҳеч нарса билмайман, деб турадиган бўлсам, сизга ҳам, менга яхши бўлмайди... Хафа бўлманг-ку, воқеанинг қайноқ нуқтасида сиз иш олиб бораяпсиз. Шунинг учун ҳам сизга нисбатан хавф қорироқ.

- Майли... - Устоз рози бўлди. — Қисқаси мен яқинда буларнинг уйини тинтувдан ўтказмоқчиман.

- Прокурордан санкция керакми? - хайрон бўлдим мен.

- Қанақа санкция? - Устоз афтини буриштирди. - Уйда ҳеч ким йўқлигини пойлаб туриб, тинтиб чиқмоқчиман. Буларнинг уйларида бизни қизиқтирадиган ва воқеаларга ойдинлик киритадиган нимадир бор, кўнглим сезиб турибди. Ҳозир ҳам ҳеч ким йўқ-ку уйда, лекин журъат етишмай турибди. Кўрқаяпман.

- Бирор режангиз бўлса дангал айтинг, қилайлик-да, шахарга қайтайлик. Бу ерда ҳеч ким бўлиб, бировларнинг эшигида малайлик қилиб юравериш жонимга тега бошлади. Ҳўш, нима қиламиз бундан кейинига? Агар ҳаракат қилмайдиган бўлсак, яна бир йилдан кейин ҳам ҳеч вақони билмай юраверамиз.

- Эҳтимол, ҳозирнинг ўзида тинтувга киришармиз? - Устоз негадир бирдан илҳомланиб кетди. - Мен ташқарида, ўтган-қайтганни кузатиб тураман, сен бирпасда ичкарини кўздан кечириб чиқасан.

Индамасам, Устоз мени тўғри жиноят кўчасига бошлаб, ўзи чеккада қолиб кетадиган.

- Ким айтади сизни, ҳуқуқшунос деган дипломи бор, олий маълумотли инсон деб. Айтиб ўтирган гапингизничи. Биринчидан, тинтув қилган билан қотилликка алоқадор қанақа далилий ашё топишимиз мумкин унинг уйдан? Ахир биз нимани қидиришимизни, нима кераклигини ўзимиз ҳам билмаймиз-ку. Иккинчидан эса шу тинтувимиз билан тўғридан-тўғри қамоққа тушишимиз ҳам мумкин. Бу томонларда бизни ҳеч ким танимайди ва ҳимоя ҳам қилмайди. Яхшиси мен йўғимда ўзингиз секин-аста бир бошдан кузатиб чиқанингиз дуруст. Кўлга тушиб қолганингизда ҳам, уйни тозалаётган эдим деб қутилмасиз. Қутилолмай қолган тақдирингизда ҳам якка ўзингизга, биласиз, энгилроқ модда қўйишади. Жиноий гуруҳ бўлмайди.

Менинг далилларим Устозни ўз режасидан қайтарди, чамаси, кўзларини юмганича чалқанча ётиб олди. Унинг аҳволини жуда яхши тушуниб турардим. Киноларда, китобларда изкуварлар жиноятни аниқ бир мақсад йўлида иш олиб бориб, мураккаб тугунларни ҳам оддий мантиқнинг хулосалари билан тезда ечиб ташлайверадилар. Уларнинг олдида ҳеч қачон энди нима қилиш керак, қай томонга юриш ва ишни қандай олиб бориш керак, деган масала кўндаланг бўлиб турмайди, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверади. Бизда эса негадир унақа бўлмаяпти. Омадимиз юришмаётганди. Бунинг устига воқеаларнинг ичига араллашиб, йўқолиб кетаётгандек эдик. Ҳодисаларни чеккадан кузатиш. Хулоса қилиш бошқаю, уларнинг ичида, бевосита иштирокчи бўлиш бошқа экан. Бошларимиз деворга урилиб бундан буёғига нима иш қилишимиз лозимлигини ҳам билмай, гаранг бўлиб турардик. Албатта, индамай, оғизни очиб ўтираверсак ҳам ҳаётнинг ўзи бир йўлга бошқаради, бироқ қаёққа қараб ва қачон?

\*\*\*

Шу куни кечга бориб, қоронғу тушиб, молларни оғилга боғлаб, овқатланиш учун ўтирганимда Устоз кучук қувгандай ҳовлиқиб келиб қолди.

Одатда Тўракул ака бўлмаганида унинг ўн тўрт ёшли орик, найнов ўғли билан овқатланардим. Бу хонадоннинг аёллари бизга умуман аралашмас, ҳатто гаплашиш ҳам ўта расмий ва совуқ бир тарзда кечарди. Фақат Насибанига ҳеч ким бўлмаган пайтда олдимга келиб, нималарнидир сўрар, аланг-жаланг қилиб нималар хусусидадир гаплашар, кўпроқ ўтмишим билан қизиқарди. Унинг

бу борадаги саволлари мени жуда ноқулай аҳволга солиб қўйиши боис, жуда уятчан йигит, деб ўйларди. Ҳеч қачон унинг дийдорига, гапларига тўймаганман, ҳамма вақт ниманидир айтаман, тўйиб юзига қараб оламан, дейманку, нимадир халақиб беради. Авваламбор ўзимни жуда ўнғайсиз ҳис этавераман, кейин қимдир албатта келиб қолади ва шусиз ҳам ҳар доим орамиздаги масофа тўрт одимдан яқин бўлмаслигига қарамай, Насиба "майли" дейдию, бурилиб кетиб қолади. У билан кўпинча овқат олиб келганда ёки сайисхонада молларни бойлаётган пайтимда учрашиб қоламан. Назаримда у ҳам молларни ҳайдаб келишимни қутиб тургандай, дарвозадан "мўйў" деган овоз келиши билан сигир соғадиган кичик челагини кўтариб чиқади. Мен бу бефаросат, бефаҳм молларни бир бир ушлаб, шохларига ипларини солиб, боғлаб қўйганимча бир чеккада индамайгина термулиб тураверади. Шундай пайтларда юрагим ёрилиб кетай дейди. Кейинги пайтларда фақат шу ўй билангина яшаётгандим: қачон кеч бўларкану, моларни ушлаб, бойлашимни томоша қилиб турган Насибани кўрар эканман? Айнан шу интиқлик натижасида, ўзимизнинг асосий ишимиз хусусида ҳам ўйламай қўйгандим. Устознинг олдида борганда кўриниш қилиш учун хизмат ҳақида гапираману, аслида эса ҳаёлим бошқа томонда бўлади ва гапираётган гапларимнинг асл моҳиятини тўлиқ англамайман.

Бугун ҳам, кечки овқатни Тўракулнинг ўғли билан баҳам кўриб ўтириб, ҳаёлимдан Насибанинг энгилгина табассумини ўтказиб, ҳаётнинг нақадар гўзаллиги хусусида ўй суриб ўтирганимда ҳовлиқиб Устоз кириб келиб қолди. Унинг башарасидан сездимки, нимадир муҳим гап топиб келган. Бироқ ҳеч нарса ни тушунмайдиган Тўракулнинг ўғли - Самар унга ўтиришни манзират қилиб, овқатланишда давом этверди.

Бу уйда ҳар куни макарон пишириларкан. Бизда ҳам шундай-ку, бироқ бундаги овқатнинг ўзига хос томони - Насибанинг қўлида ҳар бир макароннинг тирилиб кетиши. Бизда улар пачоқ бўлиб, шалпайиб қолишарди. Насибаники эса диркиллаб туради. Қошиқдан тушиб қочиб кетаман, дейди. Бундан ташқари биздаги макаронлар бироз оқ. Буларники эса қоп-қора. Бунинг сабаби хусусида роса ўйладим, ўзимча турли хил хулосалар қилдим. Бирор-бир ақллироқ тўхтамага келмаганимдан сўнг Самардан сўраганим, жавоби жудда оддий экан. Қишлоқда яшовчи бухгалтер - Дилмурод аканинг тегирмонидида бугдой тортиларкан. Қишлоқнинг энди етишиб келаётган ёш бойларидан ҳисобланган Саъдулла бойвачча эса ўз уйида яқинда макарон чиқарадиган цехча очибди. У Дилмурод акадан ун олиб, макарон чиқаришни йўлга қўйиб, қишлоқни шу нарсага бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирапти экан. Шунинг учун ҳам макаронлар қоп-қора чиқаркан.

Шундай қилиб, Устоз тилла топган тентак каби ҳовлиқиб дарвозадан кириб келганида биз Самар иккаламиз Дилмурод аканинг тегирмонидан чиққан унга, Саъдулла бойваччанинг цехида ясалган, Насиба ажойиб қилиб пиширган макаронни еб ўтирардик.

Салом-алиқдан сездимки, Устоз ниманидир айтолмай турибди. Самар эшитиб қолишдан чўчиаяпти.

- Самар, ука, бориб битта қошиқ олиб кел. Дамир аканнинг қорни очга ўхшайди.

У ўрнидан истамайгина туриб, ошхона томон кетганидан сўнг, Устоз гаплари томоғига тикилиб, ютунганча деди:

- Бу Максуд деган тиррақи роса кўрқоқ чиқиб, қолди, ўз қулоғим билан эшитдим, хотинига улар мени ўлдириб қўяди, деб айтди. Ўзим ҳам сезиб тургандим, кейинги пайтларда чумчүк пир этса юраги шир этиб, олазарак бўлиб қолганди. Замирани сиқувга олгандим, у ҳам эрининг қимандир кўрқаётганини айтди.

- Энди... - ўзимнинг ақлли гапларим билан Устозга бир-икки насиҳат қилишга чоғлангандим, Самар келиб қолиб, оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолиб кетди. - Шунақа денг... Шундай дейсиз-да? Аммо ғалати, жуда ғалати...

Нима дейишимни билмасдим, Самар бизнинг суҳбатимиз тўсатдан узилиб қолганлигини пайқамасин, деб ўзимга ўзим нималарнидир гапира туриб, шароитни ўнглаш йўлини қидираётган, гапни давом эттириб кета-

веришни ўйлаётгандим. Бу хонадонда менга, менинг сямимийлигимга, тўғрилигимга нисбатан ҳеч кимда озроқчина бўлса-да шубҳа пайдо бўлишини истамасдим.

- ... Аммо шу сигирингиз анча-мунчани кўриб қўйганга ўхшайди, — ниҳоят пешин пайти ёнимизда эринибгина қавш қайтариб ётган қари сигирни эслаб қолдим. — Нигоҳларидан шу нарсани англадим. Фамгинга боқиб турибди... Аммо унинг бу туришидан қандайдир, маълум хулосаларга борса бўлади.

Устоз менинг гапларимга анқайиб, макарондан бир-икки қошиқ олдию, қорни очлигига қарамай, бас қилди. Унинг иштаҳаси бўғилиб қолганди. Зиёд аканинг қорни очлигини билишимки, Мақсуд анча хасис одамлардан экан. Мен-ку бу ерда кунда, кун аро макарон еб тураман, уларникида эса картошка, пиёз ва болгар қалампери солинган аллақандай овқат пишириларкан. Бунинг отини "пиёва" дейишаркан. Шунда мен Раззоқ бованинг "ичган ошим пиёва, кўрган куним хунова" деган гапининг биринчи қисмини сал-пал тушуниб ётдим. Иккинчи қисмини эса "хунова" деган сўзнинг асл маъносини билмаслигим боис ҳали тўлиқ англаганим йўқ. Аммо ҳозирдан аниқ айтишим мумкин, у ҳам бир нарсани ифода қилади. Ахир машойихлар бекордан бекорга гапиришмайдилар-да. Бундан ташқари бу ерликларнинг яна бир ажойиб овқати бор экан. Оти ҳам қизик — ўрдак шўрва. Илк бор эшитган пайтимда, оғзимдан сўлагим оқиб, иштаҳам кўзгаб, ўтиролмай қолгандим. Энди эса ушбу овқатнинг исмини эшитсам, тўрт девор наридан қочишга ҳаракат қиламан. Номии жуда жарангдор бўлишига қарамай, мен чимхўр бўлмасамда, унчалик ёқмади. Лекин пиширилиши жуда осон экан: олдин катта товоққа қотиб қолган нон тўғралади, унинг устига топилганича сариеғ солинади, кўк пиёздан имкон қадар кўпроқ тўғралади. Буларнинг барчасини устига иштаҳага қараб, у қанчалар қарнай бўлса, шунча кўп, қайноқ сув солинади. Қараб-сизки, ўрдакшўрва тайёр. Лекин бу овқатни аёллар қилмайди, фақат эркакларнинг қўлидан келар экан бунақаси.

Биз Самар иккаламиз бир-биримиздан қизганиб, макаронни паққос еб бўлганимиздан кейин, Устоз кетманга тушиб қолди. Сездим, ўтиролмаяпти, Замира опа пишириб турган пиёванни соғингани йўқ. Уни кузатиб ташқарига чиқдим ва биз бемалол гаплашиб олиш имкониятига эга бўлдик.

Лекин бундан тайинли натижа чиқмади. Мақсуднинг ёқасидан олиб, сен галварс нимадан кўрқаясан ўзи? — деб бўлмаса. Ҳар ҳолда милиция орқасига тушгани учунгина бунчалар чўчимаса керак.

Зиёд ака кетди. Афтидан бу тарзда, бировнинг юмушини қилиб юравериш унинг жониға тегиб бўлганди ва ишни тезлаштириб, бўладиганини бўлдириб, бўлмай-диганини бир чеккада қолдириб, уйга қайтгиси келиб қолганди. Менинг ҳам кетгим келиб турибди.

\*\*\*

Кейинги пайтларда Мақсуд мени ҳам ўзининг уйига олиб-келиб олишга ҳаракат қилаётганлигини англаб қолдим. Тўракул ака билан бу борада зимдан музокара олиб бораётган экан. Буни Насибадан эшитиб қолдим.

Мен бу ранги заҳил бош бухгалтерни сира тушунмадим. Эртадан кечгача уйига беркиниб ётади. Имкон борича бошқаларга аралашмасликка, ҳатто ўз қариндош-уруғлариникига ҳам бормасликка ҳаракат қилади. Улар ҳам буниқига келамиз деб ўлиб тургани йўқ, чамаси. Секин-аста суриштириб билсам, у шаҳарлик қизга — Замирага уйланганлиги учун ўлишлари билан ораси бузилган экан. Шаҳардаги уй Замиранинг отасидан қолганлиги сабабли ҳам, унинг ичкўёв бўлишини акалари исташмаган. Кейин, бир-икки марта қидириб борганларида Замира опа ҳам уларнинг кўнглидагидай кутиб олманганлар чамаси, жуда қаттиқ хафа бўлишган.

Зиёд ака билан бу одамови Мақсуднинг ҳаракатларини муҳокама қилгандим, тайинли гап ололмадим. Ўзи шундай бўлиб туғилган, шундайлигига ўлиб кетса керак, деган пурмаъно фикр билдирди, холос.

Менинг назаримда эса Мақсуд нимадандир жуда чўчиб юрарди. Одамларнинг кўзига тик қаролмагани ўз йўлига, кейинги пайтларда маст кишига ўхшаб, бошини осил-

тириб, қилаётган ишларини ҳам унча назорат қилолмаётганди. Биз уни нашаванд бўлиб қолганлиқда гумонлаётгандик, ва бу тўғри ҳам бўлса керак. Бироқ ундаги кўркунинг сабаби бунда эмас-ку. Қотиллиқда айбланаётганлиги ҳам унга бунчалар ваҳимага тушиб қолишга сабаб бўлмаслиги лозим. Агар милиция топанан, деса уни ерининг остидан ҳам ушлаб олиб кетиши мумкин. У буни жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳолат бунчалар чўчитмаслиги керак, қолаверса унинг нурсиз кўзларига бир-икки боқиб, мен уларда аллақандай ўзга нарсани, озодлик ва тутқинлик эмас, ҳаёт ва мамот масаласини кўргандай бўлдим.

Бу ҳақда Устозга айтгандим, устимдан қулди. Ёки Раззоқ бова кўрққанга қўша кўринади, деганларига ўхшаб бунга милиционерлар ажалдай кўриниб ётибдимикими?


Бу орада биз ўзимизнинг асосий "вазифаларимиз"ни ҳам бажаришни унутганимиз йўқ. Зиёд ака ўзининг "хўжайини" — Мақсудникида, мен эса ўзимникида қундалик юмушларни бажариб юрардик. Ҳатто бу ишларга кўникиб ҳам улгурдик. Менинг бахтимга Тўракул аканинг уйидаги ҳаммом қурилиши тўхтаб қолганди. Шу сабабли мол боқиб, уларнинг остини тозалаш ва бошқа майда-чуйда ишлар билан шугулланардим. Зиёд акага эса худо бериб қолди: Мақсуднинг калласида қайдандир девор қуриш гоёси пайдо бўлиб қолдию, қурилиш бошлаб юборди. Уйининг ёнини ўраб олишга киришди. Уч кун бетон қуйганда, устознинг бурни билан олайган кўзлари қолди, холос. Ундан кейин акамиз хом гишт қўйишга киришдилар. Мақсуд зах хонасига беркиниб ётган бир пайтда, бир ўзи етим боладек лой қорийди, пишитади, кейин эса қолипга қўйиб, тўкиб келади. Зиёд аканинг "хўжайини" нима бўлса ҳам тезроқ деворни битириб олиш иштиёқи билан ёнарди. Бир-икки марта мени ҳам хашарга айтди, бироқ Тўракул ака "ўзимизда ҳам иш кўп", деганча бермади. Мен бундан хурсанд бўлдим. Тўракул акага керак бўлганим учун эмас, хасис Мақсуднинг қўлига тушиб қолганим учун. Раззоқ бованинг "бир кунга хўкўз ўлмас, икки кунга эгаси бермас" деган гапига тўлиқ амал қилган ҳолда, жонимни чиқариб юборарди.

Устоз мен ўйлагандан кўра чидамлироқ чиқиб қолди. Олдига бориб қолган кезларимда ҳаётдан нолиб кетишга қарамай, гишларни пишиқ-пухта қуяяпти, қочиб кетиш ҳақида гап ҳам бўлаётгани йўқ. Бўйнидан арқон солиб ишлашгаётгандай, индамай лой қорийверади. Шундай пайтларда унинг шаҳардаги юришлари кўз ўнгимга келиб, кулиб юборишдан ўзимни зўрга тийиб қоламан. Одам деганлари ҳам қўйга ўхшаган нарса бўлади-да, эмасам, шу инсонга нима зарур бировнинг уйига келиб, лой қориб, гишт қўйиш. Бунинг устига текинга. Бир умр шугулланиб кўрмаган иши бўлса, ёши ҳам бир жойга бориб қолган. Шаҳарда кўрсангиз савлатидан от хурқади. Жиноятчилар бунинг олдида қалтираб қолишарди. Бу ерда эса ҳатто анави Мақсуд ҳам Устознинг устидан қулгандай, масҳара қилгандай, берадиган бир коса пиёвасига ишониб, шуни миннат қилиб, бу одамга кунига беш юзта гишт қўйиш топширигини берган. Буям шунга бўйсунди. Шаҳарда бўлганимизда-ку бунақа топшириқ берувчи капиталистларнинг кунини кўрсатиб қўйган бўлардику, бироқ бу ерда чидашдан ўзга чораси йўқ-да.

Яна бир кўнглим, булар бизнинг кимлигимизни билганлари ҳолда, устимиздан масҳара қилиш учун шунақа топшириқларни беришмаяптимикин, деган хавотирга ҳам бориб қоламан. Манави гишлар, мол боқиш, буларнинг барчаси жиддий одам қиладиган иш эмас.

Иккаламиз икки уйда, бировнинг малайлигини қилиб юриш билангина чекланиб қолаётганимиз йўқ. Биз бу даражада содда ва анқов йигитлар эмасмиз. Мен Тўракул аканинг (бизга унчалар аҳамияти йўқ-ку, Раззоқ бова бекордан худо безор, дегандай), у ёқда Устоз Мақсуднинг ҳовлисида кечаётган жараёнларни кузатиш билан овворамиз. Тўғриси айтганда шу пайтга қадар шубҳалироқ бирор нарса аниқланмади-ку, бироқ буларнинг ўзларини туттиши кундан кунга гумонларимизни оширса оширмоқдаки, пасайтиргани йўқ. Ҳар кун тушлик пайтида, бошқалар уйкуга кирганда мен Устознинг ёнига ҳасратлашгани ва олинган ахборотларни муҳокама қилгани бораман.





Зиёд ака кўп ахборотларни Колядан олиб турарди. Бу одам қишлоқнинг барча икир-чикиридан хабари бор, барчани беш панжадай билади. Ундаги ахборотларнинг аксарияти қишлоқ аҳлининг ўзида ҳам йўқ. Шунинг учун чандирликлар унга Даракчи, деб лақаб қўйиб олишган. У билганларини одамларга айтиб юришни хуш кўради. Зеро бошқалар учун унинг гапларини қизиги йўқ. Кўпинча кулгу учунгина эшитадилар холос.

- Тўрақулни хотини пичакни мойга чўмилтириб-чўмилтириб олади. Шарипни хотини пичакни қозонга ёғ солмай пиширади, отини жупқа дейди, — деганга ўхшаш гапларни айтиб юридики, қишлоқ аҳли учун бу гаплар кулгудан ўзга нарса эмас.

Устоз эса буни дарров таҳлил қилиб кетади: демак Шарип бечора камбағал экан ва уйда анчадан буён ёғ ҳам йўқка ўхшайди.

Бироз беғам, ҳайбарақаллачи ва лаққи бўлган Коля Устоз учун чексиз ахборот манбаи ҳисобланади.

Устоз Мақсуднинг орқасидан кузатишга қаттиқ киришганди. Назаримда у бола-чақаларини жуда соғинган ва уйига кетгиси келиб қолганди. Кейинги пайтларда унинг хусусиятида ўзгаришлар бўлаётганди, негадир жуда жиддийлашиб бормоқда эди. Кўпинча бир нуқтага тикилганча, хаёлга берилиб кетадики, кўзларнинг олдида қўлларимни ўйнатсам-да, сезмайди. Туртиб ўзига келтирмасам, ўтираверади. Хатто Замира опанинг ҳар куни кўриб туриши ҳам унга тасалли бермаётганди, чамаси. Лекин бу жувонни ҳақиқатан севиб қолгандики, у ҳақда кўп гапиришни хушламаса-да, қачонки шу исм оғзидан чиқса, доддираб, ўзини йўқотиб қўяди. Илк бор муҳаббатга дуч келган саккизинчи синфнинг ўспиринига ўхшайди бу хусусияти. Бу борада бир-икки марта кулгу қилмоқчи бўлудим, ярашмади - Зиёд ака бир олайиб қарадики, қайтиб бу ҳақда гапирмайдиган бўлдим.

Буларнинг иккаллари ораларидаги муносабатларни ўла қолсам фаҳмига етмасдим. Аллақандай совуқ ва сирли. Улар бир-бирлари билан очик-ойдин гаплашиб туришганларини кўрганим йўқ. Бунга қачон улгуришадилар, билмайман, лекин Устоз ундан олган ахборотлари билан онда-сонда ўртоқлашиб қолади. Шу жувондан шубҳаланаётганлигимни бир марта Устозга билдирганим, қатъий равишда инкор қилди ва тусмолни йўққа чиқардики, у Замира опага ўзига ишонгандай ишонар ва сотқинлик қилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни хаёлига ҳам келтиролмасди.

Мақсуд ва Замира опанинг турмушлари қандай ке-чаётганликлари тўғрисида эса умуман тушунчага эга эмасдим. Негадир улар бир-бирларига шунчалар бегона ки-шилардай туюлишардиларки, кўпинча Мақсуд Замира опанинг эри эканлигини ҳам унутиб қўярдим. Бу борада бир-икки марта қовун туширишимга оз қолган. Устознинг хушёрлиги ва ўз вақтида мени тўхтатиб қолганлиги туфайли ҳолат пичокбозликкача бориб етмай, вақтида якун топган. Хатто Мақсуд биз иккаламиз нега бундай бир-биримизга олайиб қолганимизни, чимчилашга тушганимизни тушунолмаган. Менимча у мардикорлар учун бир-бирларини чимчилаш одатий ҳол бўлса керак, деб ўйлаб, эътибор бергани йўқ. Тўғри-да, умрида бирор марта катталиқ қилиб, уйда мардикор ишлатмаган бўлса уларнинг хусусиятини қайдан ҳам билсин. Айни пайтда бизлар нима қилмайлик, барчасини табиий нарса деб қабул қилмоқда. Аслини олганда бизларнинг ўзимиз-да мардикорчилик қандай бўлиши тўғрисида аниқ бир та-саввурга эга эмасмиз. Кўпинча Колядан ўзини туттишидан нусха кўчиришга ҳаракат қиламиз, бироқ унчалар ёпишмайди. Унинг бу борада анчагина тажрибаси бор, шунинг учун бўлса керак, ҳар бир гапи, ҳаракати қўйиб қўйгандек табиий чиқади. Бизники эса ёмон артистнинг ўйинига ўхшаб, ёпишмай тураверади.

Менинг кўрққан нарсам эса бир кун келиб Мақсуд хотинини Устоздан рашк қилиб қолиши мумкинлиги. Айни пайтда бундан хавотирланишга асос йўқ-ку, бироқ бир кунмас бир кун шунга ўхшаш фикр келиб чиқиси, аниқ. Замира эса эртадан кечга қадар уйда ўтирса, Устоз ҳам шу ерда ишласа, бунинг устида булар иккаласининг бир-бирларига бўлган муносабатлари гайритабиий. Улар бир-бирлари билан гаплашиб турганини кўрган кишининг кўнглига дастлаб, булар севишишаркан, чамаси, деган

тахмин пайдо бўлади. Улар ортиқча гап-сўз, ҳаракатлар қилмасликларига қарамай, нигоҳлари билдириб қўяди буни. Уларнинг қарашлари ғариб мусичаларникига жуда-жуда ўхшаб кетади. Бунинг сабаби эҳтимол иккаллари ҳам шахрлик бўлганлари ҳолда, қишлоқнинг бу ўнғай-сиз шароитига кўниқолмаётганликларидандир. Эҳтимол дунёнинг бу пучмоғига келиб қолган бу иккаласининг бегона бўлганликлари учун ҳам кўнгиллари яқиндир; шу сабабли севиб қолгандай кўринаётгандир. Нима бўлса ҳам уларнинг бу қарашлари охир-оқибатда яхшилик билан тугамаслиги аниқ. Уларга қўшилиб, ўртада менинг ҳам бошим танамдан жудо бўлмаса гўрғайди. Шундан кўриб, Устозга бир-икки марта насихат қилдим. Бу ишингиз яхши эмас, бировнинг хотинини тинч қўйган дуруст, деган гапларим унга жуда ёмон таъсир қилди.

- Мен қанақа айб иш қилибманки, у сенга ёқмайпти? Бировнинг хотинига ёмонлик қилиб, биров нарса деб-манми, ёки кўпол ҳаракат қилибманми?

Унинг бу ҳақли саволларига жавоб беролмасдим. Ҳақиқатан ҳам у ортиқча бирорта гап ҳам, ҳаракат ҳам қилмасди. Ножуя ҳаракати шу - кўзларини мўлтиратиб, Замира опага термулиб қолиши. Буни эса мен унга сира тушунтириб беролмадим. У ўзининг қарашлари шунчалар ошқора ва ҳиссиётли эканлигини тасаввур ҳам қилол-масди, ўйлардики, менинг кўнглимда кечаётган ўйларни ҳеч ким билмайди, ўқийёлмайди. Аслида эса бу сотқин кўзлари барчасини оқизмай, томизмай айтиб қўярди. Унга эса айнан шуни сира уқтиролмасдим.

- Кўзимни юмиб ўтиришим керакми, энди, кўз бўлгандан кейин қарайди-да, осмонга, ерга, хатто қўшнининг қирчанги эшагига қам қарайди-да. — Унинг ёпишиб олгани шу.

Мен эса бу қайсар инсонга у қўшнининг эшагига бо-шқача, Замира опага эса умуман бошқача кўз билан қара-ётганини сира уқтиролмайман. У шу ҳолатида аквариум-даги баликчага ўхшарди. Уйлайдики, ўз ҳолича сузиб юрибди ва ҳеч ким у қидаётган қилиқларни кўраётгани йўқ. Аслида эса у барча томондан аниқ ва равшан кўри-ниб турибди.

Бир куни Устоз билан Мақсуднинг уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тинтув ўтказдик.

Мен ташқарида кузатиб турдим, Устоз текширди. Ни-ҳоят бир соатлик йўқ бўлиб кетишдан сўнг, ичкаридан ҳовликиб чиқиб келди: ранглари оқариб кетган, кўлари қалтиради. Бироқ нимадандир хурсандлиги ҳам сези-либ турибди.

- Биласанми уйда нимани топдим? - сўради у ме-нинг тирсагимдан олиб чеккага тортар экан. Аслида шу ернинг ўзида ҳам гапираверса бўларди, атрофида ҳеч зог йўқ. Бундан ташқари бу пойдевор билан ўраб қўйил-ган, тупроқ сочилиб ётган жойнинг қайси томони чек-касию, қаери маркази, англаш мушкул. Бу инсондаги оддий одат бўлса керак, сирли гапларни бошқа жойга бориб айтиш. - Эшитсанг, йиқилиб тушасан... Ичкарида, кўнданган уйнинг тоқчасини ўйиб, озроқ героин яши-ришган.

Шу гапларни айтиб, Устоз қойил қилибманми, де-гандек, мендан мақтов кутиб жим бўлиб қолди, менинг эса ҳасаддан ичим куяётганлиги сабабли унинг жахли-ни чиқарганча бироз индамай турдим. Кейин сўрадим:

- Бор-йўғи шуми?

Зиёд ака бундай саволни кутмаганди. Бояги қувон-чидан асар ҳам қолмади. Мега бир олайиб қарадию, ўзи-ни ярим одим орқага олди:

- Тушунмадим, сенга яна нима керак ўзи?

- Нима кераклигини билмайсизми? - дедим мен ўзим-ни совуққон туттишга ҳаракат қилиб, — Қотилликка ало-қадор далилий ашёлар.

Устоз ўзини қўйрага жой тополмай қолди:

- Сен боланинг ҳуши жойидами ўзи? Агар шу жўранг жиноят содир этган тақдирда ҳам бир вилоятдан иккин-чи вилоятга жиноят қуролларини кўтариб юрармиди?

- Бўлмаса сарсон бўлиб, биз бу ерда нима иш қилиб юрибмиз? Ҳар ҳолда Мақсуднинг болаҳонасини қуриб бериш учун келмаган бўлса керак.

Устоз қўл силтаганича ариқ лабига, ажрик устига ўти-риб олди. Мен сал ошириб юборганимни англадим. Би-роқ энди орқага йўл йўқ. Иккаламиз анча пайтгача бир-

биримиздан аразлашиб, индамай сувга термулиб ўтирдик. Устоз сувга тупроқ бўлган қўлларини чайиб, чанг шимини қоқди. Бу ҳаракатларидан унга негадир раҳим келди – катта, жиддий бир одамнинг уйни бурчагида чўккалаб олиб, тупроқ қовлаб ўтиргани қизиқ кўринган бўлса керак.

- Шунга энди нима қиламиз дейсиз? – сўрадим ниҳоят бўғиқ овозда.

- Билмасам, - Устоз елка қисди. – Бошим қотиб қолди.

\*\*\*

Шу воқеадан сўнг орадан икки кун ўтиб ҳам, биз иккаламиз нима қилишимиз лозимлигини билмасдик. Китобда изқувлар бир пасда, фикр қилиб, жиноятларни очиб ташлайверадилар, ҳаётда эса бироз бошқача – тайёр, аниқ бўлиб турган жиноятни исботлаб бергунча ҳам эсинг оғиб кетади. Қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, ҳаётдаги жиноятчилар жиноят устида қўлидан тутиб олсанг кўзингга бақрайиб, ҳаммасини ҳам рад этиб тураверадик, асабларинг ўйнаб кетади.

Бу иш бўйича маслаҳат солайлик десак, бирор-бир ишончли, аллироқ кишини билмаймиз, буйруғини бажариш учун эса бошлигимиз йўқ. Аслида ҳамма ишни бошлиқнинг топшириги билан қилиб ёмон ўрганган эканмиз, ўзимизча бирор-бир нарсани аниқ ва ақлли тарзда ҳал этолмайдиган бўлиб қолибмиз. Мен Устозга соламан, Устоз менга, оқибатда эса ишимиз ўнгидан келмай, бундан кейин нима қилишимиз лозимлигини билмай, ҳайрон бўлиб ўтираверамиз. Бу орада эса вақт кетиб бормоқда эди.

Мақсуднинг нашаванд эканлиги энди аниқ бўлганди. Аммо унинг қотилликка алоқаси борми, йўқми, шунга билмасдик. Бундан ташқари Мақсудни ушлаб берадиган бўлсак буни қай тарзда амалга оширишимиз лозим, ақлимиз етмайди. Қочиб кетиб, бошлигимиз орқали чиқадиган бўлсак, булар шубҳаланиб, барча жиноят изларини йўқотиб юборишлари аниқ, ана унда гирт аҳмоққа чиқиб қоламиз. Агар бевосита ўзларимиз шу ернинг милицияларига мурожаат қиладиган бўлсак, бизнинг гапимизга ким ишонади?

Шунга ўхшаш минглаб ўй-хаёллар билан биримиз мол боқиш, уларнинг остини тозалаш, биримиз эса гишт қўйиш билан банд эдик. Иккаламиз ҳам ҳеч нарсани билмагандай, ақовсираб юрардик.

Биз бу ерда ёлғизланиб қолгандик ва ўзимизнинг ишхонамиз, бошлигимиз билан алоқамиз умуман узилганди. Улар билан алоқа ўрнатай десак бу худо нунутган ерларда на телефон бор, на почта. Қудуққа тушиб кетган кишидай, ёнимиздан бирор-бир қўтқарувчининг ўтиб қолиши ва у бизнинг бақирғимизни эшитишни умид қилиб, ягона Худога суяниб, ўзимизча ҳаракат қилишга мажбур эдик. Туман марказига тушиб, алоқа ўрнатай десак, биринчидан “хўжайинлардан” жавоб тегмаяпти. Иккинчидан эса буларнинг шубҳага боришларини истамасдик. Қолаверса туман марказида бизларни хавфли жиноятчилар сифатида қидиришаётган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Айнан шу сабаб туфайли ҳам милицияга бориб мурожаат қилолмасдикки, улар дабдурустан бизни қамаб қўйишлари аниқ. Бундан ташқари, ким биланди, милициядагилар ишониммай, бизларни бу томонларга ким эканлигимизни овоза қилиб юборишса борми, шунча тоат-ибодатимиз чиппакак чиқади. Мана шу сабаблар туфайли индамайгина, охириги соатни кутиб, керакли ахборотларни йиғиб ўтиришдан ўзга чорамиз йўқ эди. Устоз томонидан Мақсуднинг жинойи ишларга аралашиб юрганлиги аниқлангандан сўнг, орқага қайтайлик, шу ёғи ҳам етади, деб таклиф қилгандим, у кўнмади. Асосий вазифамиз – Мақсуднинг қотилликка алоқаси борми, йўқлигини аниқлаганимиз йўқ эмиш, шусиз эса ҳеч қаерга кemasлигимиз лозим экан. Мен унга бу топшириқ аслида бизнинг устимиздан кулиш учун берилганини, астида ҳеч қандай жиддий асоси йўқлигини тушунтиромқчи бўлгандим, Устоз ўзига хос қайсарлик билан билганидан қайтмади. Усиз эса мен ҳеч қаерга кетолмасдим.

Бир кун қутилмаган воқеа юз берди: қишлоққа аллақандай бегона кишилар келиб, Мақсудни, у яшайдиган

уйни сўрашибди. Одамлар кузатиб туришса, улар Мақсуднинг уйига келиб, уйни бир айланиб, машиналарига ўтириб қайтиб кетибдилар. Бу ерни қишлоқ дейишда – ҳеч бир гап изсиз қолиб кетмайди. Тезда бу ҳам одамлар орасида ўралаб кетди. Энг қутилмагани эса, бунга Мақсуднинг муносабати бўлди: у биров келиб бўғизлайдигандай, ранглари оқариб, талвасага тушиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бу ўртада ҳовлиқиб, шунча хасислигига қарамай, кечки овқатимни бериш шарти билан мени кечаси унинг уйида ётиш учун олиб келадиган бўлди. Биз, Зиёд ака иккаламиз уйнинг ёнидаги ҳали битмаган девор ёнидаги супачада, эски тўшакларда ётамиз (шошилиб келганликлари сабабли ҳам, назаримда шу тўшакларнида яқинларидан олган бўлса керак), улар эру хотин ичкарида ухлашади. Чалпак эса бизнинг пойимизда мудраб чиқади.

Одатдагидай Мақсуднинг чала битган уйи ёнида ухлаб ётгандик. Бу пайтга келиб, қишлоқда Мақсуднинг уйини бегона кишилар сўраб келибди, деган гаплар бироз пасайган, Мақсуднинг ваҳимаси ҳам босилиб қолганди.

Ярим кечаси аллақандай тушларни кўриб, алаҳсираётган эканман, Устознинг қаттиқ туртишидан уйғониб кетдим. Бир зарда қилмоқчи эдим, ним очилган кўзларимга унинг ой ёруғида йилтираб турган башараси ваҳимали кўринди, кейин оғиз жуфтлашга ҳам эриндим. Ўзимга роса совқотиб ётган эканман.

— Уйга кимдир келди шекилли, - деди у шивирлаб, — ичкаридан ниманингдир тарақлаган овози эшитилди.

— Эй, кўйсангиз-чи, - ўрнимга чўзилишга ҳаракат қилдим. — Энди сизнинг дастингиздан бечора Мақсуд ўзининг эрлик вазифасини ҳам бажаролмасинми.

— Яна қанақа эрлик? – Устоз муштини дўлайтирди. — Нашавандда бунақа нарса қолибдими? Кимдир бостириб келди. Ёки ҳамтовоқлари келди. Юр, кузатамиз.

Энг ёмон кўрганим кечаси, ширин уйқудан уйғотиб иш буюришгани. Ўз хизмат вазифамга қанчалар содиқ бўлмайин, ётиб ухламоққа чоғланган пайтимда, ичкаридан аёл кишининг бўғиқ чинқириги эшитилди. Бу аниқ Замира опа эди ва овозидан эрига эркалик қилаётганга ўхшамасди. Қанчалар хохламай турган бўлишимга қарамай, ўрнимдан туриб, шу томонга кетаётган Устозга эргашдим.

Зиёд ака ўзининг қайдалигини унутиб қўйиб, бироз тезроқ ҳаракат қилган эканми, айвонга чиққани ҳаманоқ гурсиллаб орқасига йиқилди. У ерда бир катта қора шарпа турган экан. Мен бақириб сўкинганча, унга ташландим. Бир пайтлар ўрта милиция мактабида бизга қўл жангини роса ўқитишганди. Бироқ бундай пайтда барча нарса ёдингдан чиқиб кетаркан: дехқончасига солишиб кетдим. Бу орада Устоз ҳам ўрнимдан туриб, гангиган боши билан гап нимдалигини англаб, ёрдамга келди. Шу пайт ичкаридан яна икки киши шошиб чиқди, Устоз иккаламизни дўппослаб, бир чеккага йиғштириб қўйиб, жуфтани ростлаб қолишди. Биз анча пайтга қадар ўзимизга келолмай, айвоннинг бурчагида гангиб ётдик. Биринчи бўлиб мен ўрнимдан турдим. Устознинг қўлидан тортиб турғаздим.

Ичкаридан хабар олиш лозим эди.


Бу ерларда чироқни уч-тўрт кунлаб бемалол ўчириб қўйдилар. Аксига олгандай шу кунга атроф зимистон эди, биз ичкарида иккита мурдани кўриш учун тайёр бўлган ҳолда кирдик.

Қоронғуда пайпаслаб, қўлимга шилимшиқ нарса илашмаганидан, ҳар ҳолда пичоқлашмаганликларига ишонч ҳосил қилиб, ётган кишини турткиладим. Жони борга ўхшарди.

Зудлик билан кўни-қўшнилари чақириб, чироқ топтириб келдим. Кимдир Замира опани дўппослаб, Мақсудни бўғиб кетибди. Жиноятчилар ниятларига етолмабди, иккалалари ҳам тирик, нафас олаяпти. Замира опа тезда ўзига келди-ку, бироқ Мақсуднинг ўнглини қийин кечди. Уни бўғишгандики, хириллаб ётарди. Тўрақулнинг машинасида туман марказига, касалхонага олиб кетишди.

Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди.

Биз ўша кунга эрталабгача бош қаҳрамон сифатида қишлоқ аҳлининг турли саволларига жавоб бериб чиқ-



дик. Бир-икки марта келган хабарга қараганда Максуд тузалиб қолган, гапира бошлаганди. Бундай ҳолатларда ишга милиция аралашини жуда яхши билганимиз сабабли ҳам юрагимизни ҳовучлаб ўтирардик. Ижобий бўлишига қарамай, воқеада бош қаҳрамон сифатида ўтишимиз, бизни қониқтирмаётганди. Жавоб бера олмай-диган саволлар кўпайиши мумкин.

Пешинга яқин одамларнинг кети узилиб, уй ҳувиллаб қолди. Замира опани қанчалар ёқтирмасинлар, Максуднинг қариндошлари ўз уйларига олиб кетишганди. Қишлоқ миқёсида оламшумул воқеа билан банд бўлган Тўракул акага ҳам бизнинг керагимиз бўлмай қолди.

Иккаламиз Устоз терган ярим битган хом гиштли девор ёнида иссиққа товланиб ўтирганимизда икки машина бизнинг ёнимизга келиб тўхтади ва улардан учтадан киши чиқиб келди. Булар бақувват-бақувват, одми кийинган йигитлар эди. Бир қарашда жиноят-қидирувда ишлайдими, жиноятчиларми, аниқлаш қийин. Буларнинг ораларида фарқ жуда кам бўлади. Бир жойда ўқигандим: агар тубсизликка узоқ вақт термулиб турсанг, тубсизлик сенга қарай бошлайди, дейилганди. Йигитлар бизларнинг ким эканлигимиз, ҳужатларимизни сўрашди. Паспортларимиз, шахсимизни тасдиқловчи бирор-бир ҳужжатимиз йўқлигини эшитиб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Улар кечаги воқеа бўйича бўлимга бориб, айрим масалаларни гаплашиб олиш лозимлигини уқтирдилар. Биз уларга эргашдик.

Мени қизил тусдаги эскироқ машинага ўтқизишди. Сөздимки, вазият жуда жиддий. Агар фақат гувоҳлар сифатида қақирилганимизда иш бунчаликка бормасди.

Қоидага мувофиқ, икки ёнимдан икки киши ўтирди, рулда эса юзлари буришган, соқоли ўсиб кетган, бад-башара бир киши ҳар-ҳар замонда орқага қараб қўйиб, газни босиб кетаяпти.

Машинанинг спидомери ишlamас экан. Моторнинг гувиллашига қараганда, ракетада кетаётгандай ҳис қилаямиз ўзимизни. Бироқ юришимизнинг унуми йўқ. Ҳамроҳим ҳайдовчига савол бериб қолди:

— Қанча тезликда кетаяпмиз?

— Юз ўттизлар бор, - деди у бироз мақтаниб.

Аммо мен моторнинг ваҳимасини эътиборга олмаганди, бундай тезликни ҳис қилаётганим йўқ. Назаримда нари борса етмишда кетаётгандик. Ҳайдовчининг гапи эса барча оператив вакилларга хос ҳолат - икки-уч баробар ошириб гапириш хусусияти билан ифодаланса керак.

— Жа унча тез ҳайдама, - деди ҳамроҳим менга мақтангансимон кўз қирини ташлаб. - Саксонга тушир. Бундай тезликда юриш анча хавфли. Уйда ўтирган болаларни ҳам ўйлаш керак.

Ҳа, тезкор вакиллар шаҳардами, қишлоқдами, фарқи йўқ, бир-бирларига жуда ўхшаб кетишар эканлар - тупроқлари бир жойдан олинса керак.

Устоз нариги машинада ўтирганди. Устоз билан милицияга тушган ҳолатда нима қилишимиз лозимлигини келишиб олмагандик. Шу сабабли бошим қотиб турарди. Мен унга қанча айтдим, охир-оқибатда иш шу билан яқун топади, деб. Аммо бу манман инсон ўз билганидан қолмади. Агар гапимиз икки хил чиқса бизнинг ишхонадан жавоб келгунга қадар қамоқда ўтиришимизга тўғри келади.

Мен ўртада тикилиб кетар эканман, қачон ва қандай қилиб милицияда ишлашимни айтсам экан, деган хаёлда борардим. Уни шундай айтиш лозимки, таъсири кучли бўлсин ва эшитганларнинг барчасини тиззасига титроқ қирсин (ҳолбуки бундай бўлишига кўзим етмай турибди), жуда бўлмаса "аҳ, ҳа!" деб юборсин. Бу масала агар Устозга қоладиган бўлса, ҳар доимгидай расво қилиши аниқ, яъни шундай бир тарзда милицияда ишлашимизни айтадики, натижада булар ё ишонмайди, ёки ишонган тақдирда ҳам "шунга нима бўпти?" - дейдиган бўлади. Бу одамнинг қилигини, ўзини тутишини билмасам экан. Аммо, тан олиш лозим, ўзим ҳам бу, бизни қутқариши лозим бўлган гапни қандай қилиб айтиш лозимлигини билмасдим. Жиноятчиларга айтгандай қилиб осмондан келсак бўлмас, буларнинг иззат-нафисига тегиши мумкин ва ишни расво қилиш учун қўлларидан кел-

ган барча чора-тадбирларни кўришлари аниқ. Бироқ мулоимгина қилиб ифодалаш ўнғайсизки, бизни кўлга олганларда дарров: шулар ҳам милицияда ишлайдими, деган шубҳа пайдо бўлади.

Бу ушласи эса менинг кўнглимда кечаётган гаплар билан иши бўлмаганча ўзларича ўзлари ҳар хил мавзуларда гаплашиб кетишяпти:

— Тадбирда қизлар ҳам бўладими? - деди рулдаги киши орқага ўгирилиб. - Эртага режалаштирилаётган бўлса, бугун боргандан хотин билан уришиб олишим керак. Бўлмаса уялтириб қўйишим мумкин.

— Ўзи хотинлардан дам олиш учун ташкиллаштиряпмиз-ку шу нарсани, қизлар дейишинга бало борми? - уни жеркиб ташлади ўнг ёнимда ўтирган киши. - Яхши-си қайси ичимликдан қанча олиш кераклигини маслаҳат қилсак бўларди. Бўлмаса, бу топшириқ Шукурга топширилган, у эса ароқ билан винонинг фаҳмига етмайди, эсингдами, бир марта пивонинг ўрнига лимонад ичсанглар нима қилади, ҳам ширин, ҳам арзон деб юривди. Аҳмоқ...

Шунга ўхшаш гаплар билан кетиб борардик. Алам қиладиган жойи, одамлар сенинг тақдирингни ҳал қилиб юборишлари мумкин-ку, ўзларининг каллаларида майда-чуйда муаммодан ўзга нарса йўқ. Одам дегани анча худбин бўлади, ҳаёти ва мамоти масаласи ечилаётганда, буни ҳал қилувчиларнинг фикру ёдини ўзи банд қилишни истаб қоларкан. Буни ўзим ҳам энди, бошимга тушгандан сўнг тушуниб турибман. Агар, қамалиб ёки ишдан ҳайдалиб кетмайдиган бўлсам бирор кишини ушлаб келсам албатта бутун ўй-хаёлимни унга бағишлайман, калламга шундан ўзга нарсани яқин йўлатмайман.

Анча юрганимиздан сўнг ҳам ҳеч ким менга эътибор бермади. Гўёки мен машинадаги ортиқча йўловчи эдим. Бу эса иззат-нафсимга тега бошлади.

- Биз ҳам милицияда ишлаймиз, - дедим ниҳоят буларнинг эътиборини ўзимга қаратиш учун.

Учала ҳамроҳим ҳам бирдан менга қаради, ҳатто машина ҳам бир қалқиб олди: менинг эгнимдаги қалин матодан тикилган, бироз эскириб, кир босиб, лой-чангдан ранги унқиқиб кетган, "Mercuriy" деган фирманинг ениг узун кўйлаги, "Cardinal" деган, бир пайтлар кўкишроқ тусда бўлган, эндиликда эса жигаррангми, оқариб кетган қорами, қорайиб кетган оқми, фаҳмига етиб бўлмайдиган жинси шимимга синчиклаб назар ташлашди. Ҳатто оёғимдаги Тошкентнинг пойабзал фабрикасида ишлаб чиқарилган, териси шилиниб кетган каламушдай оқариб, четлари йиртилган туфлимни ҳам қизиқиш билан томоша қилишди. Уларнинг кўзларида савол аломатини кўриб, бироз тинчландим, ҳар ҳолда иш ижобий ҳал бўладиганга ўхшайди. Бефарқ қолдирмади-ку.

- Сизларга ўхшаб тезкор вакилман, - дедим бамайлихотир, гимирлаб ўзимга каттароқ жой очар эканман.

- Агар сен опер бўладиган бўлсанг, унда мен эш-шак эканман-да, - деди рулдаги киши олдига қараб, бегуноҳ жониворнинг номига урғу берганча. Кейин хохолаб кулиб юборди.

- Сизнинг кимлигингиз билан баҳслашмайман, буни бошқалар билишар, лекин мен тезкор вакилман. Бир пайтлар Тошкент ўрта милиция мактабини тугатганман, - дедим бамайлихотир. - Тўғри ва кўчма маънода тугатганман. Чунки биздан қайин бу мактаб тугатиб юборилган, яъни йўқ бўлган. Ишонмасаларингиз мана, туфлимга қарангизлар, эсингизда бўлса ўтган йили формага кўшиб шунанга туфли беришганди.

Шундай деганча ўнг оёғимни кўтариб уларга кўрсатишга ҳаракат қилдим, аксига олгандай, қандай бу номаъқулчиликка йўл қўйганман, билмайман, мол тапписини босиб олган эканман, ёнлари кўқариб турган туфлим ўртоқларимнинг кайфиятини бузиб, қутилганидан тескари таъсир қилди.

- Туширсанг-чи, саситиб юбординг, қишлоқи, - деди чап ёнимдаги олифтароқ опер.

Ҳамроҳларим менинг афт-ангоримга, уст-бошимга бошқатдан, синчиклаб назар солиб чикдилар, менинг ўтиришим, афт-ангорим уларга пул ишлаш илинжида юрган бефаросатроқ мардикордан ўзга ҳеч нарса хусусида маълумот бермади, чамаси индамай йўлга қараб

олдилар. Аммо буларнинг орасида бўлаётган ширин суҳбатга ҳам пугур етганиди. Жимиб қолишди. Бундан буёғига гум-гурс бўлиб кетдик. Мен ҳам ўзимнинг милицияда ишлашимни ортиқча пеш қилмадим.

Бизни алоҳида-алоҳида сўроқ қилиб, ички ишлар идорасининг ҳибсхонасига қамаб қўйдилар. Сўроқ пайтида асосий ургу бизларнинг ким эканлигимиз, нима мақсадларда бу ерларга келиб қолганимиз, Мақсуд билан ораларимиздаги муносабат қандай, нималардан иборат эканлигига қаратилди. Улар негадир ўша кечаси бўлган воқеалар тўғрисида қизиқиб қолдилар. Менинг кечаси кимлардир, аллақандай шарпалар ҳужум қилганлиги тўғрисидаги гапимга жуда шубҳа билан қарашди. Ишонимсизлик билан бўлди, ички бир туйғу билан бизни шу жанжални уюштирганликда айбашаётганликларини англаб турардим. Бироқ нега? Наҳотки Мақсуд ҳам, Замира опа ҳам бизга қарши кўрсатма берган бўлса?

Одатда биринчи терговдаёқ унинг мақсади очиб ташланмайди. Бу ҳақиқатни аниқлашда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Лекин нима бўлса ҳам, булар бизни Мақсуднинг ҳаётини сақлаб қолганимиз учун раҳмат айтиш учун қақирмаганлари аниқ.

Устозни эса қўлга тушганимиздан сўнг қайтиб кўрмадим. Афсус, менинг бу ишларнинг охири яхшилик билан тугамаслиги тўғрисидаги гапларим ҳақ бўлиб чиққан шундай кунларда бу инсоннинг менга учрамасдан, яшириниб ўтириши кишига алам қилади. Агар ёнимда бўлганида, ҳеч эса йўлакда дуч келиб қолганимизда роса миннат қилган ва устидан кулган бўлардим. Афсуски, энди омонлик кунларни кутишдан ўзга чорам йўқ. Аммо барибир қўймайман.

\*\*\*

Иккинчи терговда ҳам ҳолат биринчисидегай кечди. Фақат энди бу сафар сўроқни жиноят-қидирувнинг ходимлари эмас, терговчи олиб борди. Англадимки, вазият оғир. Бизга нисбатан нимадир жиддий айб қўйилмоқда.

Мен милицияда ишлашимизни, бу томонларга бошлиқнинг топшириги билан махсус тадбирни амалга оширгани келганимизни ўқитиб, чарчамадим. Улар эса бунга сира ишонимни истамадилар. Олдинга гувоҳнома сўрашди, топиб беролмадим. Бизнинг бошқармага кўнгирок қилиб, яқин ўртада қўшни вилоятдан тадбир ўтказиш учун милиция ходимлари бизга келишмаганмиди, деб суриштиришганиди, нариги томондагилар уни шунчалар уялтирдик, терговчининг ўзи уялиб кетди. Мени жиноят устида қўлга олгандай хурсанд бўлиб гўшакни жойига қўйди.

- Қанақа терговчисиз? - дедим мен ўзимни босишага ҳаракат қилиб. - Бунақа нарсалар очик айтилмайди-ку. Мени милиция бошлигининг олдида олиб бормасаларингиз бир оғиз ҳам гапирмайман.

- Аф-ангорингга бир қара, ўзингнинг кимлигингни ва даражангни олдин яхшилаб аниқлаб олгину, кейин гапир, — терговчи юмшоқ овозда дакки берди.

Шундан кейингина ўзимнинг ҳолимга ва уларнинг туришига бир қур назар ташладим, таққосладим ва билдимки, бу патак бўлиб кетган сочим, чанг босган юзим, ёрилган қўлларим билан тоза, озода кийинган, юзларидан ёғ томиб турган кишиларга ақл ўргатишга маънавий ҳаққим йўқ. Бизнинг ўртаимизда ер билан осмонча фарқ бор экан. Киши буни тан олгиси келмайди, бироқ оддий ҳақиқат шундай — ташқи кўриниш кўп нарсани белгилаб беради.

Яхшилаб ўйлаб кўрсам ҳаммасини айтиб берганим билан бирор нарса йўқотмас эканман. Ахир бизларнинг мақсадимиз бир-ку: жиноятчини тутиш ва жазолаш. Шундай экан, тижирлик қилиб ўтирган билан фойдаси йўқ. Қолаверса Устоз буларга бўлган гапнинг барчасини аллақачон сотиб бўлгандир. Агар шундай бўлмаганида булар менга, ҳамроҳинг барчасини сенсиз ҳам айтиб берди, сендан талаб қилинадиган фақат унинг гапларни тасдиқлаш ёки инкор қилиш, дейишган бўларди. Индашмадим, демак айтган. Мен аввалига қайдан эканлигимизни, бу қишлоққа қачон келганимизни қисқача қилиб гапириб бердим.

Эртаси куни ҳам Устознинг қайдалигини, нима қила-

ётганини билмадим. Бу ҳақдаги саволларимга ҳеч ким жавоб беришни истамасди. Лекин негадир терговчининг менга бўлган муносабатлари ўзгариб қолганди. Энди у гапимга ишончсизлик билан қарамасди, нима демайин, барчасига калласини кимирлатиб, хўп, дегандай қилиб кулоқ осиб ўтирарди. Бунинг сабаби нимадалигини ҳали билмасам-да, яхшиликнинг нишонаси эканлигини ҳис қилиб турардим. Эҳтимол бизнинг ишхонадан кўнги-роқ қилишиб, бу йигитларни қўйиб юборинглар, деб айтишгандир. Эҳтимол эрта-инди бошлиқнинг ўзи ҳам келиб қолар. Негадир кечаги ёздиришган тушунтириш хати билангина чегараланиб қўя қолишди, холос. Сўроқ ҳам унчалар расмий бўлмади, ақдан-бақдан гаплашдик. Мени ҳайратга солган нарса кўчадан Чалпақнинг вовуллаган товушини эшитиш бўлди.

— Бу Чалпақ, бизнинг дайди кучигимиз, орқамиздан излаб келган, — дедим ҳовлиқиб. - Мумкинми уни кўриб келсам. У бизга шунчалар қадрдон бўлиб қолгандики, ҳеч адоғи йўқ.

— Ким дединг? — сўради терговчи.

— Ким эмас, нима? — унинг саволини тўғриладим. — Чалпақ. Итимизнинг исми шунақа. Лекин туғилганида қанақа исм қўйишганини билмайман. Биз уни катта бўлиб қолганидан кейин топганмиз ва шу исм билан атаганмиз. Бу эса унга жуда ёққан. Лекин биз томонда яна бир бошқа Чалпақ ҳам бор. Жиноят-қидирувда ишлайди, катта тезкор вакил. Унга бу номни ўғрилларнинг ичиди, улари фош этиш учун юганида тўда вакиллари берган.

Ҳамсуҳбатларим гапларимни мароқ билан тинглашдилар, бироқ кучугимизни кўриб келиш учун руҳсат беришмади. Мени қайтариб хонага қамаб қўйишди.

Кечки пайт эртага мени жиннихонага экспертизага юборишмоқчи эканлиги ҳақида маълум қилишди. Психиатр буни алоҳида текшириб, ягона хулосага келинмаса, аниқлаш мушкул, дебди. Унинг бу хулосаси билан терговчи шундай қарор чиқарганмиш. Бу ниманинг оқибати эканлигини тушунмадим. Эҳтимол ҳаммага шундай қилишар. Устоз уч кундан буён кўринмай қолди, балки олдинроқ шу томонга кетган бўлиши мумкин. Бориб роса хумордан чиққанча таъна қиладиган бўлдим.

— Жиннихонада қандай қилиб экспертиза қилишларини билсанми? — бу хабарни эшитган жиноятчи ҳамхонам тиришган, совуқ юзларини маъноли қилиб буриштирди. — Бунинг турган битгани азоб... Мен сенга айтadиган қўрсачи, оташкурак билан тухумни қисишиб кўзининг қорачигини ўлчашади. Шундай бир ҳолатда унинг ҳажми ўзгармаса ва кўзинг пешонага чиқиб кетмаса демак жинни ҳисоблашади.

— Жуда ваҳшиёна усул экан-ку. — Тўғрисини айтганда унинг бу гапига унчалар ҳам ишонмаган бўлишимга қарамай, айрим жойларим жимирлаб кетди. — Менинг ўзим соғлигимни тан олиб ўтирган бўлсам, яна нима керак, уларга?

— Уларга, агар билсанг, сенинг тан олишинг эмас, илмий хулосалар зарур.

— Сизнингча тухумни оташкурак билан қисиш илмининг хулосаси ҳисобланадими? — жуда қаттиқ жаҳдим чикди. — Кейин тиббиётда пинцет, деганга ўхшаш ақлли гаплар билан аталадиган жихозлар кўп. Нега энди, булар айнан оташкуракдан фойдаланишаркан?

— Мен, жўра, бир оми одамман. Бошимдан ўтганини айтаяпман, сенга, ишонсанг ишондинг, ишонмасанг, пешонанг тўқиллаб жиннихонанинг деворига бориб теккандан кейин, қадримга етасан, — Суҳбатдошим бурнини жийириб, хонанинг нариги бурчаги томонга кетди.

\*\*\*

Экспертиза деса севиниб келаверибман, бу ер тасаввуримдагидан ўзгача экан — қамоқхонанинг ўзи, атроф девор жудаям баланд қилиб қурилган, тепа қисмига тиконли симлар тортилган. Биоларнинг барча деразаларига панжара ўрнатилган, эшиклар темирдан. Бу ерда фақат икки нарса қамоқхонадан тубдан фарқ қилар экан. Биринчиси — тиббий ходимларнинг оқ халатда юриши. Иккинчиси, мижозларнинг бир қадар қувноқлиги ва хилма хиллиги. Бу ерда ҳар ким бор: индамай турсан гўштингни ғажиб ташлайдиганлар (тўғри маънода) ҳам, эртадан кечга қадар қўшиқ айтадиганлар (айтиш лозим, жу-



даям таъсирли тарзда ва ширин овозда) ҳам, тинимсиз кулиб юрадиганлардан тортиб, йиғлайдиганларга қадар - барчаси бор.

Жинихонада Устозни учратарман, деган ўйда эдим, аммо негадир қанча аланг-жаланг қилмай, у кўринмади. Бирор-бир хонага қамаб қўйишган бўлсалар керак, деган ўйда, шу ерда юрган бир барзанги санитарга савол беришга мажбур бўлдим:

— Кечирасиз, окахон, Устоз, эй, йўғ-эй, Зиёд акани ҳам олиб келишдими?

— Бўлмасам-чи, - деди санитар бамайлихотир. - Устозингиз анчадан буён шу ерда, икки ойдан ошиб қолдиёв. Эшак эшакдан қолса кулоғини кесади, дегандай, сиз ҳам устозингиздан ўзишга қасд қилибсиз-да.

Унинг гапи тагида нима мазмун ётганини тушунмадим. Ахир Устоз шунча пайтдан буён мен билан бирга юрган эди-ку, қанақасига бу ерда икки ойдан буён яшаётган бўлиши мумкин. Бу Зиёд акани ким биландир адаширяпти, чамаси.

— У киши калроқ, - дедим мен аниқлик киритиш мақсадида. - Сержун одам. Ломброзо жиноятчи, деб тарифлаган нухсалардан. Фақат иягигина Ломброзоникига тўғри келмайди. Бироз кичиклик қилади. Мен шу одамни сўраяман. У киши бугун ёки кеча келган бўлишлари керак эди. Икки ой бурун келолмасдиларки, унда биз бирга эдик ва алоҳида топшириқларни бажариб юргандик.

Мен ақли гаплари бу ерда гапирмаслик лозим эканлигини у пайтлар билмасдим ва шундан ҳам бошимга ортиқча машмаша орттирдим. Кейинроқ англадимки, ҳар қандай илмий гап бу ерда жуда аҳмоқона бўлиб эшитиларкан ва сенинг жинилигингдан дарак бериб тураркан. Шу пайтга қадар менга ҳеч ким жинилар ақли, илмий гап қилишга ишқибоз бўлади, деб айтмаган-да. Ҳатто суд-тиббиёт экспертизаси курсидан жинилар ҳақида маъруза ўқишаётганларида ҳам бу ҳақда лом-мим дейишмаганди. Энди эса секин-аста ўз тажрибам билан буларни ўрганиб бормоқдаман.

Мени шу куни кечгача сўроққа тутиб, ҳар хил ҳаракатлар қилдириб, орқага қайтариб юборишди. Ўйлагандимки, энди ҳаммаси тамом ва мени ўз шахримга қайтариб юборишади. Устоз эса аллақачонлар бу дунёда Олим деган шогирди борлигини ҳам унутганча, кундалик ташвишлар билан банд бўлиб юрган бўлса керак.

Мени қайтариб яна ўша - бизни тутиб келиб қамашган ички ишлар бўлимига олиб келишди. Бу сафар ёқиб тушган томони, очиқ-ойдин жиноятчидай муносабатда бўлмадилар.

Бизнинг ишимизни бошқа терговчига ўтказишган, чамаси, ҳўппа семиз, бағбақалари осилиб кетган Абдурахмон деган майорга суҳб қилишди. Қорнининг катталигидан кенг қўйлагига сўймай қолиб, пастки томони очилиб, майкаси ярим қарич кўриниб турибди. Унинг ўтиришини кўриб ўзимнинг хаёлим учди: орқасига иккита стул қўйиб олганди-да. Шунга ҳам бироз сўймай турибди.

— Сизга айтадиган учта янгилим бор, — деди у ўзининг вазнига нисбатан анча енгил руҳда, — бир бошидан айттайверайми ёки аралаштириб?

— Бир бошидан, — дедим ҳафсалам қайтиб, кайфиятим тушиб. Хабар қанча кўп бўлса, уларнинг ичида ёқимсизлари бўлишининг имконияти ҳам шунча ортади.

— Унда бундай. Табриклайман, суд-психологик экспертизаси сизни руҳиятида бироз оғиш бўлишига қарамай, ўз хатти-ҳаркатида жавоб бера олади, деган хулоса чиқариб берган.

Бу хабардан севинишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмайсан киши. Дунёда мана шундай - ҳезалак хабарлар ҳам бўларкан.

- Иккинчи хабар эса бундай, - тантанали равишда деди майор Абдурахмон. - Сиз билан ҳамроҳингизни ҳақиқатан милицияда ишлашингиз тасдиқланди. Эртаиндин вазиятга оидинлик киритиш учун ишхоналарингиздан бошлиқларингиз, ёки унинг ўринбосари келиб қолади. Хурсанд бўлаверишларингиз мумкин. Лекин бу хабар ҳали сизларнинг милициядан эканлигингизни тўлиқ исботламайди. Ким билади, сизлар уларнинг номларини ўғирлаган товламачилар ҳам бўлишларингиз мумкин. Ўзларга келгач, шахсан вазиятга аниқлик киритадилар.

лар. Унгача эса бизларнинг сизларга ишонмаслика ҳаққимиз бор ва эҳтиёт чораси ўзгартирилмайди.

Бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосаридан кўра прокурор келгани дуруст эди, деган хаёлга бордим ичимда. У тезкор ишларни кўпам тушунавермаслиги учун, сиқиб сувимизни ичиши ва бу ерларда нима қилиб юрибсанлар деб гаранг қилиб ташлаши аниқ. Аммо шуни бекорга ўйлаган эканман, ҳали тилга чиқмасдан ушбу хаёлга ҳам фаришта омин деб юборган, чамаси, Абдурахмон паст овозда эълон қилди:

- Сизлар қотилликда, суиқасд қилишда айбланиб, 25 ва 97-моддалар билан жиноий иш кўзгатишган ва у прокуратурага ошириладиган бўлди. Шундай қарор қабул қилдим.

- Ие?! - ҳайрон бўлдим. - Улар Варганзининг аноридай қилиб сиқиб, сувимизни ичиб юборишади-ку. Кимнинг ақли шу даражагача бориб етди? Ахир улар бизнинг топшириқ билан бу ишларга аралашиб юрганимизни билишмайди-ку, билишни ҳам истамайдилар. "Иш" ҳали сизларда пайтида бизни орадан чиқариб ташлаш мумкин эди, уларга ошириладиган бўлса ўлиб қолсак ҳам раҳм бўлмайди.

Абдурахмон ака елка қисди:

— Мен ҳам қонун доирасидан чиқиб кетолмайман, милиция аралашган ҳар қандай ишларни прокуратура кўради. Сизларга ҳеч ким шу кишини ўлдириб кел, деб топшириқ бермаган бўлса керак.

— Нималар деяпсиз? Биз ҳеч кимни ўлдирмоқчи бўлганимиз йўқ, - ажабландим мен. — Қайтанга Мақсудни ўлимдан қутқариб қолдик.

Бели оғриманнинг нон ёйишини кўр, дейишганларига ўхшаб қамалиб кетиш хавфи бу кишининг бошида осилиб тургани йўқ-да; шунинг учун иккита стулга ўтирилиб, маслаҳат қилаверади. Ўзим ҳам бир пайтлар гумондорлар олдимга кўз ёши қилиб келганида жуда насиҳатбозлик қилишни яхши кўрардим. Мана энди, уларнинг ўрнига ўтирибману, бу ҳолат қанчалар оғир ва ночор бўлишини аниқ тушуниб турибман.

— Шундай экан мени жинихонага жўнатиб, кулги қилиш шартмиди? - сўрадим осмондан келиб.

— Экспертиза тўғри тайинланган, — деди совуққонлик билан терговчи. - Икки ўртада ўзингизнинг ақлий даражангиз қанақа эканлигини билиб олдингиз. Биз тайинламасак, пул бериб ҳам аниқлолмасдингиз.

Абдурахмон билан пачакилашиб ўтирмай тезда Устозни кўриш ва унинг ҳам аҳмоқона маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш лозим эди. Менга энди учрашишимиз мумкинлигини билдиришганди. Бундай пайтларда кишининг ёлғиз ўзи қолиб кетгиси келмайди. Қамаладиган бўлсанг икки киши бўлгани дуруст-да, ҳасратлашишга яхши.

Устозни шу ердаги камералардан бирига қамаб қўйишган экан (биз учун туришга бошқа жой бўлмагандан кейин, камерага қўйишади-да). Навбатчи тезда чиқариб келди. Энди, бизнинг милицияданлигимизни билишганидан сўнг назорат бироз сусайтирилганди. Устоз билан минг йил кўришмаган қадрдонлардек кучоқ очиб кўришдик. Дарров унга ўзимнинг ҳақ бўлиб чиққанлигимни айтиб, миннат қилмоқчи бўлгандим, афт-ангорига қараб, фикримдан қайтдим. Ранглари оқарган, ориқлаб кетганидан жағ суяклари бўртиб чиқиб қолганди. Кўзлар ҳам косасига тортиб кетган эди. Икки кун ичида шунча.

— Ўтирибсизми, бўлмаса, Раззоқ бова айтгандай, бир пой қалиш кўрган борми, деб? - бу билан Зиёд аканинг аҳволини сўрамоқчи бўлаётгандим, бироқ буни тушунмади.

— Яна бошладингми шу Раззоқ бовангни? - Устознинг росткамига жаҳли чиқди. - Бу гапдан ҳеч қачон сенинг ўша бетайин бованг умуман беҳабар бўлган, уни мен айтганман сенга.

— Ундай бўлса, - дарров гапга тузатиш киритдим. - Раззоқ бова айтганга ўхшаб, хина кетди, сақич кетди, деб юрган бўлсангиз керак-да?

Зиёд ака мен билан баҳслашиш беҳудалигини тушуниб, индамай қолди. Бироз туриб, ўта жиддийлик билан иш хусусида гап бошлади. Унинг гапига қараганда, Мақсудга негадир бизга қарши кўрсатма берганмиш. Замира опа ҳам кечаси қимлар бостириб келганини билмас-

лиги тўғрисида тушунтириш хати ёзиб берибди. Мақсуд ҳам касалхонада ётганмиш.

Бизга нисбатан кўзгатирилган жиноий ишнинг прокуратурага оширилиши унга ҳам роса алам қилиб ўтирган экан. Ҳақиқатан ҳам у ёқда бизга нисбатан кўзгатирилган ишни ётқизиш биров қийинлашади ва умуман, бирор киши бунга ҳаракатини қилармикин?

Устоз билан ички ишлар бўлимнинг ҳовлисида суҳбатлашиб ўтириб, шу ерда чопқиллаб юрган Чалпакка кўзимиз тушди. У анча ўзгариб, биров семириб қолганди. Уни кўриб, Устознинг кўзларига гилтиллаб ёш келди, отасини учратгандай севиниб кетди:

— Ит ҳақиқатан ҳам садоқатли бўлади. Илгарилари шу гапга сира ишонмасдим, ана энди ўзим гувоҳи бўлиб турибман, бу бечора шунча йўлдан бизларни излаб келган ва шу ерда ётганлигимизни ҳидимиздан билиб, кетмай қолган.

Устоз шундай деганча кучукни чақира кетди. Бироқ негадир Чалпақ номини унутиб қўйгандай эди. Қайрилиб ҳам қарамади. Устоз кўзларини ишқалаганча бир неча бор қақирди, натижа бўлмади.

Кейин билсак, итмизнинг исмини замонавийлаштириб, Чака деб атай бошлабдилар. Номард кучугимизга бу олдингисидан-да маъқулроқ келганми, шу ном билан қақирсанг думини ликиллаб, ёнингда гирдиқалалак бўлиб қолади. Айтишларига қараганда у ўтган кун Тошкентдан кинологоя хизматини текширувчи комиссия келганида бўлим бошлиғини жуда қўллаб юборибди. Балансадаги кучукни кимдир сўйиб, гўштини кабоб қилиб юборганми, ўзи жар-парда ўлиб қоганми, ёки иликқан кучукларга эргашиб, хизматини унутиб, тоққа чиқиб кетганми, топишолмай қолишибди. Комиссияга эса бизнинг Чалпақни кўрсатишибди. Бу биров қарироқ бўлса ҳам топириқларни жуда яхши бажарар экан, комиссия хурсанд бўлиб кетганмиш. Итнинг боқуви зўрлигидан биз камбағалларни танайми ҳам қолибди.

Устозга жиннихонага бориб келганимни айтгандим, биров ажабланди, менга нисбатан берилган хулосани эшитганидан кейин эса маъноли бош чайқаб қўйгандай ҳам бўлди ва қайта сўради:

- Рухиятида оғиш бор, дедингми? Неча градусга оғанини айтишмадимми? Назаримда анча катта бўлса керакки, айтишмаган. Лгар қамаб юборишмайдиган бўлишсалар ҳам барибир ишдан ҳайдаб юборишади бунақа хулоса билан, айниқса бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари эшитиб қолгудек бўлса бас. Янаям билмадимку, мени ҳам судланган, деб ишдан қувишга ҳаракат қилиб кўрса керак.

Ўзимча кичик бир суриштирув олиб бориб, менинг жиннихонага бориб келишимнинг бош сабабчиси Устоз бўлганини аниқладим. Кейинроқ билсам у киши милицияда ишлашини олдинга айтмаган экан. Камерага, жиноятчиларнинг ичига қамаб қўйишга аҳолим оғир кечади, деган асосли хавотир билан, ўзини мардикорман, деб тураверган. Бу эса ўз навбатида милиция ходимларини менинг ваҳималаримга ишонмаслигига сабаб бўлган экан. Кейинроқ ўзимнинг ховлиқларим учун ўзимдан роса уялдим-ку, бироқ буни Устозга кўрсатмадим, қайтанга менга нисбатан хиёнат қилганикда айблаб, роса шармисор қилдим.

Кеч кирди дегунча бизларни олиб бориб камерага қамаб қўядиган бўлишди. Биринчидан бошқа борадиган жойимиз ҳам йўқ, иккинчидан эса ҳали-ҳамон бизлар айбланувчилар эдикки, жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилмагани, тўхтатишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаётганди.

Камерани Устоз деярли ўзиники қилиб олган экан, ҳамма унинг атрофида гирдиқалалак, "Отахон" деб муомала қилишади. Унинг бу ҳолатини кўриб, Устозга кесатдим:

- Аҳмоқ бўлиб милицияда ишлаб юрган экансизда, а? На обрў бор ва на амал. Жиноятчилар эса сизни анча ҳурмат қилар экан. Касбни ўзгартириш ниятингиз йўқми ҳали?

Менинг бу хилдаги кесатикларим Устознинг жинини кўзгайди, лекин ўзини босишга ҳаракат қилади. Фақат камерада милициядан эканлигимизни гуллаб қўймаслигим тўғрисида қаттиқ туриб тайинлайди. Бу фақат оддий

инжиқлик эмас, балки ҳаёт масаласи эканлигини мен ҳам жуда яхши билганлигим сабабли, бу борада камерада ҳазил қилмайман. Индамайгина кўпчиликка қўшилиб, Отахон, деб мурожаат қиламан. Устоз эса қошларини чимириб, норози оҳангда, оғзидаги гапларни биров суғуриб олаётгандай зўрға, битта-битта қилиб гапириб қолади.

\*\*\*

Бўлимга келганимиздан кейин учинчи куни пешин пайти ҳовлида, иссиққа тобланиб ўтиргандим. Кунлар совуб қолган ва бизнинг юпқа қўйлақларимиз камеранинг зах ҳавосида кечаси билан совуқ ўтказиб юбораётгани ва биз эрталабгача кўчанинг гапи билан айтганда, энамизни кўриб чиқаётгандик. Шу сабабли қуёш чикди дегунча иккаламиз ҳам ҳовлига чиқиб олиб, буришиб, тобланиб ўтираверамиз. Бўлим бошлиғи бизга бунга рухсат берган. Фақат кечасигина камерада ўтиришимиз лозим. Бу ернинг прокурори қонунни ҳурмат қиладиган ва уни ўзининг шахсий томорқаси каби ҳимоя қиладиган кишилар тоифасидан экан, ҳар кеч келиб, ҳибсдагиларни кўздан кечириб, улар билан суҳбатлашиб, қонуний ётибдими бу ерда, ноқонунийми, сўраб, суриштириб кўрар экан. Бизнинг ишимиз эса мана шундай кишининг қўлига бориб тушганди.

Жиннихонага бориб келган куним қорним очиб, бундан кейин овқатланиш қай тарзда кечиши билан қизиқа бошладим. Ички ишлар бўлимнинг ҳисобида турганимиз йўқ, улар бизни боқишни ўз зиммаларига ҳам олмаганлар. Бу долзарб масала билан Устозга мурожаат қилгандим, у "ҳозир кўрасан" дегандек қўл силтаб қўйди. Бу бир нарсани билса керак, деган ўйда жимгина кута бошладим, бироқ қорин кутишни истамасди. Унинг Устозни сирли гапи билан иши йўқ, аниқ далиллар талаб қиларди.

Қуёш ботар маҳали бир йигитча елим халтачада нималарнидир кўтариб келди. Бу Устоз ваъда қилган кечки овқат эди — иккита ғознинг патийда юпқа нон. Бу ердагилар уни чапчак нон, дейишар экан. Биз томонларда ҳовлиқма инсонларни "шапшак" деб аташ одати бор эди. Бу ноннинг номи шундан келиб чиққанмикин, деган ўйга бориб қолдим. Ҳовлиқиб, шошиб ясалгани учун шундай дейилгандир, эҳтимол.

Нондан ташқари сумкада тўрт дона каттагина сомса, икки дона помидор ҳам бор эди. Иккаламиз ҳаётнинг жуда унчалар ҳам гурбатдан иборат эмаслиги, унинг ёруғ кунлари ҳам борлиги хусусида мароқ билан гаплашиб, овқатланишга киришдик. Овқатни кўргандан кейин кишининг қўнгли ҳам юмшаб кетади негадир.

Бизни олиб кетишганларидан сўнг эртасига Замира опа орқамиздан суриштириб келган экан ва ҳар куни келавериш имконини тополмаганлиги сабабли шу ерда ишловчи бир ходимнинг ўғлига буларга овқат олиб келиб бериб туриш эвазига пул ташлаб кетибди. Бизнинг ҳозиргина мароқ билан еган сомсамиз ҳам шу ҳисобдан экан. Буни эшитиб, рост гап, Устозга ҳавасим келди. Кимдир унинг гамини ейди, орқасидан у-бу ташийди. Менга эса биров қиё ҳам боқмайди. Аламим келганидан кесатдим:

- Эркак деганлари аёл кишининг оқасига қараб қолмаслиги лозим. Бировнинг хотинини орқасидан кун кўриш номусли кишининг иши эмас. Сиз ҳам кап-катта киши бўла туриб, мана шундай номаъқул ишларни қилиб ўтирасиз, а, уялмай? Эшитганлар нима дейди? Бу шўринг кургур аёлга бирор марта ошириб яхшилик қилиб қўйган бўлсангиз ҳам гўрғайди, ҳаққимиз бор, деб турардингиз. Қилган яхшилигингиз — бир бало қилиб унинг эрини ҳам қамоққа тикдингиз, ҳаётини расво қилдингиз. Энди бўлса уйини куйдириб, тўлиқ қарамига ҳам ўтиб олиб-сиз... Ўзингиз худога қараб айтинг, шу ишингиз яхшими?

Устоз каловланиб қолди. Масаланинг бу қадар айланаб кетишини сира кутмаганди, хаёлига ҳам келтирмаганди. У ўйлагандики, берган икки дона сомсаси учун мен унинг ҳамтовоғига айланаман ва тилимни тишлаб юраман. Бу инсон ҳали мени яхши билмайди, ҳақиқатнинг олдида икки-учта сомсаларга сотиладиганлар хилдан эмасман.



— Ҳақиқатан ҳам яхши иш қилмаяпмиз, — деди у кўплик шаклида гапириб. Бу билан мени ҳам ўзининг гуноҳларига шерик қилиб олмақчи бўлаётганди. Яхшими, ёмонми иккита сомсани еганим учун ушбу шаъмага инкор билдиrolмадим. — Бир аёлнинг бўйнига шунча киши осилиб олганмиз.

Кўлга олинганимизнинг учинчи куни бизни прокуратуранинг Адҳам деган терговчиси сўроққа чақирди. Унинг ёпишиб олгани бизнинг бу томонларга қандай топшириқ билан келганимиз, шу куни кечаси кимларни кўрганимиз, нима учун уларни ушлаб қололмаганимиз. Буни тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдик, лекин у тушунишни истамасди.

Бахтимизга қарши қўни-кўшнилardan бирортаси ҳам шу кечаси кўчадан машина ўтганини, Мақсуднинг уйига кимдир кириб келганини, у чиқмаганини билдириб кўрсатма бермаган экан. Биз қуруқ тўхтамга қолиб ўтирардик. Бироқ тушунмасдикки, нима учун Мақсудда бу нарса керак бўлиб қолди?

Шу куни пешиндан сўнг бошлигимизнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Ориф ака келиб қолди. Энг хоҳламай турганимиз ҳам шу эди. Ахир бу инсон тезкор ишларга аралашавермайди-да. Унинг назарида ароқ ичган, хотини билан жанжаллашган, жиноят содир қилган ходимларнинг барчасини ишдан ҳайдаш керак. Тамом вассалом. Шундан бошқа нарсани тушунмайди, тушунишни ҳам истамайди. Унинг ташрифи бизларнинг шўримизга бўлса керак, деган тўхтамга келиб қўйгандик. Илло, у прокурорга кириб, булар меҳнат таътилига чиқишган эдилар, бемалол қамаб юбраверинг дейиши ҳам мумкин. Чунки бўлимнинг шаънини ҳимоя қилишни ҳар ким ҳар хил тушунади.

У бизлар билан отасининг қотилини учратиб қолгандай совуқ кўришди:

- Ҳа, нима ишлар қилиб юрибсанлар бу ерларда? Жиноят қилишга ўзимизнинг вилоят торлик қилиб қолдимиз? Ўзи сенларни ким юборганди бу томонларга?

Саволини қаранг? Агар прокурорга ҳам шу мазмунда гапирадиган бўлса тамом бўлди. Илгарилари бўлганда Устоз уни бироз масхаралаб, кейин орқасидан узр сўраб қўтилган бўларди. Ҳозир эса у киши жуда кўрқиб турарди.

— Ориф ака, ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди Устоз кўзларини сузиб (у шундай қилсам бунга ёқаман деган ўйда эди. Аммо билмасдикки, бунақа қилиқларни фақат қизлар йигитларга ёқиш учун қиладилар). — Бизлар бу томонларга бошлиқнинг кўрсатмасига биноан келгандик. Сиз эски, тажрибали ва ўта билимдон ходим сифатида жиноят қандай очилишини жуда яхши биласиз. Шунинг учун прокурорга бизнинг мутлақо айбсиз эканлигимизни тушунтириб кўярсиз, деб турибмиз. Балки ишонмасиз, Олим иккаламиз Ориф ака келиб қолсалар зўр бўларди, деб худога илтижо қилиб тургандик. Ахир бунақа ишларни фақат сиз уддалай оласиз. Бошқалари бир пул... Ҳим-м, бошлиқнинг ҳам бу борада билими бор, тажрибаси катта...

— Кўрамиз, кўрамиз. — Ориф ака Устоз хушомад қилгани сари ўсиб бормоқда эди. — Ҳарактларингизга қараб, бу ёғига баҳо берамиз. Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Жиний иш билан танишиб чиқаман, гувоҳларнинг, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини ўқийман, шундан кейин охири гапни айтаман. Бу сизларга ўйинчоқ эмас.

Одамга амал бермасин экан-да, янаям аниқроғи бировга ишинг тушмасин. Ўзи сариқ қақага арзимаслиги мумкин, аммо ишинг тушди, дегунча ўзини товоққа солади.

Ориф ака шу куннинг ўзидаёқ ўзи айтгандай “жिनий ишини ўрганишга” киришди. Бу борада нима ишлар қилди — хабарим бўлмади, бироқ бизларни ички ишлар бўлимига кузатиб юборганидан сўнг прокурорнинг ёнига кириб кетганди.

Ички ишлар бўлимига келсак бизни у ерда Замира опа кутиб ўтирган экан.

— Нима қилиб турибсиз? — Устоз у кишига кўзи тушиши биланок Ориф аканинг манманлигини ҳам унутиб юборди чамаси, лаб-лунжини йиғиштириб ололмай қолди. — Бир ўзингиз келдингизми?

— Акаларингизга овқат олиб келгандим. — Замира опа

ўзимизники бўлиб қолганлиги сабабли ҳам унча уялмасди, бемалол гапирарарди. — Кеча милисалар уйимизни тинтув қилиб, уйимиздан героин топиб олишди. Эримни касалхонадан қўйиб юбормоқчи бўлиб туришганди. Шу айб билан у ердан тўғри шу ерга олиб келиб, қамаб қўйишди. Қамалган одам ҳам шунақа бўладими? Мана Мақсуд акаларингиздан ўрнак олсаларингиз бўлмайдами? Бир жойда жимгина ётибди. Ҳатто сўраб келганларнинг олдига ҳам чиқмайди.

Бу менинг ишим эканлигини, Устоз эҳтимол билмаслиги ҳам мумкин. Биринчи куни, оғзим бўшлиқ қилиб, унинг тоқчасида наша борлигини, Мақсуднинг ўзи наshawанд эканлигини айтиб қўйгандим.

— Уни қамашгани яхши бўлибди, — деди Устоз бу ҳолатга унчалар эътибор бермай. — Тунов куни келганлар барибир касалхонадан топиб олишлари мумкин эди... Лекин бу ўртада бизнинг нима гуноҳимиз бор эди?

— Ўзим ҳам билмай қолдим, нимага бунақа бўлиб кетди? — Замира опа хижолатда эди. — Негадир эрим бизни калтаклаганлар сизлар эканлигингизга жуда ишонади. Уни тушунса бўлади, қоронғу эди, ҳеч кимни танимадик, ҳовлида сизлардан ўзга одам йўқ эди. Бизнинг қишлоқда душманларимиз йўқ, Аксига олиб, мен ҳам таниёлмай қолдим. Энди нима бўлади? Биздан хафамисизлар?

- Зарари йўқ, — деди Устоз негадир қувноқ оҳангда. Кошки бу гаплар севинишга асос бўла қолса. — Шу кетишда қамаб юборишлари мумкин, чиқиб кетишининг йўларини изляяпмиз, ҳозирча самараси йўқ...

- Энди мен нима қиламан? — деди Замира опа.

— Хавотир олманг, — деди Устоз кўнгилчанлик билан. — Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бирор нарса бўлса, биз ёрдам берамиз.

— Раҳмат! — Замира опанинг кўзларига ғилтиллаб ёш келганди. — Аммо сезаясизми, сизлар қилган барча яхшиликларингиз тескарига айланиб, охир-оқибатда ёмонлик бўлиб чиқаяпти. Ё сизлар учун, ёки биз учун.

Устоз нима дейишини билмай, бурнини қашишга тушди. Бу унинг ўйланаётганидан дарак берарди. Худди мияси бурнининг учига жойлашган, шу ерни қашиса бирор-бир ақлироқ гап чиқадигандай. Қараб турсам бўлмайдиган, Устоз жуда қийналиб, уялиб қолди.

- Лекин бизлар барчасини сидқидилдан, очиқ кўнгил билан, сизга яхши бўлсин учун қилаётганимизни унутманг-да, — дедим.

— Мен бунда сизлар айбдор деяётганим йўқ, — деди у соддалик билан. — Айтмоқчи эдимки, сизлар яхшилик истаяпсизлар, лекин шу нарса чиқмай қолаяпти.

— Тақдирда бори бўлади, — деди Устоз суҳбатга умуман ёпишмаган бир оҳангда бир кўзини очиб, иккинчисини қисган ҳолда. Унинг бу фалсафий гапи ўз ўрнида айтилмаганди. Буни нафақат мен, балки Замира опа ҳам сизди. Унга бир қараб, нима деб ўйлаётганимни билиб қолмасин, деган кўрқув билан нигоҳларини тезда бошқа томонга олди.

- Коля нима иш қилиб юрибди? — сўради Устоз тўсатдан томдан тараша тушгандай қилиб. — Биз қамалиб, унга миҳозлар ҳам кўпайиб қолгандир. Шубҳасиз бундай пайтларда кишининг нархи ҳам ошади. Ҳозир кунига неча пулдан ишляяпти?

Устоз ўзининг эски ҳамкасбини эслаб қолганини тушунолмадим.

— Эшитмадиларингизми, уни милисалар ушлаб кетган. Қишлоқдагиларнинг айтишига қараганда қайдадир кимнидир ўлдириб, бу томонларда қочиб юрган экан.

— Эсингдами, Олим, Коляни кўрганимданоқ мен шуни айтгандим. Бу боланинг орқаси ҳўл бўлса керак, бу ерларда ўзидан-ўзи юрмайди, дегандим. Эсингдами ўзи? — Бироз ҳовлиқди Устоз.

Назаримда шу гапларни айнан мен айтгандим. Аммо у билан тортишиб ётиш шарт эмас. Замира опанинг олдига ўзини кўрсатиш учун ҳар балони ўйлаб топиши мумкин. Кейинроқ, камерага киргандан сўнг, ҳақиқат қайдалигини бу инсонга яхшилаб ўқитиб қўяман.

- Лекин ўзи жуда яхши ахборотчи эди. Қишлоқдаги ҳамма нарсанинг миридан сиригача биларди, — гапини давом эттирди Устоз. — Шунинг ҳам кўлга тушишига биз сабабчи бўлдик. Кейинчалик, шаҳарга қайтганимиздан

сўнг бу билан роса мақтансак бўлади. Ҳозирча эса жим юриш лозим.

Замира опа билан яна ярим соат ақдан-бақдан гаплашиб ўтирдик. Кетар чоғида эса у киши Устозга озроқ пул ташлаб кетди. Бу бизнинг овқатимиз учун эди.

Устоз ўзича манзират ҳам қилиб қўйди:

- Керак эмас эди-ку, майли...

Замира опа кетганидан сўнг анча пайтгача биз бир-биримизга гапирмай, жим ўтирдик. Икки ўртада жуда ўнғайсиз вазият пайдо бўлганди: бу ҳолатимизда бир-биримиз ҳақимизда қандай фикрда эканлигимизни билолмай ўтирдик. Замира опа иш бўйича бизга қарши, ҳаётда эса ёрдам бериб ўтирибди. Прокурор буни эътиборга олармикин?

\*\*\*

Биз Ориф акани бўлимнинг ҳовлисида кечга қадар кутдик. Ҳа, деганда келавермаганидан ташвишга ҳам тушиб қолдик – ким билсин, прокурор иккаласи пешонани пешонага тираб, бизнинг устимизга қандай қилиб мазғава тўкишни режалаштириб ётишибди. Ҳар бало бўлиши мумкин.

- Ҳаммасини гаплашиб келдим, - деди у бир ишни дўндириб қўйгандай ҳовлиқиб. – Ҳар ҳолда отишга ҳукм қилмайдиган бўлдилар. Буниси аниқ. Қолган барча умрларинг учун мендан миннатдор бўлишларинг лозим. Акс ҳолда булар отишга ҳукм қилишни режалаштираётган эканлар.

— Ўлдик энди, бир умр бунинг олдида бўйин эгиб, миннатдор бўлиб юришимиз лозимга ўхшаб қолди.

— Бизга қўйилган айб учун ўлимга ҳукм қилишмасдилар, чамаси?! – бироз шубҳаланиб сўради Устоз. У айни дамда ким бўлишдан қатъий назар барча билан бирдай хушмуомала бўлишимиз лозим, деган ўйда эди. Чунки ҳозир биз учун ёмонлик қилиш жуда осон.

— Пединститутни тамомлаганмисиз нима бало? – Ориф аканинг бу таънаси асоссиз эди. Агар хотирам панд бермайдиган бўлса унинг ўзи айнан шу жойни тугатган. Ички ишлар идоралари ходимлари бир-бирларига ҳазиллашмоқчи бўлганларида шу гапни айтишарди. Аммо Ориф ака буни Устозни мазаҳ қилгандай бир оҳангда ифодаладики, менинг тишларим газиллаб кетди. — Янги жиноят кодексининг 25-97-моддасини ўқиб кўрганмисиз? Унда катта-ката ҳарфлар билан буни ёзиб қўйибди.

Устоз индамади, у жуда яхши билардики, жиноят кодексига айнан шунақа 25-97 деган модда йўқ. Бу иккита модданинг қўшилгани, яъни 25-модда - жиноий ниятни ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли охирига етказилмаслик ва 97-модда - қотилликнинг қўшилгани эканлигини эҳтимол Ориф ака билмас. Устоз шуни дипломатик йўл билан тушунтирмоқчи эди, бўлмади. Шу сабабли ҳам жимлик билан енгмоқчи бўлди. Ўрнига мен гапирдим:

— Ориф ака, ўзингиз республикадаги катта юристлардан бири ҳисобланасиз, мана янги жиноят-кодексини ҳам биливолибсиз, лекин бир нарсани ифодалашингизга қўйиб қолмай турибман, “қасддан” дейилган жой бор, биласизми. Бизда эса қасд йўқ эди ва умуман бу ишга қўл урганимиз йўқ, Мақсуд билан хотинини ўлимдан қутқариб қолдик, холос. Ана Мақсуднинг хотини ҳозиргина келиб, раҳмат ҳам айтиб кетди. Фақат буни бошқалар тушунмаяпти. Бунинг устига биз бу томонларга бошлиқнинг кўрсатмаси билан келганмиз. Агар...

— Қанақа галчасиз ўзи, - бизнинг ношукрлигимиздан, раҳмат айтиб, унинг оёғига бош уриш ўрнига эътирозларимизни айта бошлаганимиздан Ориф аканинг бироз жаҳли чиқди. – Ахир бизнинг ҳужжатларда сизлар таътилга чиқиб кетган, деб ёзилган. Ундан бошқа бирор-бир ҳужжатни кўрганам йўқ, кўришни ҳам истмайман. Ҳўш, ўзларинг, худонинг юзига қараб айтишлар, меҳнат таътилида бўлган ходим қандайсига жиноятни очиб борасида иш олиб бориши мумкин. Ақлга тўғри келмайди-ку... Яна айтаман, менга раҳмат дейишларинг лозим, ўлимдан олиб қолдим.

У шундай гапирдики, гўё ишнинг у ёқ-бу ёғини сўрайдиган, суриштирадиган одам йўқдай. Инсоннинг тақдирини пашшани ушлаб, бир сиқиб ўлдириб ташлагандай ҳал қилиниб кетаверадигандай.

- Ўзингиз билан қанақа ҳужжатларни олиб келгансиз, — ўзини бироз босиб олган ва тақдирга тан берган

Устоз секин бўладиган гапга кўча бошлади. – Бошлиқдан қанақа топшириқ олгансиз, бизларни ҳимоя қилишми, ёки шу ердан қайтиб бормайдиган қилиб, қамоққа тиқиб кетишми? Агар шунақа буйруқ бўлган бўлса биз индамайгина, қаршилиқ қилмай, бор нарсани бўйнимизга олиб, қамалиб кетаверайлик. Сизларни ҳам сарсон қилиб ётиш шарт эмас.

- Сиз менга адалжения қилманг, — деди Ориф ака тилини бураб, ўзининг билимдонлигини кўрсатиб қўйишга ҳаракат қилиб. – Мен ҳеч қанақа топшириқ олганим йўқ. Бунинг учун ўзимнинг ҳам бошим бор. Менга сизларни чиқариб кетиш ҳам, қаматиш ҳам керак эмас, ҳақиқатни аниқлаштиришим лозим. Ниятим шу. Бошқа ҳеч нарса керак эмас... Биламан, сиз операларни, ҳақиқатни унчалар ёқтиравермайсизлар. Сизларга қолса, агар озгина қарши чиқадиغان бўлса, адолатни бир чеккага суриб қўясизлар. Аммо бундай қилмаслик лозим. Адолат ва ҳақиқат муқаддас тушунчалар. Уларни манфаатлар йўлида чўпчакка айланатириб юбормаслик лозим. Мен бунга йўл қўймайман.

Унинг китобий сўзлари қулоқларимизга жуда эриш туолди. Агар шу гапларни бирор-бир опер айтганда уч кун устидан кулган бўлардик. Ахир бизда бунақа сўзлашиш русум эмас. Бизникилар аниқ, лўнда ва оддий гапирдилар. Имкон қадар халқ тилида, кўчанинг жарғониди сўзлашишга ҳаракат қиладилар. Бироқ бу шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлар алоҳида халқ саналгани сабабли, телевизорга интервью бераётгандай тилларини бураб юборадиларки, кишининг уятдан терилари жимирлаб кетади. Уларнинг ўзлари эса буни сезмайдилар.

— Майли, - деди Устоз унинг жарангдор сўзларига эътироз билдиришга қурби етмаслигини тушуниб. – Наҳотки, бизларнинг бу томонларга махсус топшириқ билан келганлигимиз тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса демаган бўлса сизга?! Бирор-бир ҳужжат ҳам бўлмаса бу борада?!

— Бор, — деди Ориф ака истамайгина бояги жанговарликдан бир пастда пастга тушиб. – Аллақандай ҳужжатлар бор, аммо улар ёрдам бермаса керак, деб ўйлайман. Ахир прокурорнинг бизни ички қоғозларимиз билан неча пуллик иши бор. Агар мана шундай қилиб, жиноятдан қочиб қутилиб кетишининг имкони бўлганда эди қанчаси фойдаланиб қолмасмиди.

Шунисигаям шукр қилдик, ҳар ҳолда у ўзи билан бизнинг ҳаракатимизни оқловчи қандайдир қоғозлар олиб келибди-ку. Эҳтимол фойдаси тегиб қолар. Шундан сўнг яна бироз Ориф ака билан баҳслашиб турдик ва бизни камераимизга олиб бориб, қамаб қўйишди.


Эртаси куни бизларни прокурорнинг ёнига олиб бордилар. У ҳар биримиз билан алоҳида алоҳида суҳбатлашиб ўтирмади. Ҳатто Ориф акани ҳам чақириб, тўрталамиз роса икки соат бизнинг қилмишларимизни роса баҳслашдик. Прокурор биз тасаввур қилганимиздек унчалар ваҳший, ҳаётнинг борди-келдисини тушунмайдиган инсон эмас экан. Юзлари лўппигина, оқ, енги калта қўйлак кийган, сиёҳранг галстук таққан, қизғимтир сочлари бироз сийрак киши экан. Прокурорлигини эътиборга олмайдиган бўлсак, яхшигина зиёли одамга ўхшайди, ҳатто, меҳрибон отага ҳам менгзаш мумкин.

Прокурор зўр бериб бизларнинг ёнимизни олишга ҳаракат қиларди, бироқ бахтимизга қарши барча ҳужжатлар бизга қарши бўлиб тургани сабабли унинг кўлидан ҳеч нарса келмайдиганга ўхшарди.

Энг асосий савол Мақсудни кимлар ўлдирмоқчи бўлганлиги эди. Прокурор бизда бунинг учун асос йўқлигини жуда яхши билиб турарди, бироқ ким, ва нима учун, деган саволлар барибир жавобсиз эди-да. Мақсуднинг Назарқулов ўлимига алоқадор бўлиши мумкинлиги, ўша томонлардан нимадандир қочиб, бу ерларга келиб қолганлиги, у кимдандир чўчиб юрганлиги ҳақидаги гапларимиз унга тасалли бермади. Айнан шу ҳолатлар бизнинг айбдор эканлигимизни ҳам исботлаши мумкинлигига шаъма қилиб ўтди. Ахир бизлар ҳам унинг ортидан изғиб келганмиз-ку.

— Мен ўз ҳолимча жиноят ишини тўхтатолмайман, бунинг учун асосим ҳам, ҳаққим ҳам йўқ, — деди у биздан узр сўрагандай қилиб. - Менинг битта жоним бор,





қонунни бузишга журъат қилолмайман. Билиб турибман, сизлар бу томонларга ўзларингизнинг ғаразли ниётларингизни амалга ошириш учун келмагансизлар. Мана, бошлиқларингизнинг хати, режаларингиз бор. Унда сизларни аллақандай Назарқуловнинг қотиллигини фош этиш учун юборилаётганликларингиз ҳақида битилган Аммо, ҳамма гап шундаки, сизларнинг қилиб юрган ишларингиз унга зид. Бундан ташқари жабрланувчи бор, у сизларга қарши кўрсатма бериб турибди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам сизлар айтаётган гапга қарши. Шундай экан, мен қонунни бузган ҳолда, ўз ваколатидан ташқарига чиқиб кетганликларингиз учун сизларни озод қилолмайман.

— Ахир Назарқуловнинг ўлимида Мақсуднинг қўли бор-да, - деди Устоз умид билан. — Бизнинг мақсадимиз ҳам шуни исботлаш эди-да. Шу ниётда келиб, манави, ярамас ишга аралашиб қолдик.

— Яхши, - деди прокурор босиқлик билан. — Аммо Мақсуднинг қотиллика алоқаси борлиги тўғрисида ҳеч қандай факт топганларингиз йўқ-ку, тўғрими?

Бу саволга бизда жавоб йўқ эди. Нима дейишимизни билмай, бошимизни эгганча, жимгина прокурорнинг узоқ ва жўшқин нутқини тинглаб ўтиравердик. У шундан кейин ҳам роса ярим соат тўхтовсиз, қироат билан гапирдики, мен бу маъруза ўқиш тўғрисида машқ қилаётганим, деган хулосага ҳам бориб қолдим. Прокурор ҳақиқатан яхши гапирар экан — нутқи раван, сўзларни дона-дона қилиб ифодалайди. Оҳангидаги савуққонликни айтмайсизми, ортиқча ҳаяжон, ҳис-туйғу умуман сезилмайди. Унинг нутқи орасига ҳар-ҳар замонда Ориф ака ўзининг ювилмаган қошиққа ўхшаган, беўхшов гапларини суқиб турдики, прокурорнинг раван нутқи олдида унинг гаплари супурилмаган уйдайд ўнғайсиз ва ёқимсиз эди.

Прокурор бизнинг яхши тушуниб турганди. Унинг кўзларида раҳмга ўхшаш юмшоқлик аломатларини илғаб олиб, ич-ичимдан севиндим. Эҳтимол у бизларнинг аҳволимизга ачинаётгандир. Ахир бу томонларга ўз ихтиёримиз билан келмаганлигимизни жуда яхши билиб турибди. Бунинг устига бизнинг раҳбарларимизнинг бу тарздаги тушунарсиз ҳаракатлари уни роса ҳайратга солган бўлса не ажаб. Одатда кишилар ҳеч кими йўқ, барча томонидан рад этилганларга раҳм қиладилар.

— Ҳозир мен бир фикрга келдим, — деди прокурор ҳаяжонланганидан ўрнидан туриб кетиб. — Иккаларингизни яшаш жойидан чиқиб кетмаслик тўғрисида тилхат олиб, очикда қолдираман. Аммо жиноий ишни ёполмайман, сизлар эса ўн беш кун ичида Мақсуднинг қотиллика алоқаси борлиги, уни бошқа одамлар ўлдирмоқчи бўлганлиги тўғрисида аниқ далиллар олиб келасизлару мен жиноий ишни ёпаман. Агар олиб келолмасаларингиз, қолганини суд ҳал қилади. Аммо нима бўлишидан қатъий назар ўн беш кундан сўнг шу ерда бўлишларингиз шарт. Акс ҳолда, одил судловдан қочиб юрибди, деган айб билан қидирув эълон қилишга мажбур бўламиз. Биз йигирма кундан сўнг жиноий ишни ёпишимиз шарт. Шунга келишсак бўладими? Айтиб қўяй, буларнинг барчасини сизларга ишонганим ва раҳим келгани учун жавобгарлигини шахсан ўз зиммамга олган ҳолда амалга ошираяпман. Мени уялтириб қўймайсизлар, деган умиддаман.

— Бўлади, - деди Устоз биров шалпайиб. Унинг шу давр ичида биров иш қилишимизга ақли етмай турганди. — Ҳаракат қиладиган бўлсак бирор иш чиқиши мумкин. Шу ўн беш кун давомида қамоқда ётганимиз билан ҳам бирор-бир натижага эришишимиз мушкул.

Шу куни Ориф ака бизлар билан совуққона хайрлашиб, ўзимизнинг шаҳарга қайтиб кетди. Биз эса жиноий иш билан боғлиқ бир қатор расмий ҳужжатларни ҳал қилиш учун яна бир кун қоладиган бўлдик. Аслида Ориф ака бизларни кутиб турса, бирга қайтсак бўларди. Бироқ у бунга истамади. "Сенлар Мақсуднинг жиноятини аниқлаш учун бу ерда яна ўн кунга яқин бўлсаларинг керак, менинг эса ишим тигиз, қайтмасам бўлмайди", деб баҳона қилиб жўнаб кетди. Бундан мен ҳам, Устоз ҳам хафа бўлганимиз йўқ.

Прокурор бизга шарт қўйганди: нима иш қилишдан қатъий назар Мақсуд билан суҳбатлашишга уринмаслик,

бунинг йўлларини қидирмаслик, Чандирга ҳам бориб юрмаслик. Адвокатлар оламга жар солиб юборишлари мумкинлиги уни чўчитарди. Шундай қилиб бизга имкон берилиши билан бир вақтнинг ўзида, ҳаракатимиз ҳам чеклаб қўйилганди.

— Сизларнинг ҳар қандай ҳаракатларингиз, қилмишларингиз учун бугундан бошлаб мен ҳам жавоб бераман, — деди у огоҳлантирувчи оҳангда. — Далил топасизларми, йўқми — бу сизларнинг ишларингиз. Аммо шу даврда бирор-бир жиноят қилмай, ҳеч қандай саргузаштларга аралашмай, соғ-саломат қайтиб келишларингиз лозим. Сизларга қиладиган бу яхшилигим ўзимнинг бошимга ғалва олиб келадиган бўлмасин. Юзлаштириш тергов ҳаракатини эса сизлар қайтиб келганларингиздан сўнг амалга оширамиз.

Пешинга яқин бизларни озод қилдилар. Кўчага чиққанимиз ҳаманоқ олдимизга ўша эски савол пайдо бўлди: нима қилмоқ керак?

Устоз умуман каловланиб қолганди, ундаги тушкунлик кайфияти шу даражага етиб келгандики, ҳатто шу ернинг ўзидаёқ кўчанинг ўртасига ўтириволиб, хўнграб йиғлаб юборишга тайёр эди. Нима иш қилмайлик, барибир ҳеч қандай натижа чиқмайди, бошимизни қай деворга урмайлик, Мақсуднинг Абдини ўлдиришга алоқаси борлигини исботлай олмаймиз, уни кимлар калтаклаб кетганини аниқлолмаймиз деган аҳмоқ фикр унинг калласига шу қадар ўрнашиб олгандики, ҳатто бизга озроқ бўлса-да имконият яратиб берган прокурорга раҳмат ҳам демади. Унинг олдидан бир сўз ҳам демай хўмрайиб чиқди.

Мен эса аксинча, агар ҳаракат қилсак ниманидир исботлашга, ҳеч бўлмаганда ўзимизнинг айбсизлигимизни исботлаш учун биров далил йиғишимиз мумкинлигига жуда қаттиқ ишонардим.

Устоз биринчи навбатда уйга қайтиш ва болаларни кўриш лозим, деган фикрда эди.

Менга Насиба билан хайрлашмаганим жуда алам қилди. Тўғриси бу даражада қадрдон ҳам бўлиб кетганим йўқ. Бироқ шу ўтган кунлар давомида у менинг ягона хаёлимга айланиб улгурганди. Мен у билан деярли ҳар доим, бир дақиқа ҳам тўхтовсиз хаёлан гаплашар, баҳслашар, унга хаёлан ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни гапириб берадим. Бу таниш-билишлар бўлмаган, гаплашадиган сирдошинг йўқ бегона юрда, Насибанинг борлиги жуда катта ёрдам берганди. Мол боқиш, ҳовлининг майда юмушларини бажаришга хаёлимда Насиба бўлгани учунгина чидаб, сабр қилиб келгандим. Бўлмаса аллақачонлардир бу юртлардан қочиб кетган бўлиши аниқ эди. Чунки, фақат хизмат мажбурияти учунгина киши бунчалар хўрликларга чидаши қийин. Ҳар ҳолда мен шундайман... Мана шундай қизга мен кетиш олдидан "хайр" деёлмадим. Алам қилади. Эҳтимол энди уни бир умр кўрмасан. Эҳтимол у эртага бўлимга келар, мени излар... Тополмай хуноб бўлар.

Бозорга борганимизда одамлар сийраклашиб қолган экан. Киракашлар ҳам унчалар кўп эмас — онда-сонда машиналарининг ёнида қўлларидидаги қалитларини ўйнатганча, эринчоқлик билан миждо кутиб ўтришарди. Бизнинг таклифимизни эшитганлар моховни кўргандай нарига қоча бошлади. Ниҳоят ўзимизнинг шаҳарлик бир Жигули ҳайдовчисини топдик. Унинг ватандошлик туйғусини уйғотганимизга, роса ярим соат гапиришга тўғри келди. Унда бу туйғу шахримизга борганимиздан сўнг уйдан йўл ҳақини икки баробар қилиб олиб беришимиз тўғрисидаги айтганимиздан кейингина уйғонди. Устоз кўшнисидан қарз кўтармоқчи бўлди.

\*\*\*

Эртаси куни эрталаб, ваъдалашилганимиздай, ишхонамизга бордик. Бизни ҳамкасблар биров истеҳзо ва кулгу билан қарши олдилар. Айримларининг қарашларида бизга нисбатан ачиниш ҳиссини ҳам уқдик. Айниқса менинг шахсимга нисбатан қизиқиш жуда ортиб кетгани маълум бўлди. Вазият шунгача бориб етгандики, шу пайтгача менинг борлигимни ҳам сезмаган муншийхона иш юритувчиси Таня ҳам келганимни эшитиб, икки марта мен аллақачонлар қайга қўйганимни ҳам унутиб юборган ҳужжатларни сўраб ёнимга чиқиб, афт-ангорим-

га берилиб, сидқидилдан разм солиб кетди. Ўйладимки, хизмат сафари менинг обрўйимни ошириб юборган бўлса керак. Адашмаган эканман, ҳақиқатан ҳам обрўйим ошганди. Бироқ бу бутунлай ижобий ҳолат деб ҳам бўлмасди. Чунки жиннихонага экспертизага бориб келганим аллақачон Ориф ака томонидан бутун бўлимга жар солиб чиқилган экан. Таяна ҳам шундай жинни одам қанақа бўлар экан, деган кизиқиш билан чиққан экан. Иккинчи бор чиқишида гап нимадалигини билиб қўйганим учун афтимни қўлимдан келганича қийшайтириб турдим. Бу сафар у учналар ҳам ажабланмади. Кўнглида қониқиш хисси пайдо бўлди, тезда хонасига тушиб кетди. Билдимки, у ички телефон алоқасини кўтариб, бутун бўлимга менинг ҳақиқатан жинни бўлиб қолганим ҳақидаги хабарни ёйиб чиқди.

Восит ака – ўзимизнинг Чалпак кечаси навбатчи бўлган экан, ундан Абдининг ўлдирилиши тўғрисида тўпланаётган ҳужжатлар билан кизиқдик. Ҳужжатлар билан танишиш учун бошлиқдан рухсат олиш лозимлигини айтди.

Бошлиқ келишини анча кутдик.

– Ҳа, полвонлар? – деди бошлиқ ўтирган жойидан кимирлаб қўйишни ҳам лозим топмай. – Нимага бўлимнинг шаънига ҳар хил гап теккизиб юрибсанлар? Пул ишлашнинг осон йўлига ўтиб олдингларми?

Бошлиқ яна бир қанча бўлар-бўлмас гапларни қалаштириб ташлаганидан сўнг, сўзини тополмай қолди. Аслида унинг лексикони жуда камбағал эди. Агар жимгина туриб эшитиладиган бўлса, тахминан уч дақиқага етиши мумкин. Шундан ортмайди. Аммо айримлар шошиб қолиб, ўзларини оқлашга киришиб кетадиларки, сўкишларнинг бошқа томонлари намоян бўла бошлади.

– Ўзи нима бўлганди? – бакирди ниҳоят бошлиқ лексиконидаги сўзларни тамомлаб, ортинча сўз қидириб, ўзини урунтиргиси келмай. – Орифинг у дейди, бошқаси бу дейди. Ўзинг гапир-чи, Зиёд.

Устоз ўзига бунчалар тез ва важоҳат билан сўз берилганидан каловланиб қолди. Бир-икки ютиниб, томоғини хўллаб олиб, гап бошлади:

– Уртоқ бошлиқ, бизлар топшириқ бўйича бориб, Мақсудни топдик ва уни кузатишни бошладик. Бу мақсадда унинг ишончига кириб, уйига ишга ёлландик. Қисқаси мардикорчилик қила бошладик. У ёқларда бундайларни Уста дейишар экан. Мен ҳам Уста бўлиб, гишт қўйдим. Олим эса Тўрақул деганникида мол боқди, ховли сўғорди.

– Ким у Тўрақул? – сўради бошлиқ гўёки гап унинг танишлари тўғрисида кетаётгандай.

– Танимайсиз, – дадиллашиб гапини давом эттирди Устоз. – Шу томонларда бир бой бор экан, исми шунақа. Хуллас ўшаларнинг уйларида биз буларнинг Абдини ўлдиришга алоқаси борми, йўқми деган савол билан иш олиб бора бошладик. Кейин бир куни кечаси Мақсуднинг уйида ётганимизда аллақандай номаълум шахслар келиб, Мақсуд билан унинг хотинини ўлдирмоқчи бўлди. Биз кутқариб қолдик. Эртаси куни бизни ўша томоннинг оперлари қўлга олдилар. Бўлган гап шу. Бошқа ҳеч қанақа жиноят ҳам, ҳуқуқбузарлик ҳам бўлгани йўқ.

– Нега сенларни ўлдиришга урунмади ўша номаълум кимсалар? – бошлиқ Устознинг беғуноҳ ҳикояси таъсирида сўради.

– Билмасам. Ушласак, аниқлаймиз. Балки бизларни кўрмай қолгандир, унинг ён томонида, гишлар уюми орасида ётгандик. – деди Устоз.

– Демак сенлар бу ерда менинг қулоғимга тегиб, қилмишларингни оқлашга ҳаракат қилиб турган бўлишларингга қарамай, орқаларингдан келган бир арава тўхмат ҳам, Орифнинг гаплари ҳам, қисман тўғри, яъни ҳақиқатан ҳам сенларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва бу иш билан прокуратура шуғилланаётми? – бошлиқ гумонларини тасдиқлаб олмоқчи бўлди.

– Шундай деса ҳам бўлади. – Устоз чайналди. У учун бу ҳақиқатни тан олиш жуда оғир эдики, унинг ўзи ҳам буларнинг рост эканлигига ишонгиси келмай турганди. – Лекин сиз ўйлаганчалик, ва сизга етказишганчалик ваҳимали эмас. Агар шунчалар жиддий бўлганида прокурор бизларни қўйиб юбормаган бўларди. Уям жонидан тўйган эмас.

– Жиноий иш қўзғатилган бўлса бас-да, бизларга унинг жиддий, ҳазиллигини қандай аҳамияти бор. Биз учун шуниси аҳамиятли, қолганлари сенларнинг муаммоларинг, яъни қанча муддат беради, ёки шартли ҳукм қилади, мана нималар безовта қилади сенларни. Бизларга эса бу жуда катта зарба бўлди. Орқадан берилган зарба.

Бошлиқ бизларга нисбатан Ориф ака томонидан пайдо қилинган ўзининг салбий фикрини бироз ўзгартирган бўлишига қарамай, бутунлай яхши томонга қайириб бўлмади. У бизга ёрдам беришдан деярли бош тортиди.

– Ҳақиқатдан кўз юммайман, – деди у киши бизга яхшилик қилгандай бўлиб. – Сенларни у томонларга юборганлигимни, худонинг олдида ҳам тан оламан. Керак бўлса бунинг учун курашаман. Аммо сенларнинг у ёқларда нима ишлар билан шуғулланганликларинг эса билмайман. Шунинг учун бу ҳолат учун жавоб беролмайман. Буни прокуратура ўрганади, аниқлайди ва хулоса қилади. Бунга аралашинг эса бизнинг ҳаққимиз йўқ. Агар қонун доирасидан чиқмаган бўлсаларинг, ҳеч хавоти оладиган жойи йўқ, қўйиб юборишадилар, аксинча бўлса, жавоб беришга тўғри келади. Қонун аммамининг томоғқаси эмас, кириволиб, хоҳлаган ишимизни қилаверсак. У барча учун бирдай бўлиши лозим.

Иккаламининг бошимиз қотиб қолди. Мен Устозни заптига оламан:

– Ахир гуруҳнинг каттаси сизми ёки мен? Бир йўлини ўйлаб топинг-да. Қолаверса менинг қонуний мурабийим сиз бўласиз, охир оқибатда судга бориб, мен ҳеч нарсани билмайман, мурабийим шундай қилиш керак, деб буйруқ берганди, шуни бажардим. Қолган бирор нарсани билмайман деб туриб оламан. Кейин ўзингиздан кўринг.

– Бемалол, – дейди Устоз тишларини орасидан гапириб, – ўзи ҳозир битта сен қолиб турибсан мендан кечиб юбормаган. Ҳатто ўз хотиним ҳам кеча кечаси билан уруш қилиб чиқди, нима ишлар қилиб, қайларда юрибсиз деб. Агар шу тарзда яна ўн кун йўқоладиган бўлсам онасиникига кетармиш. Гапини қара, онасиникига! Ўргулдим, қайнонам ўн йил бурун қазо қилиб кетганди. Бунинг ёдида йўқ шекилли. Энди сен қолиб турибсан шундай оғир бир пайтда менга тўхмат қилмаган.

Унинг бу гапларидан кейин тортишининг мавриди эмаслигини тушуниб, индамай қўя қолдим.


\*\*\*

Жанжаллашиб ётиш ортиқча эди. Бўлимнинг старшинасидан маошларимизни олиб, ўзларимизни минг қўйлик бойдай ҳис этиб қолдик. Ким нима деса десинку, барибор чўнтақда пулнинг бўлгани яхши, кўкрагингни бемалол кериб юраверсан.

Устоз пулдор бўлиб, калласи ишлаб кетди. Шартта орқага қайтиб, қўшни вилоятдаги ҳамкасбларимиздан Мақсуд билан гаплашиш учун рухсат олишни, ёки шу иш бўйича тўпланаётган ишлар билан танишишни илтимос қилмоқчи бўлди. Бироқ бу беҳуда иш эди, чунки бизга нисбатан тергов ҳаракатлари юритилаётганлиги сабабли вақтинчалик ўз вазифаларимизни бажаришдан четлатилгандик ва ушбу ишга ҳар қандай аралашувимиз тергов ишларига тўсқинлик қилиш, халақит бериш деб талқин этилиши мумкин. Бунинг эса оқибати ёмон.

Бизнинг биринчи навбатдаги ишимиз Мақсудга суиқасд қилганларнинг кимлигини ва бунинг сабабларини аниқлашимиз шарт эди. Бунинг илдизлари эса ўзимизнинг шаҳарга келиб тақалади. Шу сабабли ҳам лўқиллаб қўшни вилоятга бориб юришнинг фойдаси йўқ эди. Буни Зиёд акага тушунтиришга уриниб кўрдим. Кўнди. Қайга ҳам борарди.

Ишни Мақсуднинг шахсини батафсилроқ ўрганишдан бошлади. Яхшики, ҳамкасбларимиз гумондорлардан бири сифатида у тўғрисида кўпгина ахборотларни йиғиб қўйишган экан. Улар билан танишиш жараёнида бизни қизиқтирадиган кўп нарсаларни кўчириб олдик. Бироқ жиноят изини очиб ўргинмак тўридаги бир гап. Бир ипни топсанг, у бориб, тўртта-бештага ажралиб кетади, улар ҳам бориб, яна бўлиниб кетади. Шундай қилиб, биттагина жиноятни очиб учун бутун шаҳар тўғрисида, унинг одамлари ҳақида барча нарсани билишингга тўғри



келади.

— Ҳамкасбларимиз Абдини ўлдиришда бир гумондорни қўлга олишган экан. Ҳабиб деган Айтишларига қараганда милтиқнинг сочма ўқига тикан қилинган қоғоз орқали чиқишибди, сингисининг математикадан ёзма иши экан. Ўзи ҳам олдин ўғрилиги учун судланиб чиққан экан. Абдини ҳам таниркан. Ўша кунги алифбоси ҳам йўқ. Ўзи бозорда савдо қилганман, деб турганмиш.

— Бирортасининг буюртмаси билан қилган эканми буни? — Устоз умид билан Воситдан сўради.

— Қанақа буюртма? Бир гапларни қиласанларки, одамнинг эти жунжикиб кетади. Американинг киносида юрибсанларми нима бало. Ҳаётга боқсаларинг-чи, ҳаётга. Ҳаммаси жуда оддий. — Мақтанчоқлиги етмагандай, Воситнинг фалсафага мойиллиги ҳам бор. — Ҳозирча ҳеч нарсага тан олмай турибди. Лекин милтиғи бор, сабаби бор, алибиси эса йўқ, демак шу қилган-да, бошқа ким ҳам бўларди.

— Қанақа сабаб? — сўрадим мен.

Абди билан ош-қатиқчилиги бор экан. Икки кун олдин бир танишларининг туғилган кунинда аллақандай қизнинг устидан уришиб қолишган. Ким-кимга айтгани номаълум-ку, бироқ "ўлдираман" деган гаплар ҳам бўлган. Гувохлар бор.

Биз Ҳабиб билан суҳбатлашиб кўргандик, янги гап олиб бўлмади. Кўзларини бақрайтириб, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, деб турибди. Мақсудни эса умуман танимаслигини айтди. У Чандирга борганларнинг орасида бўлмаганлиги аниқки, у пайтда аллақачон ҳибсга олинган экан. Бу бизни ниманидир аниқлолмаганимизни, назардан қочирганимизни, ёки яна қандайдир ёвуз кучлар ташқарида юрганлигини билдирарди.

Жиноят ишининг бу тарзда осон ва тез очиб ташлашни бизлар учун шубҳали туюлди. Кўнглимизда бунга нисбатан ишонмасликка истак бўлгани сабабими, жавоб топилиши лозим бўлган саволларимиз кўп эди. Ов милтиғи кичик нарса эмас, уни олиб борганда кимнингдир кўзи тушиши керак эди. Шундай гувохлар кейинчалик топилганми йўқми? Баллетристик экспертиза қилинганми? Абди айнан шу милтиқдан отилганини исботловчи ҳолатлар мавжудми? Ва ниҳоят, ушланган йигитнинг Мақсудга алоқаси борми? Бироқ бу саволларни кимга берамиз? Шу иш билан шуғулланаётганлардан бирини чойхонага таклиф қилиб, яримта билан эритишдан бошча чораси йўққа ўхшайди. Бу масалада эса Чалпақдан ўнғайи йўқ. Оперларнинг орасида унданда лаққи ва содаси йўқ.

Бироқ вақтимиз тигиз эди. Бошни ортиқча нарсаларга қотириб ўтирмай, ўзимизга бевосита алоқадор нарсалар билан шуғулланмоқчи бўлдик. Ишни эса менинг маслаҳатим билан ДАН постларидан кўшни вилоятга ўша — биз дўппосланган кун кечаси ўтган машиналарнинг рўйхатини олишдан бошладик. Бу жуда сермашаққат иш экан. Юзлаб машиналарнинг ичида бизга керагини топиш учун кўп вақт лозим бўлади. Лекин бунинг зарари ҳам теғмайди. Уларни эгаларини аниқлаш учун бошлиқ номидан ДАНга топшириқ берилди. Бироқ бунинг учун анча вақт керак бўларкан.

Эртаси кун Мақсуднинг ишхонасига бориб, кадрлар бўлимига, бошлиқларига, ҳамкасбларига учрашиб, улардан бирор киши Мақсуднинг манзилини сўраган-сўрамаганлигини суриштирдик. Ижобий жавоб ололмадик. Қайтанга унинг бошлиғи биздан Мақсудни тезроқ топиб беришни талаб қила бошлади. 20 кунга таътил олгани ҳолда, ханузгача йўқ эмиш. Иш тўхтаб қолди, дейди.

Бошлиққа ёрдам беришни ваъда қилиб, Мақсуднинг хонасини очиб, унинг шахсий қоғозларини титкилаб, тайинлироқ нарса тополмадик. Наилож, варақланадиган календарини очиб, у ердаги барча гапларни кўчириб олдик. Уларнинг ичида беш-олти телефон рақами ҳам бор экан, ишга қайтиб, эгалари ва манзилларини аниқлашга киришдик.

ДАН масканидан бизни дўппослашган кун кўшни вилоятга ўтган машиналарнинг эгалари ва биз Мақсуднинг варақлама календаридан топган телефон рақамларининг манзилини аниқлашга ярим кун кетди. Уларнинг орасида манзили тўғри келадиганини топиб бўлмади.

Шундан кейин машиналар эгаларининг шахси билан қизиқиб кўрдик. Бир кун давомида эликка яқин кишиларни сўроққа тутдик, барчаси бемалол ўша кун кўшни вилоятга борганлигини тан олиб, бамайлихотир борган жойларини ҳам айтишди. Биз уларни кейинчалик текшириш учун ёзиб олдик. Фақат бир "Нексия"нинг эгаси, исми Қадам, кўшни вилоятга борганлигини тан олмади, кейин эса ёдида йўқлигини, жуда кистовга олганимиздан кейин эса бозорга борганини, бир машина кўй олиб келганини айтди. У ёқларда кўй арзон эмиш. Устоз ўзига хос бир қанқувлик билан эшак ҳам арзонлигини тиркаб ўтди. Бироқ Қадам ҳам анойилардан эмас экан, дарров жавоб қайтарди:

— Бизда эшакнинг баҳоси жуда паст.

Шундан кейин узр сўраб орқага қайтдик. Натижа бор эди. У энди барча лозим чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қилади. Лекин асосийси калаванинг учи топилаётганида, қолганини секин-асталик билан суғириб олиш мумкин. Бу ёғи энди техник ишлар.

Бошлиққа айтиб, прокурордан рухсат олиб, ҳамкасбларимиз Қадамнинг ҳаракатини кузатадиган бўлди. Биз уни чўчитиб кўйгандикки, энди у типирчилаб, билган-билмаган ҳолда ўзининг орқасини оча бошлаши керак эди.

Қадам шу кун кечки пайт спортзалга бориб, Жўра деган каратэчи йигит билан учрашди. У эса анчадан буён бизнинг шубҳамизга остида эди.

Жўрани бўлимига таклиф қилиб бўлмасди. Ҳеч нарсага тан олмаслиги аниқ. Қамаб қўйиш учун эса бизда ҳеч қанақа далил йўқ.

Астойдил йиғласанг сўқир кўздан ҳам ёш чиқади, дегич эди Раззоқ бова. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қадам тушмагури тадбиркорлик қиларкан. Кузатиб юриб, унинг Туркманистондан акциз маркаси бўлмаган сигареталарни олиб келиб, улгуржи бозорда, яширин сотишини билиб қолдик. Бизнинг ваҳимамиздан кейин у бу ишга киришмаслиги мумкин эдик-у, товарга эртароқ буюртма бериб қўйган эканми, ярим кечаси бир юк машинасида емнинг орасида олиб келиб қолишди. Тушираётган пайти шартта бориб босдик. Зиёд аканинг мантиғи бўйича бундайлар барибир жиноятчи бўлиши керак эди, айтгандай бўлиб чиқди ҳам.

Албатта бу жинояти билан уни қамаб юбориш кўп мушкул, бизга бу керак ҳам эмас. Аммо, асосийси, вақтинча ҳибсга олиш мумкин. Товар катта микдорда эди.

Тергов пайтида асосий ургуни кўшни вилоятга борган-бормаганига қаратган эдик, охири тан олишга мажбур бўлди. Чунки у ортиқча баҳона тополмай қолганди. Жўра ва яна ўзига нотаниш икки киши билан билан тоғ яқинидаги аллақандай қишлоққа бир кун кечаси борганлиги ҳақида кўрсатма берди. У машинада ўтириб турган, йўловчилари эса аллақайларга икки соат йўқ бўлиб кетиб, сўнг ховлиқиб қайтиб келишган. Жўра унга "юк"ларини ўтказишда ёрдам бериб турган экан, шунинг учун, ушбу ишнинг бироз шубҳалилигига қарамай, унга йўқ деёлмабди.

Тезда Жўрани тутиб келдик. Уни қадам билан юзлаштирганимиздан сўнг, Мақсудни икки дўсти билан бориб, дўппослаб келганини тан олишдан ўзга чора қолмади. У бунга бир пайтлар Мақсуд шаънига тегадиган гап қилганини ва ундан ўч олиш учун калтақлаганини баҳона қилиб кўрсатди. Ўлдириш нияти умуман бўлмаганлигини айтиб, туриб олди. Бу жуда айёр инсон эди; ундан шундан бошқа ҳеч нарса олиб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шунга қарамай жиноят очилганди, бизнинг айбисизлигимиз исботланганди. Энди бемалол оёқни узатиб ухласак ҳам бўларди. Бироқ Зиёд аканинг, Раззоқ бова айтгандай, пайтавасига қурт кирганди. Унинг фикрича буларнинг барчаси беҳуда гап бўлиб, аслида Жўра ёки унинг тарафдорларидан бири Абдини ўлдирган. У наша сотиш билан шуғулланган бўлса керак. Мақсуд ҳам буларнинг орасига аралашган бўлса керак. Фақат у Мақсуднинг қачон нашаванд бўлиб қолганини билмай турибди — Абди билан танишишдан олдинми, кейинми. Эҳтимол унинг бойлигини билган (ҳар ҳолда бош ҳисобчи) нашафурушлар атайлаб ўргатишгандир. Бўлиши мумкин. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатадиганларга бойвачча миқозлар Худонинг инъомы. На-

шафурушларнинг Абди билан алоқаси қочади (ё пулни ўз вақтида тўламаган, ёки товар сифатсиз чиққан, ёхуд билиб-билмай кимнингдир думини босиб қўйган, жуда бўлмаса кимгадир, ниманидир гуллаб қўйган – ишқилиб бунинг учун минглаб сабаблар бўлиши мумкин) ва уни гум қилишади. Мақсуд ҳам Абди билан бир гуруҳда бўлган, лекин уни ўз вақтида ўртадан олиб ташлашолмаган, ёки қотилликдан яхши хабардор бу йигит билан милиция қизиқиб қолганидан сўнг, уни ҳам йўқ қилиш ниятига тушиб қолишган. Бор гап шу.

Устознинг тахминларида, эҳтимол жон бордир, аммо негандир бу икки жиноят бир-бирига сира ёпишмай демасди, ҳатто яқин йўлагиси ҳам келаётгани йўқ. Буни айтсам, Устознинг ҳақли чиқади ва мени ишни орқага тортишда айблаб (қошки мен унинг гапларига юз фоиз ишониб, маъқуллаб турганим билан иш олдинга юрақолса, аммо буни унга тушунтириб бўлмайди), урушиб беради.

-Эй, сен бола, Мақсуднинг ҳаракатларни кузатганмисан, ўзи? – дейди қизишиб. – У бизларни нега уйига чақириб, кечаси ҳам уникида қолишимизни ташкиллаштиради? Ўйлайсанки, унинг биздан ўзга яқинлари йўқми-ди, ҳолидан хабар олгани. У орқасидан излаб боришларини жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам ўзининг яқинлари бу ўйинга аралашиб қолишини истамаган. Яна агар кечаси келишадиган бўлишса, бизларни Мақсуд деб ўйлаб, бўғизлаб кета қолишларига умид қилганки, бизни оддий кўғирчоқ сифатида ишлатмоқчи бўлган. Эҳтимол жанжал чиқадиган бўлса ҳаммасини бизга ағдариб юборишни ҳам олдиндан режалаштириб қўйгандир. Сен ўйлайсанки, кечаси ким бостириб келганини у билмаганми, ростдан ҳам биз деб ўйлаганми? Анойилардан эмас у тулки. Жанжални бизга ағдаришидан, унинг асл моҳияти очиلىшидан манфаатдор эмаслигини тушунамаяпсанми? У милициянинг назарига тушиб қолишдан қўрқиб юрганди. Орқасида нимадир борлиги учун шундай қилади-да.

Менинг булар қанчалик жозибали бўлиб кўринмасин, барибир ўртадаги узилиш – жарликни қандай изоҳлаш мумкинлиги ҳақидаги гапларимга Устоз бафуржа изоҳ беради. Унинг бу борадаги ярим соатлик гапидан бир нарсани тушундим: Бизнинг ушбу ҳолатимиз жуда ўнғай экан – ўртадаги жарликка хоҳласак у, хоҳласак бу томондан ёндошиб, ишни ҳал қилишимиз мумкин экан. Тўғриси айтганда, бунда ҳам, жарлик дегандан бошқасига унчалар фаҳим етмади.

Устознинг гапига кирган ҳолда, жарликнинг нариги томонига ўтмоқчи бўлдик. Бизнинг тилда бу жиноят ишни очишга Мақсуднинг калтакланиши эмас, балки Абдининг ўлдрилиши томонидан ёндошишни аңглатаркан.

Жиноят иши бўйича тўпланган материалларни кўздан кечира бошладик.

Суратлар, бармоқ излари, суриштирувлар, хулосалар, далолатномалар. Бу қоғозларнинг орасида йўқолиб кетиш ҳеч гап эмас. Буни ҳам етмагандай, йигитларимиз Абдининг уйдан топилган кундалик дафтари ҳам олиб келишган экан. Ичидан бирор нарса чиқиб қоладими, деган бўлсалар керак-да. Бироқ бунда аллақандай кўшиқлар, шеърлар, рақамлар ёзиб ташланганки, тушуниш қийин.

Дафтарнинг ёзилган сўнгги бети йиртиб олинган. Экспертларимиз, нариги бетдаги излари бўйича, ёзувни тиклашган экан. Унчалик аниқ эмас-ку, ўқиса бўлади. Бу Абди ёзуви эмасди. Варақ қотил томонидан йиртиб олинган бўлса керак. Эҳтимол ўзи нималарнидир ёзиб, Абдига тушунтирган, у тушунавермагач, ёки тушунишни истамагач, отиб ташлаган. Кейин ёзувни йиртиб олган.

Шу тахмин билан ёзувни ўрганишга киришдик. Бу фақат рақамлардангина иборат, кўпроқ тенгламага ўхшаб кетарди. Икс, игреклар ҳам бор эди. Унга қараб ҳеч нарса тушунавермаганидан сўнг қўл силтадим:

-Бизнинг математика ўқитувчимиз бир пайтлар мана шундай ёзарди. Тушунарсиз. Ўқитувчи ёзганми, дейман-да. Оддий одам ўла қолса бировга бирор нарсани тушунтириш учун тенглама ёзиб ётмайди.

-Наҳотки Мақсуд бўлса? – Устоз ҳаяжонланди.

-Ким айтди сизга, Мақсуд ўқитувчи деб? – Мен олайдим. – У бор-йўғи ҳисобчи, холос. Туянинг ўрқачи билан аёлларнинг кўкраги орасида қанча фарқ бўлса, булар иккаласи шунча ўхшаш.

Устоз жимиб, яна иш материалларини титкилашга киришди. Унинг кўзи ярми куйган, сочма ўққа тиқин қилинган қоғозга тушди.

-Бир ишда мактабга, ўқитувчиликка алоқадор икки материал чиқса шубҳали туюлмайдими? – сўради Устоз бу сафар босиқлик билан.

-Қоғозда ёзилган мактабни бир кўздан кечирсак бўларкан, — дедим мен ҳовлиқиб. — Бу ерда бир гап бор.

\*\*\*

Шаҳардаги 11-мактабга барибир шу куни боришнинг имкони бўлмади – иш билан банд бўлиб, кеч бўлиб кетганидан беҳабар қолган эканмиз. Шу ҳовлиқиб чиққанча, қоронгу тушиб қолганини кўриб, уй-уйимизга тарқалишдик. Эрталаб эса ўша мактаб ёнида учрашишга келишиб олдик.

Мактабда бизни унчалар хушламайгина қаршиладилар.

Лобарларга (акасини Воситлар қамаб қўйган қизчанинг исми шунақа эди) математикадан бир жувон кираркан. Кайфиятимиз тушиб, орқамизга қайтмоқчи бўлиб тургандик, Зиёд аканинг калласига янги ўқув йили бошланганлиги тушиб қолди. Сўраб кўрсак, ҳақиқатан ҳам, ўтган ўқув йилида уларга математикадан Миродил деган ўқитувчи кирган экан. Шартта уни чақиртириб, суҳбатини олдик. Ёмон одамга ўхшамайди: бўйи паканадан келган, хомсемизроқ дейиш ҳам мумкин, икки юзи қипқизил, сариқ, сочлари жуда сийрак, лекин Устозникичалик эмас. У кишининг каллиги шундай кўриниш туради, буни эса ундай деб бўлмайди, тепаси ҳам, сочининг орқалари ҳам бир хил – сийрак, нимжон сариқ сочлар билан қопланган, негандир унинг калласи ёш болаларни эслатди. Бунинг устига шу сийрак сочларни-да, кузаб қўймаган экан, ёғ босиб, бўйнига ёпишиб кетибди. Кўнгилчан, бироз ғамгинроқ. Кўк кўзлари ўйнаб турганини, гапиришида бироз узилишлар, титрашлар бўлаётганини эътиборга олмаганди (эҳтимол бу унинг табиий хусусиятидир), анча яхши йигитга ўхшади ва бизда шубҳаланиш учун асос бўлмади. Бироқ Устоз одам зотиға ишонмайдиغانлар хилидан эмасми, унга бақрайганча, ўзининг тайинли, бетаин саволлари билан уни ҳам, мени ҳам роса хижолат қилди.

Ўтган йили еттинчи синф болаларидан олинган ёзма ишлар тўғрисида гап кетганда бирдан юзиде ўзгариш сезилди: кўзлари катта-катта бўлиб бир нуқтада қотиб қолди, пешонаси тиришиб, ажинлари кўпайди, бўйин томирлари бўртиб чиқди ва юзига янада қизиллик югурди – юраги тез ура бошлаганди.

-Уларнинг барчасини ташлаб юборганман! – деди у ҳаяжон билан.

-Қайга? – Устоз ҳам ўзининг қайсарлигини қўймади. – Ташлаган жойингизни айтинг, бориб кўрамиз.

Миродил малимда ўйлаш учун имкон бўлганида бирор ақлли баҳонани топан бўларди, бироқ шу дамда у ўйлаш ва баҳона топиш даражасида эмасди. Кейинчалик, агар терговга чақириб, сўрай бошласа, албатта у бу ёзма ишларни нима қилганлиги тўғрисида тузукроқ бир баҳона топади ва терговчиларнинг роса жигига тегади. Ҳеч бўлмаганда уларни ҳоҳлатнага ишлатиб юборганман, дейди. Буни аниқ, Чунки у дайига қадар оқшомлар ухламай турли хил тахминлар ўйлаб топади, уларни онгининг ўртасига қўйиб, ҳар томонидан қараб кўради, ўлчайди, ҳар хил гапларнинг, саволларнинг таъсирига, зарбига чидамлилигини синаб қўлашади, ва энг мустаҳкамни танлаб олиб, мутлақ ҳақиқат сифатида терговчига ўқитишга ҳаракат қила бошлади. Ҳозирча эса унда бундай имконият йўқ. Ҳаёли бошқа нарсалар билан банд бўлганлиги сабабли тузукроқ баҳона ўйлаб тополмайди. Шунинг учун ё ҳақиқатни, ёки ўта ёпишмаган ёлғонни айтишга мажбур. Ҳақиқатни айтмадим, демак айби бор.

Бизнинг Домламиз саволга жавоб беролмай қолди: - Билмайман.



Унинг бу жавоби бир вақтнинг ўзида "нима деб жавоб беришни билмай турибман" деганини ҳам англаганди. Чунки бундай вақтларда, одатда "ёдимда йўқ" деб жавоб берилади.

- Сиз яхшилаб ўйлаб кўринг. Бизга шу ёзма ишлар сув ва ҳаводай керак бўлиб турибди. - Устоз аччиқ киноя билан совуқ қилиб гапирди. Негадир унинг жаҳли чиқатганди.

- Улар билан нима иш қиласизлар? - мактаб директори, ёши олтмишдан ошиб қолган, кекса киши бироз ўсиб қолган оқ соқолларини силаб сўради. - Ёзма ишдан кўпи бўлмаса мактабда.

- Бир зарур иш бўйича далилий ашё сифатида фойдаланилади, - жавоб берди Устоз. - Топиш керак. Наҳотки биздан олдин бошқалар келиб, сўрашмаган бўлса уларни.

- Уйимда бўлса керак, - деди Миродил малим ўйлаиб туриб. - Одатда бунақа нарсаларни чордоққа чиқариб кўяман. Агар болаларим отиб юбормаган бўлса, турган бўлиши керак.

Унинг тўсатдан бундай деб қолиши мени ҳам, Зиёд акани ҳам ҳайратга солди: кўнглидан қандай ўйлар кечди экан, нималарни режалаштираёпти? Бу гапига қараганда, унинг биз сўраётган ишга сира алоқаси йўққа ўхшайди. Тахминимиз бўйича ва тажрибанинг гувоҳлик беришича у айбдор бўлганда ўзини минг кўйга солиб, сувдан куруқ чиқишга ҳаракат қилиши керак эди.

Миродил билан ўшилиб, унинг уйи томонга кетдик. Таксини Устоз ўшлади ва йўл ҳақини ҳам у тўлади. Бу ёғи нима бўлиши уни жуда қизиқтириб бораётганди. Ҳақиқатан ҳам, жуда қизиқ бир ҳолат юзага келиб қолганди: биз биламизки, унинг уйда биз излаётган ёзма иш йўқ. Синфнинг бошқа болалари ёзган ишлар бўлиши мумкин. Лекин бу ҳали ўқитувчининг айбдорлигини исботлаб бермайди-ку. Унда қандай хулосага келамиз? Йил давомида болалар кўп ёзма иш ёзган бўлишлари мумкин, уларнинг қайси бири ўққа тиқин қилинганлигини эса бизлар билмаймиз. Уларнинг барчасини олиб, бирма-бир санаб, ўқиб чиқиш керакқа ўхшайди. Бунинг учун эса яна мактабга қайтишга тўғри келади - ёзма ишларни солиштириш учун синф журналини олишимиз лозим...

Миродил малимининг уйдан эски ёзма ишларнинг барчасини олганимиздан сўнг, яна орқага қайтдик. Аҳмоқ оёқдан қарийди, деганларига ўхшаб, журнални оливланганимиз панд берди. Директорнинг хонасида журнални олиб, ёзма ишларни варақлаб кўрдик ва бир соатлик текширувдан сўнг, Лобар Алимовадан май ойда олинган ёзма ишга журналга баҳо қўйилгани ҳолда, унинг ўзи ёзма ишлар орасида йўқлигининг гувоҳи бўлдик. Бундан бошқа ҳам ёзма ишлар орасида етишмовчиликлар кўп бўлиши мумкин, ammo биз улар билан қизиққаннимиз йўқ. Мақсадимиз аниқ бўлганлиги сабабли ҳам, фақат шу қизчага тегишли ёзма ишларни ахтардик.

Бунинг сабабини сўраганимизда, тепамизда ранги ўчиб турган Миродил малим ёзма ишларнинг барчаси сақланмаслигини айтиб, бизларнинг устимиздан бироз кулмоқчи, масҳара қилмоқчидай бўлди:

- Қизиқ одамлар экансизлар-ку, менга ҳеч ким шу ишлар сақлансин, деб кўрсатма бермаган. Қўлимга тушганларини уйга элтиб кўяманки, хотиним тандирга ўт ёқадиган бўлса, тутантириқ қилишга керак бўлади, деб. Умуман қоғоз анча қиммат бўлиб кетганлигидан хабарларингиз бор, керак бўлиб қолади. Рўзғорда бунақа нарсалар ортқичалик қилмайди. Шунинг учун ҳам сизларнинг мендан қолган ёзма ишларни топиб бер дейишга ҳақларингиз йўқ.

- Лекин, - деди Устоз кўзларини чақчайтирганча, - сизнинг ҳамтовоингиз Жўра ҳаммасини тан олди. - Ҳатто ўша, ўзларинг келишолмай қолган иш учун Мақсудни ўлдирмоқчи бўлганини ҳам. Абдини ўлдиргани борганингизда, унинг кундалик дафтарига тенгламалар ёзиб, айбини бўйнига қўймоқчи бўлганмидингиз ахир? У сиз билан келишмаганмиди? Кундаликдаги ёзув сизники эканлигини экспертиза исботлади.

- Бўлмаган гап, - бирдан оғзидан чиқиб кетди Миродилнинг. - Кундаликда менинг ёзувим йўқ эди.

Бизда қотилликни у содир этгани тўғрисида аниқ

ишонч пайдо бўлди. Устоз ўтирган жойида секин бошини кўтариб, Миродилга қаттиқ термулди:

- Сиз оғир жиноят содир этишда гумонланиб қўлга олиндингиз! Билагингизни тутинг!

Зиёд ака шу гапларни айтди, холос. Мен у кишида кишан йўқлигини жуда яхши билардим, шунинг учун ҳам агар Миродил индамай билагини тутганида, "ҳазиллашдим" дейиши аниқ эди. Бироқ буни домла тушунмади. У тўсатдан аллақандай бир эпчиллик билан директорнинг столи устида ётган қайчини олдию, "ғарч-ч" этказиб Зиёд аканинг бўйнига санчди. Мен бу пайтда бурчакдаги стулда ўтирганимча Миродилнинг оқариб бораётган, титраб турган юзига нафрат билан қараётгандим. Унинг бунчалар тез ҳаракат қилиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмагандим. Ўзимга келиб, нима воқеа юз берганлигини идрок эта бошлаганимда, Миродил орқага ўгарилгани, қоғозлар бутун хона бўйлаб сочилиб кетди. Бир Устозга, бир Миродилга қарадим. Нима қилиш кераклигини ҳали тўлиқ англаб етганим йўқ эди. Зиёд аканинг кўриниши жуда даҳшатли эди: ранги оқариб кетган, турган жойида ўнг қўлини олд томонга - эшикка чўзиб турар, чап қўли билан эндигина қон сизиб чиқаятган бўйини ушлаб олганди. Энг даҳшатлиси ҳам шунда эди - унинг бўйнига қайчи санчилиб қолганди. Бу манзарага қараб, юрагим жизиллаб кетди, ўзимни йўқотиб қўйишимга бир баҳя қолди. Нигоҳларимни олиб қочар эканман, Зиёд ака қўларини чўзганча, "ушла" деган ишорани қилаётгандай бўлиб туюли. Лекин негадир унинг овози чиқмаётганди. Ёки менинг қулоғим эшитмай қолдими билмадим, ammo бутун борлиқни унутиб, бор кучим билан "Тўхта!" деб қичқирганча, ўзимни Миродилнинг орқасидан отдим. Эшикдан чиқар пайтида унинг орқасидан алам билан итариб юборгандим, ўмганлаб кетиб, йўлакка чиқиб, юзтубан йиқилди. Устидан ўзимни ташладим ва қўлини орқага қайириб, унинг оқ-войига қарамай, шимимдан камаримни суғириб олиб, қўлларини боғладиму, ичкарига қараб бақирдим:

- Директор, бу ёққа чик, тез бўл!

Бу пайт кеч бўлиб, болаларга жавоб бериб бўлинганди. Мактабда ким борлигини билмасдим, шунинг учун директорга бақиршдан ўзга чорам йўқ эди. Бахтга қарши унинг исмини ҳам сўраб улгурмаган эканмиз, лавозимини айтиб қақаришга тўғри келди. Умуман олганда бировнинг исмини эслаш ҳолатида ҳам эмасдим. Очиқ эшикдан ранги песдай оқариб кетган, оёқ-қўллари қалтираб, ўзини зўға ушлаб турган директор кўринди. Унинг бу ҳолатидан, асабларим ўйнаб кетди.

- Бунга қараб тур, қочиб кетадиган бўлса бошингни юлиб ташлайман. Тушундингми?

Бу ерда директорнинг айби нима ва унга нима учун бақириб, сенсираб ётганимни билмасдим. Буларнинг барчасини ўйламаган бир тарзда қилаётгандим. Чопиб ичкарига кирганимда Зиёд ака стулга ўтириб олганди, қайчи эса ҳамон бўйнида турарди. У жуда чуқур санчилганлиги туфайли, суғириб олишга кучи етмаётганди. Унга яқинлашиб, нима қилиш кераклигини имо қилиб сўрадим. Устоз қайчини суғириб олишимни кўрсатди. Дарров чап қўлим билан бўйини ушлаганча, уни суғириб олдим, жойидан қон сизиб чиқа бошлади. Устоз нафас олганди, тешикдан биғиллаб ҳаво кириб, чиқди. Шартта ўнг кафти билан уни беркитди.

- Кетиш керак, - дедим уни турғазига ҳаракат қилиб. - Тезда дўхтирхонага боришимиз шарт.

Устозни суяб йўлакка олиб қикдим. У ерда директор ҳалигача юзтубан ётган Миродилнинг устида чўккалаб ўтирарди. Ранги оқариб, тахтадай қотиб қолганди, хушидан кетиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

- Калит! - бақирдим директорга. - Машинанинг калитини бер!

У бироз бақрайиб қараб турганди, елкасидан қаттиқ туртдимки, мувозанатни йўқотиб Устоз иккалашим ҳам йиқилиб тушишимизга оз қолди. Зиёд ака кўрқувданми, кўп қон йўқотганми, ўзини тутиб туролмаётганди, оёқларидан жон чиқиб, ўтириб олишга ҳаракат қиларди. Директордан бир амаллаб калитни олдим. Унинг "Москвич" машинаси борлигини билардим. Деразасининг остидан турганди. Устозни судраб ташқарига чиқдим. Бизнинг ба-

қир-қақирни эшитиб, одамлар югуриб келаётган экан, уларнинг кимлигини билмадим, кўзимга ҳеч нарса кўринмаётганди, худди туш кўраётган одамга ўхшардим, умид қилиб турардимки, ҳозир уйғониб кетаману, "худого шукр, тушим экан" дейман. Ахир жуда кўп марталаб мана шундай – иложсиз ҳолатга тушиб қолганману, кейин уйғониб кетиб, роса севинганман. Бироқ бу сафар узоқ чўзилаётгандики, асабларим жуда таранглашиб кетди.

-Ичкарига, ичкарига киришлар, анави ярамасни ушлаб туришлар! Милисалар келгунча кўйиб юборсаларинг ўлдим деяверинглар, — Мен негадир келаётганларга бақира бошладим. Миродилнинг исмини эса қанча ҳаракат қилмай, эслай олмадим: Негадир ҳозир бақириб айтмасам, булар ҳолатнинг қанчалар жиддий эканлигини тушуниб етмайдигандай эди.

-Олим, энди ўлиб қолсам керак, — деди ниҳоят Устоз биз машинанинг ёнига етиб келганимиздан сўнг зўрға, хириллаб гапирар экан. — Бирор гап бўлса, айтиб кўярсан, мен ҳаммадан розиман.

-Бўлмаган гапларни кўйсангизчи, — ўзим бир аҳволда бўлишимга қарамай, унинг руҳини кўтармоқчи бўлдим. — Томоғи тешилган бир сизми дунёда. Ана қанчаси тешик томоқ билан юрибди. Ўзим кўрганман, тугмадай қилиб тешиб кўйишаркан, шу ердан нафас олишаверади.

Бироқ менинг тасаллиларим Устозга заррача таъсир қилмади:

-Мени касалхонага кўйиб, болаларимга, ака-укаларимга хабар бер. Бир қор-қол бўлмасдан етиб келишсалар яхши бўларди.

-Хўп, хўп!

Устоз гапирганда хириллаб кетар, бунинг устига ўпкасига қон кета бошладими, қаттиқ-қаттиқ йўталишга тушди. Йўтал борган сари кучая борди. Бу пайт унинг оч кулранг кўйлаги қонга беланиб кетганди.

Мен машинанинг эшигини очиб, Устозни орқа ўриндиққа ётқиздим. Ўзим эса рулга ўтириб, моторни ўт олдириб, йўлга тушдим. Қишлоқда, болалагимда отамнинг машинасини ҳайдаб юрардим. Ўрта милиция мактабида ҳам ҳайдовчиликка ўқитишганди. Бироқ вақт ўтиши билан бу нарсани биров ёддан чиқарганманми, йўлдан чиқиб кетавераман, бир томондан кўзимга унча-мунча нарсалар кўринавермайди, кўз олдим хиралашиб кетгандай.

Машинанинг рулига маҳкам ёпишиб олганча, кетиб борар эканман, орқамга қарашга кўрқаман, Зиёд аканинг аҳолидан чўчийман. У эса тез-тез хириллаб кўяётганди. Йўтал эса деярли тинмай қолди. Устоз энгашганча, машинанинг полига қон тупура бошлади.

- Ёшлигимизда бир кўшигимиз бор эди, — дедим ҳазиллашиб Устознинг кўнглини кўтариш мақсадида, бироқ ўзимнинг кўнглимга чироқ ёқса ёримайдиган ҳолда эдим. — Балки сиз ҳам эшитгансиз: Мамадали мартишқа, ҳайда кўйингни дашта. Кўйинг кўйга кўшилсин, томоққинанг тешилсин... Эшитганмисиз? Бу билан томоқ тешилган билан одам ўлиб қолмайди, дейишмоқчи бўлишган... Тиқиб кўйишади, бўлди... Лекин сизнинг шеърингиз ҳам зўр эди, эсиңгиздами? Бу машамалар бошланшидан бурун айтгандингиз. "Теллақинанг теридан, энанг кўрқар эридан". Менга жуда ёққанди.

Шу гапни айтдим, ўша пайтларда қанчалар бахтиёр ва беғам яшаганлигимизни, ҳаёт қанчалар гўзал бўлганлигини тушундим.

Касалхонагача қандай қилиб соғ-омон етиб келганимни билмайман, ҳаёлим жойида эмасди. Бунинг устига кўзим ҳам хиралашиб қолган ва нарсаларни тўлиқ илғаёлмаётгандим. Ўзимга келганимда касалхонанинг реанимация бўлими ёнида тургандим. Бу ерга бизлар Устоз иккаламиз бир марта аллақандай жувон ўзига ўт кўйиб юборганида, суриштирув ишларини олиб бориш учун келгандик.

Машинани ўчиришни ҳам унутиб, чопиб тушиб, ёпик эшикни тепа бошладим. Ичкаридан оқ халатли қиз чиқди:

-Ким керак?

-Дўхтир! — дедим ҳовлиқиб, — бир одамнинг жонини сақлаб қолиш лозим. Томоғини қайчи тешиб кетган.

Зудлик билан ичкаридан яна бир ҳамшира билан врач чиқди. Улар турли хилдаги жароҳатларни кўравериб, кўзлари пишиб кетган эмасми, совуққонлик билан ма-

шинанинг эшигидан бош суқиб, жароҳатни кўришди. Улар билан Зиёд акани кўтаришиб, ичкарига кирдик. Каттагина, полидаги ленолиум йиртилиб, кўчиб ётган, икки четда иккита кароват кўйилган хонага киргазиб, чап томондагисига ётқиздик. Бу пайтда Устознинг рангида ранг қолмаган, кўзлари олайиб кетаётганди. Томоғидан ҳамон хириллаб қон чиқиб турарди. Унинг бутун уст-боши қизил қонга беланиб кетган ва бу кишини ваҳимага соларди.

- Чопинг, операция хонасини тайёрлашин. Ҳозир беморни олиб чиқамиз, — деди сочлари оқариб қолган врач ёнидаги ёшгина ҳамширага, кейин иккинчисига юзланди. — Тез бўлинг, бинт, пахта келтиринг.

Ўзи эса энгашиб, жароҳатни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

-Дўхтир, бу одам ўлмаслиги керак, — дедим мен. — Жон дўхтир, ўлмаслиги керак. Ўлмайдими?

-Чиқинг! — қатъий буйруқ берди мен ҳамон унинг ёнида турганимни кўрган дўхтир. — Хонани бўшатиб кўйинг.

Мен унга эътироз билдирмоқчи эдим, бироқ бу ерда қолганим билан барибир қўлимдан ҳеч иш келмагач, нима қиламан буларга халақит бериб, деб ўйладим ва Устозга савол назари билан қарадим: нима дейсиз?

У кўзларини бир очиб юмиб, хириллади:

- Олим? Қариндошларга хабар бер... Рози бўлсинлар, рози бўлинглар. Агар бир гап бўлса... Уни қаттиқ йўтал тутди.

Нимадир демоқчи бўлдим, аммо айтолмадим, нафасим оғзимга текилиб қолди, кўзларимга филтиллаб ёш келди. Ахир бу одам боягина ўз оёғи билан юрганди ва ўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаётганди. Энди эса, ҳаёт билан видолашиб, розилик сўраб турибди... Хўрлигим келди. Инсоннинг ҳаёти сариқ қақага ҳам арзимайдиган, шунчалар арзон бўлиши алам қилиб кетди. Бир нималар деб Устознинг кўнглини тинчлантирмоқчи бўлдим-ку, бироқ нима дейишни ҳам ўйлаб тополмадим. Шу туришда хўнга йиғлаб юбордим.

Дўхтир мени туртиб, хонадан чиқарди.

Иккинчи қаватга, ички касалликлар бўлимига кўтарилиб, ҳамшираларнинг дод-войига қарамай, йўлак эшигини очиб, юргунча бўлим мудирасининг хонасига кириб, телефонга ёпишдим. Кўзларим жиққа ёшга тўла бўлганлиги, рангим оқариб кетганлиги сабабли тўрда ўтирган мудира шу туришда қотиб қолди. Бирор сўз дейишга ўзида қувват тополмади.

-Навбатчилик қисми, Бердиев эшитади, — деди қатъий овоз билан навбатчи.

-Менга қаранг, Бердиев, — дедим шу пайтда унинг исмини ҳам тополмай. — Мен касалхонадан кўнғироқ қиляялман, Зиёд аканинг бўйнидан яралашди. 11-мактабда биттаси бор экан, Миродил дегани. Шуни зудлик билан бориб, кўлга олиш керак. Мен унинг қўлини камарим билан бойлаб, йўлакка ётқизиб келганман. Ярамас Зиёд аканинг бўйнини қайчи билан яралаб кўйди. Ҳозир у кишининг бўйни тешилиб қолган, касалхонада ётибди.

-Ким гапираяпти? — ҳеч нарсага тушгунмаган Бердиев сўради.

-Мен, Олимман, тезкор вакил...

-Эй, сенмисан, яна нима жиннилик қилиб юрибсанлар Зиёд аканг иккаланглар? — гўшакдан қувноқ овоз эшитилди.

-Бу жиннилик эмас, тезда 11-мактабга бориш керак деяпман сизга, бўлмаса қочиб кетиши мумкин, — баттароқ ҳовлиқдим мен.

-Эй, ростдан ҳам сенинг калланг айниб қолганми нима бало? — Бердиевнинг жаҳли чикди, — Қанақа қайчи, қанақа томоқ, яна қанақа мактаб. Мен билан ўйнашма, бўлди, гўшакни жойига қўй.

Нариги томондан қисқа товушлар эшитилди. Аҳмоқона шуҳратим ўз ишини қилганди: Бердиев менга ишонмаганди. Алам билан "02"ни тердим. Гўшакдан қиз боланинг овози эшитилгани ҳаманоқ бақаришга тушдим:

- Мен шаҳар милициясида ишлайман, тезкор вакил. Зудлик билан нарядни 11-мактабга юборинг, у ерда жиноят содир этилган. Жабрланувчини мен касалхонага олиб келганман. Бўйнидан жароҳатланган... Жабрланувчи Зиёд ака, ўзимизнинг катта тезкор вакил. Зудлик



билан унинг қариндошларига хабар бериш лозим...

-Олим ака, сизмисиз, нимага бунча ҳовлиқасиз? – Эътибор бермабман, бу Назокат исмли қизимиз экан. Овозимдан таниб қолганди.

-Олим-полиэмасман, — менинг росткамига жҳлим чикди. – Тезлик билан айтилганни қилинг. Бўлмаса бошингиз кетади.

- Бу телефонда ҳалзиллашманг, ёзилиб қолади, кейин прокурорнинг олдиди жавоб беришга тўғри келади, — деди Назокат қатъий қилиб. Сўнг ёнида кимдир бўлса керак, унга тушунтирди. - Анави, жиноят-қидирувдаги йигит бор-ку, бўйдоқ, ширинтойгина, қорасоч, яқинда жинни бўлиб қолибди, деган гап чиққанди. Ростга ўхшайди, кўнғироқ қилиб бақириб ётибди.

Шундан кейин менинг ўзим умидсизлик билан гўшакни жойига қўйишдан ўзга чора тополмадим. Барибир буларга бирор-бир нарсани уқтира олмасдим. Одамнинг номи бир ёмонга чиқса, ўзини оқлаб олиш жуда қийин бўларкан. Айниқса, сенинг жиннилингга ишонисалар, ҳар қандай гапинг ҳам одамлар учун аҳмоқона, кулгули бўлиб туюлаверади. Кейинги кунлар давомида мен буни жуда яхши тушуниб етдим. Гап охир оқибатда сенинг кимлигинг ҳақида эмас, балки сен ҳақингда одамлар қандай фикрда эканлигида экан.

Зиёд аканинг уйидагиларига кўнғироқ қилиб, у кишининг касалхонага тушиб қолганини ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Мен реанимация бўлимининг олдиди боғлаб қўйилгандай эдим: ҳеч шу ердан кетолмай қолгандим, гоҳ эшикнинг олдига бораман, гоҳ ичкаридан бўйаб ташланган деразанинг тирқишларидан бўйлаб, ичкарида нима бўлаётганини кўрмоқчи бўламан. Аммо бунинг сира имкони йўқ – буёқ кўчган кичик тешикчалардан кароватни кўриб бўлмайди, эшик эса ичкаридан тамбалаб ташланган. У томондан, асига олгандай ҳеч қандай товуш эшитилмаётганди. Устозни жарроҳлик бўлимига олиб кетдим, ёки хануз шу ерда ётибдим, билолмайман. Бунга бир-икки уриниб кўрдим-ку, бироқ ҳеч ким мен билан гаплашишни ҳам истагани йўқ. Ҳамма ўз иши билан банд.

Реанимация бўлимининг эшиги очилиб, бояғи ҳамшира Устознинг кийимларни олиб чиққанида, ўзимни тутиб туrolмадим: тирқираб кўзимдан ёш чиқа бошлади. Ахир бу кийимларни боягина Зиёд ака кийиб юрганди. Булар мен учун айна пайтда оддийгина кийимлар бўлмай, Зиёд аканинг рамзига айланиб қолганди. У киши биз танишганимиздан буён шу кийимларини – оч кулранг, енгил узун кўйлаги, ҳарбий рангга ўхшаб кетадиган тусли шимини кийиб юрарди. Мен уларни фақат Устознинг эғнида кўрганман. Энди эса улар қонга беланган ҳолда менинг кўлимга чиқариб берилмоқда. Негадир шу билан ҳаммаси тамом деган ўй кечди кўнғимдан. Энди бу кийимларнинг ичидаги инсон йўқ. Шу кийимлар мен учун кўп нарсани белгилаб бераётгандай, устознинг ҳаётини ҳал қиладигандай туюлаётганди.

Ҳамшира менинг юзимга қарамай, уларни узатди:

-Умид борми? – сўрадим мен. Йиғлаётганимдан уялганам ҳам йўқ.

-Билмайман, операциядан чиққандан сўнг бир нарса дейиш мумкин.

Шу гап билан у қайтиб ичкарига кириб кетди. Ва мен Устознинг операцияга олиб кетилганини англаб, нариги бино томон югурдим. Жарроҳлик бўлими шу томонда эди. У ердан ҳам тайинли бирор гап олмаганимдан кейин, бир чеккага ўтиб, кута бошладим.

Бу орада ҳовлиқиб бугун бўлимда навбатчи бўлган Восит билан яна бир терговчи келиб қолди. Уларга касалхонадан хабар беришган экан. Улар жабрланувчи Зиёд ака эканлигини эшитиб, ўзларини йўқотиб қўйиб дейишди. Зудлик билан бўлимга кўнғироқ қилиб, менинг алдамаганлигимни, ҳаммаси ростлигини айтишиб, 11-мактабга наряд юбориш лозимлигини айтишди.

Тезда Зиёд аканинг яқинлари келишди ва касалхо-

на худудиди одамлар кўпайиб қолди.


Устозни узоқ вақт операция қилдилар. Қон керак бўлганди, бўлим ходимларидан бир қанчаси келиб, қон топшириб кетди. Мен шу кеч уйга кетмай, бир ўтиргичда, ўтган воқеаларни хотирамдан ўтказиб, буларнинг барчаси тушда кечгандай, ўзим ҳам ишонмай, ўтирардим. Зиёд аканинг тирик қолишини жуда-жуда истардим, бунинг учун кўлимдан келган барча ишларни қилишга тайёр эдим, аммо шундай бир шароитлар бўладики, инсоннинг хоҳиш-истағи ҳеч нарсага арзимай қолади. Ана шундай ҳолатларда сен ўзининг жуда бечора эканлигингни, аслида кўлингдан ҳеч нарса келмаслигини тушуниб етасан. Бу жуда оғир ҳолат.

Менга алам қилгани, шу пайтга қадар Зиёд аканинг, қанча болалари бор, уларнинг кўринишлари қанча эканлигини умуман билмаслигим бўлди. У билан бир йилдан ошиқ вақт мобайнида деярли кеча ва кундуз бирга ишладик, гўёки бир-биримиздан яширадиган сиримиз қолмагандай ва бир-биримиз тўғрисида барча нарсаларни билиб олгандек туюларди. Аслида эса буларнинг барчаси кўриниш, шунчаки хаёл экан холос. Унинг уйига ҳам бир-йўғи бир марта – дарвозасини бўятиш учун борган бўлсам керак. Биз бир-биримизни умуман биламас эканмиз. Ярим кечаси оғир хаёлларга чўккан олди шу хулосага келдим. Ишдан ташқарида Зиёд аканинг аҳволи қанақалигидан, ўзини қандай тутишидан, фарзандлари билан қандай муносабатда бўлишидан умуман биламас эканман. Умуман мен унинг ҳаётини, яшаш тарзини ўрганмаган, бунга қизиқиб ҳам кўрмаган эканман. Фақат хизмат доирасидагина таниш эканмиз холос.

Шуларни ўйлай туриб, у кишининг ўлиб қолмаслигини жуда-жуда истадим. Бироқ, ярим кечасига бориб, реанимация бўлимида унинг жони узилди...

Ҳамма майит билан бўлиб, зир югуриб қолганда, мен қайга боришим, нима қилишим кераклигини билмай, қуёш чиқиб, ўзининг нурлари билан тунги барча ғам-ғусса, алам ва оҳ-войларни ситиб юбориб, касалхона кечаси ҳеч нарса бўлмагандай, бир одам ҳаётдан кўз юмиб, унинг орқасидан қанча инсонлар зор қақшаб қолмагандай ўзининг кундалик ишини бошлашга қадар шу ўтиргичда ўтириб чикдим. Бугун ҳам худди кечаги, ўтган кунги ва ундан олдинги барча тонглар каби эди: чумчуқлар беозор чирқиллайдилар, узоқлардан машиналарнинг овози эшитилади, қуёшнинг эрталабки нурлари этни қизитади. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандай. Ростдан ҳам бирор нарса бўлдимми ўзи? Бир инсоннинг ўлими бу ҳаёт учун қанчалар аҳамиятга эга? Зиёд ака, охир-оқибатда мана шундай – тайинли сабабсиз, ҳазиллашгандай ўлиб кетар экан, унга ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қийналиш, елиб-югуриш, жиноятчиларни ушлаш ва қамаш шартмиди? Унга бировларнинг эшигида мардикорчилик қилиб юриш лозиммиди?

Бу каби кўнғилни қийнаётган саволлар кўп эди. Бироқ мен ўзим-ўзимга қарши борган ҳолда бу дунёда ҳеч нарса билан ишим йўқ эди, бу саволларга берилган жавобларнинг ўзи ҳам саволлардан иборат бўлишини ички бир туйғу билан ҳис қилиб турардим. Чунки бу пайтдаги ҳолатим шундай эди: дунёда бирор-бир саволга аниқ жавобнинг ўзи йўқ. Ниятим эса: мени тинч қўйсинлар ва тегинмасинлар. Нима учун ҳаммаси айнан мана шундай – бир бегуноҳ кишининг ўлими билан якун топганини билишни ҳам истамасдим. Чунки англаб турардимки, буни англаш учун ўзимизнинг юзлаб хатоларимизни тан олишим ва улар орқали ўтишим лозим. Мен эса буни сира истамайман. Ҳатто барча машмашаларнинг дебачаси бўлган – Абдини нима учун ўлдирганларини ва бунинг натижаси нима билан якун топганлигини ҳам билгим келаётгани йўқ. Бунинг умуман мен учун қизиги ҳам йўқ. Инсоннинг умри шунчалар беҳуда бўлган бир ҳолатда, нима учун ҳар хил аҳамиятсиз нарсаларнинг ташвишини қилишни керак? Умуман, инсоннинг ўзи, умри қанчалар аҳамиятли бу улкан ҳаёт олдиди?



Шукур ҚУРБОН

# ҲАМРОҲ

Достон

Инсоннинг дунёга келиб-кейтиши тақдирга боғлаймиз. Ёш кетганлар ҳақида "чирки қисқа экан", деб таскин сўз айтаман. Лекин ҳаётда бевақоф кўз юлганларнинг қисмати юракда айрига қайғу қўймоғи. Дўст-биродарлари кўнмида тургани хотира қолади.

1985 йилда, ўнбеш базорни ҳам кўрмай кетган "Қўқдаги чир", "Вақт хайвониди" номли китоблар нураллифи, истеъдодли шоир Назар Шукур ҳақидаги хотиралар ҳам ана шундай.

Марҳум шоир Назар Шукур қибчу асар нураллифини ўз акасидай яхши кўрарди. Хонадонда тез-тез меҳмон бўларди. Масофирни қаракчи, марҳум ҳаётининг сўнги кунига ҳам улар бирга эдилар. Достонда шундай ҳикоя қилинади.

Асардаги бошқа қаҳрамонлар Вақт ва Давр тақдоси билан ўша йиллар кўзи билан қараб, қозога туширилган. Тап шундайқи фожиа муқтабид Шўро даврида рўй берган. Табиийки, достонда тилга олинган тиришаклар ўша давр қонун-қондалари асосида иш кўришган. Буни ойқоматизнинг ҳикоя қўқувчилари ортқида далил-у ғозиларсиз ҳам тушунишади, деб қўлаймиз.

*Ўнганларни Худо раҳмат қилсин!*

**Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўладилар.  
Фаранг халқ мақоли.**


**Мунча ўч бўлмасанг, жодугар кампир - ўлим, ёш йигитларга?!**

## БАҒИМЛОВ

Даштлар кучоғида туғилиб-ўсдинг,  
Сенга Тошкент ҳақида ҳикоя сўйладилар:  
"Кўчалари ундоқ,  
Боелари бундоқ,  
Биолари, инсонлари..."  
"Ўқийдилар йигитлар, қизлар  
Келиб барча вилоятдан -  
Ватанимизнинг;  
Ўзимизга ўхшаган бари..."  
Шоирлар яшайди унда, дедилар,  
Шеър машқ қила бошлаган эдинг,  
Шоир бўлгинг келди ногаҳон,  
Боргинг келди ўша шаҳарга,  
Ўқинг келди.  
Бординг, кўрдинг, ўқинг,  
Шоир ҳам бўлдинг,  
Ҳаммасига етганингда ўлдинг-да, кетдинг,  
Укажон, нетдинг?!..

I

— Борманг, дадажониси,  
Ўлтиринг ишлаб.



— Инсон кўнғироқ қилди,  
Чорлади мени,  
"Кўргим келаяпти сизни," - деб айтди.  
Боришим керак!  
Бошига қийин кун тушгандир балки!  
— Тушунаман ҳаммасин, бироқ  
Ёмон туш кўрдим!..  
— Нима экан кўрган тушинг; хўш?!  
— Айтмайман, йўқ, айта олмайман,  
Лекин сиз борманг!  
— Бормайман, айтсанг!

Тарадудда тош қотди хотин,  
Айтмасинми-айтсинми?!  
Уят гапни айтади қандоқ?!  
Айтмаса боради,  
Борар бу қайсар!..

"Қора рўйхат" сабаб ҳайдалди ишдан,  
Саккиз ойдан бери юрибди бекор,  
Матбуот ҳам  
Эълон қилмай қўйди ёзганларини...  
Кундан-кунга инжиқлашмоқда.

Болаларин бошқа уйга киритиб,  
Шилиб ташлаб юзини, айтди:  
— Кийим-бошсиз кўрдим иккаламизни, -  
Кўшиб қўйди хотин сўнг шоша-пиша,-  
— Бу ёмон туш, дадаси, жуда ёмон туш!..  
— Нимаси ёмон, хўп?!.. Жуда яхши туш, -  
Овозини баландлатди эр. -  
Бу нимаси?! Қачон қараса,  
Мен киришим керак сенинг гапингга-  
Қайнаб кетди қони эрнинг ногаҳон:  
— Эркак менми ўзи бу оилада?  
Сенми? Каллам йўқми ўзимнинг?!..

Тўсди эрнинг йўлини йиғлаб:  
— Борманг, дадажониси,  
Дадаси, борманг!..





## II

Иш вақтида  
Ишхонада ичиб ўлтириш  
Қолганди-ку расмдан,  
Дея ўйлади,  
Кўзи тушиб дастурхондаги  
Бўш шиша ва бўш қадаҳларга.

Саломлашдилар.

— Зиёфат жа қуюқ-ку!..  
Ювяпсизларми -  
Ичкилик тўғрисида чиққан қарорни?!  
— Ичкиликни таъқиқлаш  
Ҳақидаги қарорни, - денг, -  
Тўғрилади унинг сўзини кимдир.

/Уэр айтган бўлдилар  
Ароқ тугаб қолгани учун.  
Тушинтирдилар -  
Ишхонада кимдир-бироннинг  
Тугилган куни бўлиб,  
Торт совға қилибдилар  
Эркакларга аёллар.  
Кимдир “Тортни ароққа -  
Газак қилса, хўб бўлар”-дебди.  
Кимдир буни синаб кўрмоқ  
Истагида ёнибди,  
Баҳона - ичиш.  
Қаралганда ўлтирганлар кайфиятига,  
Ёмон бўлмаганга ўхшар эди тажриба.../

— Дарвоқе, таъқиқлаш,  
Нима қолди ўзи таъқиқланмаган-  
Бу мамлакатда?!  
— Ўлмоқ, ногаҳонда ўлмоқ бемалол!..  
Ҳеч кимса ва ҳеч қандай қонун  
Тортиб ололмайди биздан ушбу ҳуқуқни,  
Шуни таъқиқласалар бўларди аввал,-  
Назарнинг оғзидан чиқди шундай гап.

— Иссиқ қилинг нафасингизни,  
Ўзи шундоқ ҳам,  
Шўро кишисининг умри ўртача  
Ташкил қилар ўттиз-қирқ ёшни,  
Қай бир рўзномада ўқиганим бор.  
— Бўлиши мумкинмас, янглишгандирсиз,-  
Кимдир ишонмади унинг гапига  
— Бу, машина уриб кетишлар ҳисобига,-  
Орага қўшилди Назар жиддий, жим, -  
Бунақа ҳодисалар ҳозир жуда кўп,  
Ҳар қадамда учраши мумкин.

Эслаб кетди баъзи биронлар  
Қайси куни, қайси соатда  
Ва шаҳарнинг қайси ерида  
Кимни мошин уриб кетганин.  
Эсладилар уларнинг энгил-бошларин,  
Қўлида тўрхалта бор ё йўқлигин,  
Чамалашди ўзларича  
Ҳалок бўлганларнинг ўртача ёшин.  
Маъқуллаган бўлдилар  
Шу тариқа Назар фикрини.

Бу орада Назар рухсат сўради  
Бошлиғидан қолган ярим соатга.  
— Эҳтиёт бўлинглар мелисалардан,  
Ҳозир ови юришган пайти уларнинг.  
Кулди Назар бунга жавобан:  
-Шоирни ҳар бурчакда мелиса кутар,

Танқидчи - мелиса,  
Мелисадир -цензор, назоратчи ҳам,  
Мелисадир -қўрқоқ муҳаррир,  
Ҳамиша юришар уларнинг ови,  
Негаки, ҳукумат қўллар уларни,  
Сиздан бўлак ким ҳам қўллайди бизни?..  
Раҳмат, биз кетдик!..

## III

Ўша куни кўчада мошин кўп эди.  
Ҳар галгидан кўра қаттиқроқ гувлаб,  
Ҳар галгидан кўра кўпроқ тутун чиқариб,  
Ҳар галгидан тезроқ  
Шиддатлироқ юрарди улар.  
Тўғрироғи, югурардилар,  
Кимларнидир қувар эдилар гўё,  
Уриб кетмоқ, босиб ўлдирмоқ учун.  
Шу кўча қирғогидан борарди улар.

Чекар эди Назар устма-уст.  
— Нима бўлди, Назар, сизга,  
Кўп чекаясиз?  
— Ака, ўлгим келяпти бугун,  
жуда ёмон ўлгим келяпти!..  
— Назар, тавба денг,  
Фаришта овмин дер ҳар қандай гапга.  
— Куни кеча қишлоқда бўлдим,  
Қизимни кўрдим.  
Туфлиснинг оғзи очилиб,  
Ташлаб юборгулик ҳолга келибди.  
Чақиртирдим онасин,  
Нима деди, денг,  
“ - Байрамга ҳам чиқди шу туфли билан”.  
Хўрлигим келди,  
Ака, ёмон хўрлигим... келди!  
“Юр, шаҳарга, дедим, қизимни бошлаб,  
Уст-бош олиб бераман”, - дедим.  
Китобимга қалам ҳақи чиққанди.  
“Болалар дунёси”дан  
“Бу - сенга!”, “Бу - уканга!” - деб,  
Неча хил оёқ кийим, кўйлак ва лозим,  
Ўйинчоқлар турли хилдан  
Сотиб олаверибман, олаверибман,  
Тўлиб қолибди,  
Бир пайт қарасам,  
Икки тўрхалта.  
Пулини тўлаб,  
Бир чеккада индамай турган  
Хотинимга узатдим тўрхалталарни.  
Мени ҳайрон қолдириб,  
Қизимга узатди хотин уларни.  
Қаранг, ака, қизим тўрхалта -  
Кўтара оладиган ёшга етиб қолибди.  
/ Пилдираганча  
Кетиб борар эди олдинда қизим./  
Мен юраверибман бундан беҳабар  
Судралиб шеър ортидан шундай;  
Улар кетишгач,  
Тутолмадим ўзимни, ака,  
Томоғимга недир тикилди.  
Бир четга ўтиб,  
Ун чиқармай йиғлаб ҳам олдим.

## IV

Яхши кўрган ишин қилади шоир,  
Қилмас ёқтирмаганин,  
Борар кўнгли тусаган жойга.  
Оддий бурчни ҳам  
Боғлиқ тарзда тушинар  
Меҳр ва муҳаббатга.

Бундан ҳам ёмони  
Ва галатиси -  
Севги талаб қилар ўз хотинидан,  
Болаларнинг онасидан ҳам.  
Шундай яшар эди Назар Шукур ҳам,  
— Яшолмайман, - деди. - Тамом-вассалом,  
Бунақанги хотин билан бир умр.  
Юрди, юраверди шаҳри азимда  
Шеърнинг орқасидан қувиб, ўй суриб.  
Бир кун ногаҳон  
“Кўнглидагин тушинадиган,  
Севса бўладиган” қиз учраб қолди.  
“Ҳай, - дейишди унга яқинлар, -  
Бу ҳам хотин бўлганидан сўнг,  
Бир-иккита фарзанд кўрганидан сўнг  
Ўша хотинингга қолади ўхшаб,  
Уруғи бир ҳаммасининг ҳам.”  
— Йўқ, - деди у,  
Туриб олди ўз билганида. -  
Уйлантириб қўйишган мени,  
Қарамасдан рози-ризолгимга.  
— Хотин киши бўлсанг, бошқа гап эди  
Айтсанг бу гапни,  
Йигит киши айтса, бу - уят!..

Йўқ, йўлдан қайтариб бўлмади уни,  
Отасини қайириб ташлади ҳатто,  
“Бошқасига уйланаман,” - деб.  
Шоирликнинг ўзи катта бир рўзғор,  
Минг бир ташвиши бор  
Ва даҳмазаси;  
Тайёр оиласин бузиб, қайтадан  
Учинчи бир оила ташвишин қилмоқ -  
Кераги йўқ ташвишларни солади бошга.

Қолаверса, ғурури бордир -  
Ҳар қандай хотиннинг ҳам,  
Ғурури бор қавму қариндошларнинг.  
— Бор-е, - деди бир кун улар ҳам,  
Йиллаб боравермагач Назар  
Оиласига,  
Расман бекор қилдиришиб никоҳларини,  
Шоирмас бир кишига узатиб юбордилар -  
Мунглиғ жувонни.  
Шундай қилиб икки фарзанди  
Тирик етим бўлиб қолди шоирнинг.

Ҳамма аралашмас шахсий ҳаётга,  
Меъёрида аралашар - аралашганлар.  
Мусофир шаҳарда шеър ёзиб юрган  
Уйсиз-жойсиз ёш бир шоирга  
Ким ҳам қиз берар?  
Бунинг устига,  
Топиш-тутиши ҳам айтарлик эмас,  
Юзнинг нари-берисидан олган маоши.  
Беш олтита қадрдондан, дўстдан ташқари,  
Кўпчилик уни  
“Хотинни хор-зор қилган,  
Тирик етим қилган гулдай фарзандларини,  
Ношудроқ” бир-кимса санарди.

Назар бу ҳақиқатни тан олмади ҳеч,  
— Муҳаббат бош ролни ўйнар ҳаётда,  
Мен севаман, у - севади,  
Моҳият шунда,  
Бошқа барча гаплар - ўткинчи, бекор,  
Уйланаман, - деди, - севган қизимга!..

Ўзбек эди Назар севган қиз,  
Ота-онаси бор эди унинг ҳам,  
Йигитнинг ким эканлигини

Сўраб-суриштиргувчи,  
“Қизнинг тақдирига бағоят масъул”  
Кишилар бор эди ёруғ дунёда.  
Шундай қилиб, Назар бечора  
Йўқ паловга ишониб, ёвгонсиз қолди.  
Гоҳ қизни,  
Гоҳ ўзни,  
Гоҳо ҳамкасбларини,  
Қисматни, муҳаббатни лаънатлаб гоҳо  
Кечирарди оғир кунларни бошдан.

## V

Ўша кунни кўчада мошин кўп эди.  
Ҳар галгидан кўра қаттиқроқ гувлаб,  
Кўпроқ тутун чиқариб,  
Тезроқ, шиддатлироқ юрарди улар.  
Тўғрироғи югурардилар,  
Қувардилар кимларнидир -  
Уриб кетмоқ, босиб ўлдиarmoқ учун - гўё.  
Кеч кирганди, Назар -  
Безовта бўлди,  
Бир чеккага ўтгиси келди,  
Бироқ мелисадан қўрқинин айтди.  
Йўқ, у мелисадан қўрқмасди асли,  
Қўрқар эди мелисага тушиб қолишдан.  
Ундай ҳам эмас,  
Мелисадан ишхонасига -  
Ёзилажак хатдан қўрқарди Назар.  
Гап шундаки, севган қизининг  
Яқинлари Назар ҳақида  
Сўраб-суриштириб келганидан сўнг,  
Болалаган гап-сўзлар тинай деганда,  
Қишлоғидан оёғи қайрилиб қайтди,  
Қайтди ишдан қолиб Назар беш-ўн кун.  
Қишлоқ шифохонаси берган қоғозга  
Ишонмади ҳамкасб дўстлар, негадир,  
Кўрсатди ҳам майиб оёғин,  
Соддалик қилиб,  
Барибир ишонмадилар;  
Ёқтирмай қолганди уни бошлиқлар...

Аксига олиб,  
Ҳушёрхона ходимларига  
Берилганди “режа” устига “режа”.  
“Нима қилсанг, қил, - дейилганди, -  
Режани бажар!”  
Аксига олиб,  
Хабардор эди  
Бундан кўпчилик,  
Ошхона ва ресторанда ичадиганлар  
Одат қилгандилар уйда ичишни,  
Кўчаларда кўринмай қолганди сархуш одам.

/Ҳазил қилган эди бир катта шоир  
Шогирдларига ўша кунларда:  
“Авваломбор ичманг, ичсангиз,  
Ичинг юқориги қаватда, уйда,  
Қулфлаб ичинг эшикни ичкаридан,  
Калидни кўчага юборинг отиб,  
Токим имкон қолмасин кўчага чиқмоқ учун.  
“Ҳушёрхона”га ҳам тушмайсиз шунда...”/

“Ҳушёрхона” ходимлари эса ит каби  
Изғир эди шаҳар кўчаларида,  
Излаб чўнтагида “ҳушёрхона”га  
Етадиган пули бор ширакайфларни.  
Аҳвол танглигидан ўша кунларда  
Юраги ёмон бўлиб, суялиб қолган -  
Қай бир олимни ҳам олиб кетганлар  
“Ҳушёрхона” ходимлари куч-тазийқ билан,  
Ишонмасдан хасталигига,



Ўлиб чиққан олим у ердан.

Кўринмади чор-атрофда лекин негадир  
“Хушёрхона” ходимлари.

~ VI

Ва лекин қайтишда кўринди улар,  
Нафақат кўриндилар,  
Мошинларини  
Кўча ўртасидаги  
Ўрта йўлга қўйиб кўндаланг,  
Зудлик билан очишиб темир эшикларини  
Тўрт мелиса тушиб кела бошлади  
Улар томон чопиб-ҳаллослаб.  
Бири семиз - ўрта ёшларда,  
Иккинчиси узун бўйлик ва говур,  
Қолган иккитаси - қилтириқ-ориқ,  
Бари хушёр, хушёрдан-хушёр.

Йўл четида туриб такси тўхтаётган  
Икки дўст пайқади уларни шу тоб.  
Тўғрироғи аввалроқ Назар пайқади,  
“Мелисалар”, - деди ғайритабиий сасда.  
Орада масофа - қирқ-эллик қадам,  
Аксига олиб,  
Тўхтаётган такси ҳам  
Қайта газ берди -  
Кўриб мелисаларни.  
Орқага қарашди - бўй етмас девор,  
Олдинда - қирқ-эллик қадамлик кўча,  
Кўчадан нариси - уйлар ораси,  
Тутолмасди мелисалар,  
Ўтиб олишса агар...  
Аксига олгандай,  
Тўсиб йўлларин  
Кўча тўлиб ўтарди мошин,  
Қувиб бир-бирин.  
— Менда пул бор, — деди унга ҳамроҳи,  
Мана, юз ўн сўм,  
Сарфлаймиз, қўйворишди.  
— Йўқ, - деди Назар, -  
Қўйворишмайди...  
Тушмаслигим керак хушёрхонага.  
Унг қўлидан тутиб олди ҳамроҳи маҳкам  
Кесиби ўтаётди кўчани ногоҳ  
Йўлиқмасин, дея, бир фалокатга.  
Қолгани кўз-очиб юмгунча бўлди:  
Ҳамроҳ билагидан тутди бирови,  
Суяк-суяклари кетди зирқираб.  
Бақириб-чақиринди:  
— Қўлдан чиқарма!  
— Наригиси қочиб қолади!  
— Қочиб бўпти! Олдин тўсаман!!!  
Кўзиларга тармашган оч бўрилардай  
Тўрт томондан қилишди ҳамла.  
— Биз ўзимиз кетамиз, “такси” тўхтатиб,  
Тегманлар бизга.  
— Олиб бориб қўямиз манзилингизга!  
— Йўқ, акалар, хушёрмиз, туғилган кунда...  
— Биргаллашиб нишонлаймиз туғилган кунни!  
Назар кучли эди,  
Хушёрроқ эди,  
Бир силтаниб чиқиб кетди ҳамроҳ қўлидан.  
Ва ўтиб олди  
Ҳукумат йўлагига,  
Бу йўл - ўнг ва сўл йўналишни  
Бир-биридан ажратиб,  
Тўсиқ вазифасини ўтарди гўё.  
Хушёрхона мошини  
Пана қилиб турганлигидан,

Аро йўлда нималар бўлаётганидан  
Беҳабар эди  
Нариги йўналишда келаётган мошин.  
Изиллатиб қуварди учта мелиса  
Назарни уч томондан.  
— Қочманг, Назар, - бақирди ҳамроҳи унга, -  
Чиқманг йўлга, ҳой!..  
Эшитмасди ҳамроҳи товшини Назар,  
Эътибор қилмасди эшитганда ҳам.  
Ўтар эди мошинлар гиз-гиз  
Бериги йўлдан,  
Ҳамроҳи кўз олдини тўсиб.  
Узоқлашиб олгани Назар мелисалардан,  
Уч-тўрт қадамлик йўлни -  
Босиб ўтса бас, эди,  
У ёғи қоронғулик,  
Уйлар ораси...  
Итми эди Назар,  
Қочиб борарди -  
Бўрилар галасидан,  
Мушукмиди,  
Қочиб борарди итдан,  
Сичқонмиди,  
Қочиб борар эди мушукдан,  
Нега қувиб борар одамни одам?!..  
Қотди-қолди ногоҳон Назар,  
Ўрта йўлда - узокдан  
Келаётган мошинни пайқаб,  
Ногоҳонда жон кирди яна -  
Мелисаларга.  
Ташландилар Назар томон,  
Қочди Назар,  
Қочди одамдан - одам,  
“Улгурар у,  
Улгуролмас,  
Кесиби ўтмоққа йўлни.”  
Кесиби ўтди ҳам,  
Тўхтади ҳам келаётган мошин чийиллаб -  
Тўрт-беш қадам ўтиб-ўтмасдан.  
Бир нуқтада уймалашиб қолди одамлар.  
Фожеа рўй берганин ҳис этди ҳамроҳ.  
Кўрган эди лекин Назарнинг  
Йўлни кесиби ўтиб бўлганин.  
“Мошин уриб кетмаган бўлса,  
Тўхтади нега?!..  
Ёнидаги мелисага ўшқирди ҳамроҳ:  
— Кўрмайсизми?!..  
Қўйворди бўшашиб уни мелиса.  
Биргаллашиб югурдилар ўша томонга,  
Келаётган мошинни ўтказиб юборишиб.  
Йўл четида майсазор аро  
Ётар эди Назар чалқанча тушиб.  
Хирилларди холос питирлаб.  
Майсазорда  
Қаёқдандир тушиб қолган  
Муштдай тош бўлиб,  
Тушган экан Назар шунга -  
Орқа мияси билан,  
Мошин уни туртиб кетган экан сал.  
Қон оқарди бошидан Назар Шукурнинг.

...Қотиллик рўй бергани аён,  
Қотиллик қилгани хушёрлар у кун,  
Ароқ ичмаганлар қилган эди қотиллик.

... Мелисалар йўқотмоқ истаб гувоҳни,  
Назарни тез ёрдамга ортишаётиб,  
Жеркиб берди ҳамроҳни дангал:  
— Кет уйинга, ўзимиз олиб борамиз.  
— Дўстиман, мен бирга боришим керак,

Қайга олиб кетаяпсизлар?!  
 Ҳамшира овозин эшитиб қолди зўрга:  
 — Ўн бешинчига!..

### VII

Мунгли кунни эслаш нечун? Э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Отилган бир ўқ - сўнгги кун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Сўнгги кунда ёмон маҳзун, э воҳ, эсламай бўлмас,

Бошинг ёрилиб, оқди хун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Узатаман сенга томон, етмас қўлим, укажон,  
 Қўлларимдан юлиб кетди сени ўлим, укажон.

Миршабларга кўзинг тушса бир сесканиб кетардинг,  
 Нокасларни миршабларга бир-бир қиёс этардинг,  
 Миршаб, дердинг ҳасадгўйни, нодонни миршаб,  
 дердинг,

Сени миршаб еди у кун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Узатаман сенга томон, етмас қўлим, укажон,  
 Қўлларимдан юлиб кетди сени ўлим, укажон.

Бошинг ёрган ерда ётган оддий тош эмас эди,  
 Бевафою бемеҳр ёр, қаламқош эмас эди,  
 Уйларига сигдирмаган бағирдош эмас эди,  
 Тор бўлдими дунёи дун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Узатаман сенга томон, етмас қўлим, укажон,  
 Қўлларимдан юлиб кетди сени ўлим, укажон.

Ота-онанг, укаларинг, фарзандларинг қолди зор,  
 Не гап бўлди, ақли етмас, қақшар ҳамдам дўсту ёр,  
 Шеъринг бўзлар изингга бош уриб кечалар бедор,  
 Мухлисларинг йиғлар маҳзун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Узатаман сенга томон, етмас қўлим, укажон,  
 Қўлларимдан юлиб кетди сени ўлим, укажон.

Сени ўлди, деган менми, ўлган сенми тонг-саҳар,  
 Тонг саҳарда қонларингга ботдими қотил шаҳар,  
 Қабринг узра ув тортдими сўйганинг фасли баҳор,  
 Шоир ўлган кун - мунгли кун, э воҳ, эсламай бўлмас,  
 Узатаман сенга томон, етмас қўлим, укажон,  
 Қўлларимдан юлиб кетди сени ўлим, укажон.

### VIII

Бирдан ҳувиллаб қолди каттакон шаҳар.  
 Ҳақиқий дўстларидан  
 Наҳот шундай айрилиб одам?  
 Бегонага ёки душманга  
 Айланарми сохта дўст-ёрон?

Хотинининг туши ёдига тушди  
 Ёмон кўриб кетди хотинин.  
 Ёмон кўриб кетди хотиннинг  
 Сўзига қирмагани учун ўзини.  
 Назарида ҳамма айбдор эди -  
 Назарнинг ўлимида:  
 Нафақат мелисалар,  
 Вақт, замон ва давр,  
 Шаҳар ва саҳар,  
 Ўша кеча туғилган кунда  
 Ўлтирган ва ўлтирмаганлар,  
 Мия қопқоғини очиб Назарнинг  
 Яна ёпиб қўйган врачлар...  
 Ота-она, укалар,  
 Эрин қўлга ололмаган собиқ хотини,  
 Севгисига ишонтириб тегмаган қиз ҳам.  
 Ҳеч ким айбдор эмасга ҳам,  
 Манглайига шундай кун ёзилганга ҳам  
 Ўшарди гоҳо.

### IX

Олиб кетишар экан  
 Марҳум жасадин  
 Олис қишлоққа,  
 Уни қолдиришди “Бормайсиз” дея.

“Етар бир шоирдан айрилганимиз,  
 Оғиз-бурнингиздан қон кетаяпти,  
 Айрилиб қолмайлик яна биридан”.  
 Лекин қандай бормаи бўлади?  
 — Мен сўнгги кун бирга бўлганман,  
 Боришим керак!  
 — Қаранг аҳволингизга,  
 Тамом бўласиз,  
 Шу туришда йўлга чиқсангиз!!!  
 — Нима дейди, ахир, у ердагилар...  
 Сўнгги йўлга кузатмасам  
 Чирқирар-ку арвоҳи!  
 — Биз ўзимиз тушинтирамиз,  
 Арвоҳ эса... кўриб турибди!  
 — Бормасам, мен қандай яшайман?!  
 — Бунисини билмадик,  
 Лекин олиб кетмаймиз сизни!..

### X

Дўхгир тушинди уни,  
 Тинчлантирувчи дори тайёрлаб берди.  
 Қаршилиқ қилмади бу гал хотин ҳам.  
 Етиб борди умрида бормаган ерга.  
 Ва эшитган биринчи гапи шу бўлди:  
 — Нега келдингиз?  
 Шаҳардан борганлар айтди бу гапни.  
 Энсаси қотди.  
 — Керак эди келишим, келдим,  
 Сўнгги йўлга кузатишим керак Назарни,  
 Ҳаққим йўқми ё?..  
 — Нега энди, ҳаққингиз бор,  
 Фақат бу ерда  
 Сизни айблашяпти баъзи бировлар  
 Назарнинг ўлимида!..  
 Тишларнинг орасидан янгради бу сўз.  
 ... Манглайдан совуқ тер чиқиб кетди:  
 — Бўлиши мумкин...  
 Бегуноҳман, кўриб турибди Худо,  
 Кўриб турар арвоҳи ҳам Назарнинг.  
 — Саҳройроқ бу ернинг халқи! -  
 Ўша овоз янгради такрор, -  
 Худо кўрсатмасин, жаҳл аралаш!..  
 — Ҳар кимнинг бошида битта ўлим бор,  
 Ўшани бўйинга олиб келганман,  
 Куним битган бўлса, ўлавераман.  
 Шу.. мотамхонада жанжаллашмайлик,  
 Кўроврамиз пешонадагин!..  
 Ана шундан кейин бошланди бари:  
 Қадам товши эшитилди,  
 Ўқирди кимдир,  
 Болта тушди бошига унинг,  
 Манглайига оқиб тушди иссиқ қон,  
 Қотиб қолди, юраги тўхтади гўё,  
 Ушлаб кўрди бошини. Бутун.  
 Тепасига қаради - ҳеч ким.  
 Койиди ўзин.  
 Деди: “Чарчаганман, туюлди шундай.”  
 Ўксиди. Бағридан узилди шу сўз:  
 “Назар ўлиб кетди. Сен бўлсанг,  
 Қандай хаёлларга бориб юрибсан”.  
 Йиғлади такрор,  
 Йиғлади ўз ҳолига ҳам у.  
 Яна қадам товши, яна ўкирик,  
 Бу сафар бошига тушмади болта,  
 Пичоқ санчилди чап биқинига - “ғарч”,  
 Кириб борди қорнигача то  
 Ва сугурилди.  
 Қотиб қолди юраги тўхтаган каби.  
 Ушлаб кўрди беихтиёр чап биқинини,  
 Қўлига қон сизмади,  
 Биқини бутун.  
 Ён томонга боқди - яна ҳеч ким йўқ.  
 Ўйлади: “Ваҳима”.  
 Йиғлади яна:  
 Йиғлади у ўз ҳолига ҳам.



Мурдани тупроққа қўйишаётганда,  
Қабрнинг оғзига ўлтирди шундоқ,  
Бош устидан учиб ўтди кетмонлар,  
Ярқираб-ёниб,  
Кимдир чопиб ташласа, қанийди, деди,  
Рози бўлди ўлимига ҳам,  
Лекин ҳеч ким чопмади уни,  
Хўрлиги келди,  
Йиғлади ҳам Назар, ҳам ўзи учун.

XI

Ана шундан кейин бошланди гийбат  
Унинг ҳақида:  
— Палончи бор экан ёнида, балки  
Итариб юборгандир мошин тагига.  
— Ўзи кўп ичарди, ичиргандир-да!..  
— Ҳой, инсонлар, -  
Ҳайқиргиси келарди унинг, -  
Ароққа боғлаймиз нега ҳаммасин?!  
Шуҳрат Абдурашид, Амирқул Пўлкан  
Фожеаларин ҳам ароқдан кўрлик,  
Есенин, Фадеев ўлимларин ҳам  
Ароққа боғлаган экан душманлар...  
— Бети чидаб қандай юрибди,  
Бир дўст ўлимига сабабчи-ку у!..  
— Бир ёш йигит ўлиб кетаверарми,  
Тўплайлик ҳамюртларни,  
Бостириб борайлик уйига тунда!..  
Дарҳақиқат тўпландилар ҳам,  
Бостириб бордилар ҳам тунда уйига,  
Тепдилар ҳам хонадони эшикларини,  
Бузиб кирмоқчи бўлиб!..

Унинг эса бор дунёси қоронғу эди,  
Назар бўлиб кўринар эди  
Ҳар дўппайган нарса уйда, кўчада.  
Мошинлардан ҳайиқар эди,  
Ҳайиқарди мелисалардан.  
Оҳ чекарди тунлар уйғониб:  
“Қайдасан, Назар?!”  
Не кунларга қўйиб кетдинг мени, Назаржон?!”

XII

Суд ўтди.  
Ҳар галгидай -  
Жавобгар бўлмади ул мелисалар.  
“Улар хизмат жойида  
Бурчларини ўтаганмишлар”.  
Устига устак,  
Шофёр “Айб-менда” -деди.  
Мелисалар тасдиқлади унинг сўзини.  
Ва қамалиб кетди нодон беш йилга.

*Х О Т И М А*

Ўқиётган чоғида ҳакам ҳукмини  
Очиқ эди хона деразалари:  
Ташқаридан эшитиларди  
Ҳар хил мошинларнинг гувиллашлари.  
Яна шиддатлироқ юрарди улар,  
Тутун чиқаришиб янада кўпроқ,  
Гўё одамларни қуварди улар,  
Қувардилар гўё босиб ўлдирмоқ учун.  
Хушёрхона мошинлари ҳам  
Бор эди шаксиз  
Улар ичида.  
Дарвоқеъ, Назарни қувлаганлар ҳам,  
Ҳакам мажлисидан сўнг,  
Ўлтиришиб ўша машъум мошинларига,  
Сингиб кетди ўша оқимга,  
Яна одам овлашга чоғлаб ўзларин.

19.X.1990 йил,  
Москва, Переделкино.

# МИРЗА КАМОЛ ОХУН САҲРОЙИНИ БИЛАСИЗМИ?

Мирза Камол Фозилов ўз даврининг исломий ва дунёвий билимларини чуқур билган уламо бўлиб, етишган инсон эди. У киши Мирза Камол Охун номи билан ҳозирги Шаҳрисабз, Китоб, Ургут туманларида жуда машҳур киши бўлганлар. Пири комил инсоннинг олдиларига зиёрат қилиш ва суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун ҳатто узоқ Тожикистондан, Қозоғистондан ҳам уламолар келганлар.

Мирза Камол 1878 йилда Китоб туманидаги Хўжайилмкони қишлоғида таваллуд топганлар. У кишининг оталари ва оналари ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Бироқ шуни айтиш мумкинки, зиёли оилада вояга етганлар.

Ёш Камол ота қўлида савод чиқариб, сўнг қишлоқдаги маҳаллий диний мактабда ўқиган. Сўнг Мирза Камол илм ва маънавият маркази бўлган Бухорои Шарифга ўқишга келади. У XX асрнинг бошларида мадрасада ўқиб, диний ва дунёвий билимларни пухта ўрганади.

У илм ўрганишга сидқидилдан меҳр қўйди. Жуда зукко, чиройли хат эгаси бўлди. Шунинг учун хаттотлик санъати билан астойдил шуғулланди.

Бухорои Шарифнинг олий мадрасасини муваффақиятли тугатган ёш олим бир неча муддат амирликда мирзолик вазифасида ишлайди. Умр бўйи унинг исмига мирзо унвони қўшиб айтилиши ҳам шундан бўлса керак.

Мирза Камол ўз юртига қайтиб келгач, Китоб беклигида ишлай бошлайди.

Сўнг бир қанча қишлоқларда имом хатиблик қилди. Бироқ у ўз устида ишлашни, илм билан шуғулланишни умрининг охиригача тарк этмади.

20-30 йиллар у кишининг ҳаётида алғов-далғовли йиллар бўлди. Шўролар ҳукумати илмли, хур фикрли кишиларни сиқув остига олди.

Кувгиндан нафақат у киши, балки хеш ақраболари, оила аъзолари ҳам анча жабр кўрдилар. Мирза Камолнинг Мулло Исомиддин исмли укаси ҳамда синглиси бор эди. Ана шу кувгинлар туфайли у кишининг сингиллари Душанбеда қолиб кетди. Бугунги кунда у кишининг авлодлари у ерда истиқомат қилмоқда. Укалари ва ўзлари эса умрларининг охиригача Китобда яшадилар. Саъдулло ва Жунайдулло исмли фарзандлари бўлган.

Мирзо Камолни узоқ йиллик кувгинлардан, шўроларнинг ёмон назаридан оллоҳнинг ўзи доимо сақлаган. Ўғиллари Мулло Саъдулло бобо(марҳум)нинг ҳикоя қилишларича, уларни ушлаб кетишларига ўн марталаб бир баҳа қолган. Ота ва ўғилнинг устига келиб қолган НКВД вакиллари у кишини кўрмай ўғилни олиб кетишган. Бу ҳол бир неча марта такрорланган. Шунда

Мирзо Камол қандайдир дуони ўқиб юзларига фотиҳа тортар эканлар.

Мирзо Камол узоқ умр кўрди. У киши 97 ёшларида 1975 йилнинг 1 январиди ўз қишлоқларида вафот этдилар. У кишининг қабри қишлоқ қабристониди буюк авлиё Ҳазрати Ҳожагий Имганегий сағаналарининг ёнгинасига қўйилди. Шўролар замони бўлишига қарамасдан у кишининг жанозасига минглаб одамлар йиғилади. Қабрга қўйиш олдида ваъз ўқилади. Унда Шаҳрисбздаги Ҳазрати имом жомеъ масжидининг имом хатиби Ҳожи Пўлатхон шундай дейдилар:

— Биродарлар, биз Мирзо Камол Охунни қабрга қўяётганимиз йўқ. Бир уй китобни кўмаепмиз.

Шу ўринда у кишининг ўзига хос илоҳий хислатларга эга эканликларидан далолат берадиган яна бир воқеани эслаймиз. 1975 йилнинг 1 январь кунда у киши уйдагиларга бугун меҳмон келиши керак деб айтадилар. Ҳақиқатан ҳам шу кун кечки пайт уйларида Душанбеда сабоқдош дўстларидан бири Абдурашид меҳмон бўлиб келади. Улар бир-бирлари билан жуда дўст эдилар.

— Эй Абдурашид, мен сизни кутаётган эдим. Энди худо хоҳласа менинг жанозамни ўзингиз ўқийсиз.

Шу тунда аллома Мирзо Камол бандаликини бажо келтирадилар.

### Мирза Камол ОХУН

## МЕЪРОЖНОМА

Биҳамдуллили худоёқулли ошё  
Яратди қудратидан солики роҳ,  
Муҳаммадни ҳабибим деб яратти,  
Биҳамдуллиллоҳга бизни уммат этди.  
Берди жибрилдин ким саломи,  
Саломи беадад бирла каломи.  
Малойиклар дуридур бениҳоя,  
Берди жибрилдин мустафога.  
Деди жаброил худойингдин саломи  
Дурур эрмиш малойикнинг каломи.  
Деди келсун ҳабибим қобақавсин  
Етишсун манга чун мардумга айн.  
Томоша айласин ким қудратимни  
Худованди билинг санъатимни.  
Манингким раҳматимдир бениҳоя  
Келиб кўрсин худойиким қайси жоя.  
Ки аршию курсию лавҳи қаламини  
Битибдур қудрати бирла арзни.  
Ки тубию жаннати қавсарни кўрсин  
Анингчун халқ қилдим шукр қилсин.  
Ки дўзахни кўриб ул шохи мухтор  
Ҳидоят айласин умматни бисёр.  
Деди Жаброил қаломини ўшал он  
Қабул қилди Муҳаммад бо дилу-жон.  
Кийиб ҳиллаю буроқ устиди минди,  
Ки етти қат фалакни сайр қилди.  
Фариштаю малойиқ ҳаммаси ҳам  
Бари хизматга қойим бўлди ул дам.  
Мақоли Жаброил пайки эмин,  
Ки қасри мунтаҳога етти ул ҳийн.  
Номози фитр анда бўлди барпо,  
Сайр қилдики андин қасри боло.  
Ки аршию курсию лавҳи қаламга

У кишининг баланд ихлос шогирдларидан Ҳожи Маҳмуд Зариповнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Мирза Камол Охунга тегишли бўлган бир тўплам аниқланди. Тўпламни синчиклаб ўқиб чиқиш шундай хулоса бердики, Мирза Камолдан бой адабий мерос ҳам қолган экан.

Тўпламдаги шеърларнинг мазмуни чуқурлигидан ташқари тили ҳам равондир. Жуда кўп китоб ўқиган, сўз бойлиги яхши бўлган шоир мисраларни жуда равон тўлади. Шеърларнинг маснавий тарзида қофияланиши ҳам ўқувчи ёки тингловчига фикрнинг тез етиб боришини таъминлайди.

Адиб ижоди серқирра ва ранг барангдир.

Тўпламда ҳажман кичик шеърлардан тортиб, катта шеърларгача бор. Унда насиҳатлар, тўртликлардан ташқари “Муножот”, “Меърожнома” асарлари ҳам ўрин олганки, Мирза Камолнинг ниҳоятда салоҳиятли, кенг қамровли адиб эканлигидан далолатдир.

У кишининг қаламига мансуб бўлган асарлар қўлёзма ҳолида одамларнинг қўлларида турибди. Ушбуларни ўрганиш, кенг халқ оmmasига етказиш мунаққидларнинг вазифасидир.

*Салоҳиддин ИСОМИДИНОВ,  
Китоб тумани.*

Еткурдиким аларни ушбу дамга.  
Ки Жаброил хизмати ҳақни битурди  
Хисобин аршу аъзамга еткурди.  
Назар қилдингки аршга воқеа кўб  
Учар аршдин юқори жонивор ўн тўп.  
Анинг ҳар тўпи етти-етти эрди  
Нечук жонивор эканин билмас эрди.  
Яна аршнинг кўнгурасининг сони йўқдир  
Осилган қандилининг поёни йўқдир.  
Худо амри била нарвонга етди,  
Буроқни хизматиким анда етди.  
Чиқар деб нарвондин шоҳи аброр  
Келиб раф-раф турар хизматга тайёр.  
Миниб раф-рафни бир манзилга етди  
Ўшал манзилда раф-раф арз этди.

Деди раф-рафки султони олам,  
Эрурсиз ҳамма оламга мусаллам.  
Менга ҳад йўқдир бу манзилдин ўтарга  
Тилим йўқ хизматинга арз этарга.  
Тушиб раф-рафга бердилар жавобе  
Олиб қайтди жавоби бор савобе.  
Келиб етди ҳидояти қадамга  
Етурди қобиқовсин ушбу дамга.  
Икки дўст бир-бирига бўлди ҳомил  
Калом айлағай бекаму бетил  
Ўттиз уч минг шариятдин гап урди,  
Ўттиз уч минг тариқатдин гап урди,  
Ҳақиқат ўттиз уч минг қилди изҳор  
Деди бу сири аълойима зинҳор.  
Тамоми қудрати яздонини кўрди,  
Ки аршни сийратин жониворни кўрди.  
У жониворлар бари умматларингдур



Ва лекин ҳаммаси фарзандларингдур.  
 Ки етти-етти ўтган бир мақомда  
 Ки ўн тўпи ўтар ҳар қайси номда.  
 Ки бир тоифаси девона ўтгай  
 Бири султонлигини тарк этгай.  
 Бири шайху замон бўлгай муаззам  
 Ҳидоят айлагай қавмини ул дам.  
 Бири султон жонибидин бўлгай  
 Аларни барчаси ҳам қутфа бўлгай.  
 Бири ошиқ бўлгай номдоре  
 Элинда бўлмагай ким ихтиёре.  
 Бири бўлгай харобати ўшал он  
 Бўлгай ул бандаликда пур ҳол.  
 Бирини ҳолини асло билмагайлар,  
 Кўрсалар харфи беҳад сўрмагайлар.  
 Бири бўлгай яна мажнуни даргоҳ  
 Паришонҳол ўлгай сирдин огоҳ.  
 Бири шаъбуди қоҳинбоз бўлгай  
 Малоийк халқига ҳамроз бўлгай.  
 Бири бўлгай либосу фақир ичинда  
 Сипогарлик қилур ул даҳр ичинда.  
 Бу ўн хислат ила юргай булар ҳам  
 Бири қутуби замон ўлгай магар ҳам.  
 Ки даҳёри беҳиштдин хислатидур  
 Бу ўнни ўн ёрнинг рабатидаур.  
 Кўрибсан арша қандили бисёр  
 Анинг ҳар қайсисида умматинг бор.  
 Ки баъзи авли-ю от қиёдур  
 Ки баъзисинда анинг аслиёдур.  
 Ки баъзисинда эрди шайху олам  
 Ки баъзисинда олиму мукаррам.

Ки баъзисинда амримо адолат  
 Ки баъзисинда пулотин бо диёнат.  
 Ки баъзисинда анинг хос бандалар кўр,  
 Ки баъзисинда анинг рост бандалар кўр.  
 Ки баъзисинда мўмину мусулмон.  
 Бари умматларинг қандилла шул он  
 Барин қандул ичинда жо этибман.  
 Аларнинг бопуштин имон этибман.  
 Тамоми умматинг имонлидур бил,  
 Иймонсиз умматинг йўқ шуқр қил.  
 Имони ал фоси хос сириндур билгил  
 Қилиб мани умматингга ани мойил.  
 Ки санинг ғамингда мен э шоҳи мухтор  
 Сен умматинг учун гап ема бисёр.  
 Сенинг мадҳинг учун лавҳу узра биттим  
 Жами умматинг раҳмат эттим.  
 Чиқиб қандил ичилиди бу жавобе,  
 Келиб буйнини суйди шул замоне.  
 Анинг мушоҳабасига паймонни кўйдим,  
 Сенинг дийдорингга ким восил бўлдим.  
 Хабар бергин менга ул навжувондин  
 Қилай шафқат анга ман жону дилдин.  
 Оти Абдулқодир нури умматингдур,  
 Булур оламда пайдо қудратингдур.  
 Тамоми авлиёлар раҳбаридур.  
 Ўзи қутби жаҳанни афзалидур.  
 Аниким ўн бир оят бирла ҳар тарафе  
 йўқ оят деса дар зеҳни йўқ атрофе  
 Манга кистох андоқ неча минг қул  
 Ҳама кистохлар кистохидур бул.  
 Сифатинг раҳматинг лил оламиндур,  
 Жами умматинг жаннатни шиндур.  
 Ки исёнларинг ичра бўлса куну тун,  
 Мени дарёи раҳматиндур афзун.  
 Бу дарёни санинг ҳурматларинг чун  
 Яраттим ҳаммасин умматларингчун.  
 Емагил ғам, кўриб дўзахни борин  
 Сенга бердим дўзахнинг ихтиёрин.

Хоҳе барҳам ур ва хоҳ урмагил сан,  
 Ки умматлар учун ғам емагил сан.  
 Эшитиб бундан шуқр қилди,  
 Ки уммат жонибидин шуқр қилди.  
 Ўзини раҳмат эт, авлодларни ҳам  
 Бизнингдек осийларни ҳам  
 Тамоми қудрати яздонин кўрди,  
 Малоийклар муаккил ишини сурди.  
 Нима сўрди жавобин берди ул шоҳ  
 Ҳаммасидин пайғамбар бўлди огоҳ.  
 Деди ёрабки аршдаги саттора,  
 На санъатдур иродаи маҳёра.  
 Деди одам била ҳаво ўшал моҳ

Пайғамбарлар саттора бўлгил огоҳ.  
 Деди парвардигори ҳажда олам  
 Санга кўп интизор Ҳавво, Одам.  
 Ўшал кўрган сатторалар, набилар  
 Ҳаммаси санга интизор эрурлар  
 Ёраб сан ҳоли аҳволин сўргин  
 Аларнинг хотирини жам қилгин.  
 Ки андин сўнг бориб жаннатни кўргин,  
 Ки саккиз тамомин сайр қилгин.  
 Яна дўзахни сан айла томоша,  
 Нечун оташ, нечун ях бўлгин огоҳ  
 Емагин ғам кўриб дўзахни барин  
 Санга бердим дўзахни ихтиёрин.  
 Санга ҳада қилибман раҳматимни,  
 Бориб хурсанд қила кўр умматингни.  
 Ҳидоят қил жами бандаларни,  
 Ўшал ҳам бутпараст шармандаларни.  
 Қабул қилса арзингни раҳматим бор,  
 Қабул қилмаса ул қаҳҳор отим бор.  
 Келиб Одам била Ҳавони кўрди,  
 Аларнинг хизматин бажо келтурди.  
 Ки андин сўнг пайғамбарларни кўрди,  
 Аларнинг иззатин бажо кетурди.  
 Кўриб кўзи Муҳаммадни булар ҳам  
 Дуо қилди Муҳаммадни ўшал дам.  
 Деди сизга худони раҳмати бор,  
 Ки сизга раҳмати бисёра-бисёр.  
 Булардин руҳсат олиб ул замоне,  
 Туриб жаннат сари бўлди равона  
 Кириб жаннат борини сайр қилди  
 Кўриб Идрис дуойи хайр қилди.  
 Чиқиб андин равон бўлди ўшал дам  
 Томоша айлади дўзах борин ҳам.  
 Деди молик келингиз раҳматуллоҳ  
 Ки умматларни раҳмат этсин оллоҳ.  
 Ки андин сўнг назри дил қилди заминга  
 Дедиким бошлағил Жабронли аминга.  
 Келиб осмони чаҳоримга Исони  
 Кўриб олди Исодин ҳам дуони.  
 Ки андин сўнг келиб тушди замина,  
 Тамоми нурдин тўлди Мадина,  
 Келиб айди худовандин каломин,  
 Етурди бандаларга кўп саломин.  
 Ки андин сўнг ҳидоят этти авлони,  
 Мадина шаҳриким бўлди мусулмони.  
 Кўринг Макка муаззамда Абу Жаҳл  
 Мусулмони бўлмай ўлди жаҳлидин.  
 Шул бетавфиқ хуёи рояном  
 Ин китобат равонки шаҳбадам  
 Забун бўлса қалам бирла сиёҳи  
 Нодир ёзғучи бандангни қули.

**С. ИСОМИДДИНОВ**  
 нашрга тайёрлади.



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI



MUASSISLAR:

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Allanazar ABDIYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

**Bosh muharrir**

Abduqayum YO'LDOSHEV

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Sobir O'NAR

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abdusaid KO'CHIMOV

Abdul G'ani JUMAYEV

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Luqmon BO'RIXON

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yil-  
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 4 (186) 2002 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.**MUNDARIJA****MUSTAQILLIGIMIZNING 11 YILLIGI***Sobir O'NAR. Yana bir dovon. .... 1***NASR***Muhammad UZOQOV.**Bobur sog'inchi. Hikoya ..... 5**Normurod NORQOBILOV**Ovul oralagan bo'ri. Qissa. .... 12**Ismoil SHOMURODOV.**Ikki izquvar. Qissa. .... 21***NAZM***OYDINNISO.**Men yurakman. .... 10**Husniddin SHARIPOV.**Fikr rishtalari tutashgan damda. .... 20**Shukur QURBON.**Hamroh. Doston ..... 40***BIRINCHI UCHRASHUV***Boboqand MIRZO.**Quyosh botmaydi. .... 3***ME'ROSIMIZNI O'RGANAMIZ***Salohiddin ISOMIDDINOV.**Mirzo Kamol Oxun Sahroyini taniysizmi. .... 45*Manzilimiz: 700000, Toshkent, Javoharlari Neri, 1-uy,  
Telefon: 133-40-83  
Bosishga 01.08.2002 yilda berildi.  
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.  
Indeks 822 ISSN 0207-9137 Buyurtma № 80Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi deb  
izohlanishi shart.Alisher Navoiy nomli O'zbekiston Milliy kutubxona  
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi 33-uy.